

ОМИНА
ШЕНЛИКУҒЛИ

ИСКАНЖА

ЎТМИШДАН КЕЛГАН АКС САДОЛАР
ИДРОКИМИЗ УЧУН ТАМАЛ ТОШИДҒУР
ЗЕРО ТАФАККУР АҲЛИ
УНИНГ УСТУНИ



Хаёллар

Ҳаммаси 1946-йилда бошланди.

Черчек яқинидаги бир қишлоқда онам, отам, мендан бир ёш катта акам Тургут ва уч ёш катта опам Чечак билан биргаликда ҳаммамиз бахтли ҳаёт кечирандик.

Қишлоғимиз гўё жаннатга ўхшарди. Ёмғир ёғганида ҳавонинг ифори ўзгариб кетарди. Тупроқнинг ифори «Ҳаёт барҳаётдир» деган афсонани ёдга солиб юборарди. Бурам-бурам тупроқнинг ифори хушбўйликка ҳожат қолдирмасди. Шундоқ ҳам бирон бир хушбўйликнинг ифори унинг ўрнини боса олмасди.

Қишлоғимиздаги йўлларнинг ён атрофи мевали дарахтлар ва гуллар билан безалганди. Моҳир рассом тарафидан чизган суратни ёдга солиб юборарди.

Хаёлимда қишлоғимизни сайр қилиб, руҳим ором олгаётнини ҳис қиламан. Бундан қандай қилиб ором олмаслик мумкин? Баҳор келиб, гуллар очилганида қишлоғимиз ўзгариб кетарди. Йўлнинг икки тарафида инжу каби тизилган уйларнинг олдидаги мевали дарахтлар пушти, мовий, қизил рангда очилганини кўрганимизда, эртақлар оламига тушиб қолганга ўхшаш туйғуни ҳис қилардик.

Қишлоқда бир-бирини яхши кўрадиган саккиз кардош эдик. Бир кун келиб яқинларимдан менга ёдгорлик бўлиб қоладиган ягона нарса, мана шу расм эканлиги хаёлимнинг бир четига ҳам келмабди.

Тургут билан мен бу йил лицейда ўқишни бошлашимиз керак эди. Катта ҳаяжон билан тайёргарлик кўраётгандик. Ўша кунлар жуда ҳам ажойиб эди! Гўё хаёл уммонида сузаётгандек эдик!

Мен биринчи марта шаҳарга бораётган эдим. Бу нарса мени яна ҳам тўлқинлантириб юборарди.

Акам билан жуда ҳам яхши чиқишардик. Шунда опам бизга жаҳл қилгандек бўларди. Мен ҳам унга ҳар сафар «Тургут – менинг ҳам ўртоғим, ҳам акам. Сиз қизлар билан кўғирчок ўйнаётганингизда, биз у билан ўйнардик», дердим.

Бир сафар яна шундай деган эдим Тургут ҳам гапимга кўшилиб:

– Ҳа, мен унинг акасиман, шириним. Акалик қилишимдан жаҳлинг чиқмасин, деди.

Бир-биримизни жуда ҳам қаттиқ яхши кўрардик. Гўё биттамыз бўлмасак, иккинчимиз яшай олмасдик. Бизга шундай туюларди.

Отам бизнинг самимиятимиздан завқланардилар. Гўё тинчлантирувчи филм томоша қилаётгандек, бизни томоша қилардилар. Тез-тез куйидаги гапларни айтардилар:

– Бугун сизлар жон дўст бўлган бўлсангиз, бу иймонингиз туфайлидир. Иймонингиздан айрилдингизми, туғишганлигингизни ҳам унутиб юборасиз. Ҳатто, туғишган бўлганингиз учун бир-бирингиздан уялиб кетасиз.

Отамнинг мана шу гапларини кўп ўйлардим. Мен акамдан ёки опамдан уялишим мумкинми? Улар менинг жонларим ва болаликдаги ўртоқларим эдилар.... Лекин, отам бу туйғуни билмасдилар.

Эртаси куни ўқишга кетишимиз керак эди. Онам... Меҳрибоним мени! Ҳам йиғлар, ҳам бизни юпатардилар. Онам гўё биз ўлимга кетаётгандек ачиниб йиғлардилар. Она юраги... боласи билмаса ҳам бошқача уради.

Севигилим Айбалам кетаётганим хабарини эшитиб, бир баҳона топиб, бизникига келибди. Уялиб, қимтиниб:

– Эртага кетаётганинг тўғрими? деб сўради.

– «Тўғри» дегандим қаттиқ хафа бўлди. Лекин, ранжиганини менга билдирмасликка ҳаракат қиларди.

Иккимизнинг ҳам ёшимиз кичкина эди. Иккимиз ҳам бир-биримизга очила олмаётган эдик. Лекин, иккаламиз ҳам бир-биримизни яхши билардик. Бир-биримизни севардик.

Катта акам уйланиб, алоҳида бўлиб чиқиб кетган эдилар. Уни ёқтирмасдим. Менга ялтоқларга ўхшаб туюларди. Арзимас хато қилсак ҳам бизни урарди ёки отамга чақиб берарди. Биз билан яхши муомалада бўлмасди. Ундан гоҳида нафратланиб:

– Ҳаётим давомида мен соғинмайдиган ягона одам мана шу, дердим. Қишлоғимизда менга ёқадиган уй ўзимизнинг уйимиз эди.

Омина Шенликўгли

Қишлоғимизнинг тожи каби кўринарди. Тахта эшиги меҳр билан очилиб, меҳр билан ёпиларди. Гўё бизга қараб табассум қилаётганга ўхшарди.

Ёғочдан эди, лекин кўркам эди. Эскийди, лекин мен учун яп-янги эди.

Сигирларимиз, кўйларимиз бор эди... Оғилхонамиз уйимизнинг орқа тарафида бўлгани учун салгина шаббода эсса, ҳайвонлар ахлатининг хиди олдимизгача тутиб кетарди.

Қандай кунлар эди-я! Ҳайвонлар ахлатининг хидини бир кун келиб, соғинишини ким ҳам ўйлабди дейсиз!

Катталар мамлакат бошқаруви ҳақида гаплашишарди. Мен эса ҳеч нарсани тушунмасдим. «Бола» дейишиб, бизга айтишмасди. Кейинчалик эса, «Катта бўлди» дея тушунтиришга ҳожат йўқ дейишарди. Лекин, бошқалар болаларига ҳам, катталарига ҳам ўзлари тўғри, деб билган эътиқодлари ва услублари ҳақида эринмай айтиб беришарди.

Охирги кечамиз эди. Эртага кетамиз, дея отамда ўзгача ҳадик бор эди. Бу ҳадикнинг сабабини йиллар ўтганидан кейин тушундим. Шу ҳадик билан отам ҳар доим шундай гапирарди:

– Яхши, болаларим! Эртага кетяпсизлар. Мен тикан устидаман. Астойдил бўлинглар болаларим. Мен дехқончилик қилиб пул топиб, сизларни илм олишга юборяпман.

Лекин, нима бўлса ҳам бу нарса мени кўрқитяпти. Шундай илм олса бўладими? Болам олим бўлиб келадими ёки золимми? Билмайман. Ҳадик ичида яшайман.

Онам дарҳол бизни ҳимоя қилиб кетди:

– Сиз мен бешикка белаган болаларимдан кўркманг. Мен уларга ҳалол сут берганман. Улар йўлларида адашмайдилар.

Бечора онажоним. Мақтанадиган бошқа нарсаси бўлмагани учун эмиздирган сутлари билан мақтанардилар.

Отамнинг жавоби жуда ҳам чиройли бўлди. Буни энди тушунапман. Чойларини хўплаб, онамга шошмасдан жавоб берди:

– Тузум бузилган хоним, тузум. Мен болаларимдан эмас, тузумдан кўркяпман. Уларни алдаб қўйишидан хавотирдаман. Одам боласи тойилишга мойилдир.

Кейин онамнинг кўзларига қараб, сўзларида давом этди:

– Сут қанчалик ҳалол бўлса ҳам, тузумнинг ёмонлиги сутнинг ҳалоллигидан оғир келади...

Мен дарҳол гапга аралашдим:

– Сиз биздан хавотир олманг ота. Биз туркмиз, турк! Бизни ҳеч ким алдолмайди!

Отам ғамли кўзларини бу сафар менга қаратди:

– Коммунистлар ёшларни устамонлик билан динсизлаштираётган экан.

Ёшлар шиддат билан динсизлашиб бораётган эмиш. Шулар хақида бир дўстим айтиб берувди хайрон бўлиб қолдим, ўғлим. Коммунист бўлган қандай қилиб коммунист бўлиб қолганини, динсизлашиб кетганини ўзи ҳам билмай қолар экан.

Бу сафар суҳбатга акам кўшилди:

— Ким, ким бизни динсиз қила олади? Биз туркмиз. Томиримизни кесиб ташласалар ҳам қонимиз турк деб оқади... Турк деб уради юрагимиз. Турк, турк деб ҳапқиради. Бизни ҳеч ким алдолмайди!

Отам сўзида давом этди:

— Биладан, болаларим. Лекин, барибир ичимда бир кўркув бор. Турклардан ҳам динсизлар чиқади болам. Ирқимиз сизни қутқара олмаслиги мумкин. Фақатгина, ирққа ишониб қолиш инсонни алдаб кўяди.

Чечек опам отамни сал тинчлантирди:

— Ота, жуда ҳам хавотирланаверадиган одамсизда? Улар эртага кетишади. Шунақа гапларни ҳам айтасизми?

Отам яна ўша ҳолида шошилмай жавоб берди:

— Нима қилай қизим? Ичимдаги бир овоз тўхтовсиз «Динсизликнинг таҳликасини уларга айтиб бер», деяпти. Номини хоҳ коммунизм, хоҳ бошқа изм деб кўйишсин, динсизликнинг ҳамма кўринишидан кўрқаман. Унинг ёмонликлари болаларимга илакишиб қолишидан кўрқаман. Турк бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди.

Хаётнинг баъзи қоидалари ва ўша қоидаларни ўрнатувчилари бор. Керакли муолажа қилинмаса, турк қонининг ўзини кўтариб юриш фойда бермайди. Маҳалламиз имомини сотиб берган ҳам турк эди. Унга «ислом» дейилса, кўзлари олазарак бўлиб, ранги ўзгариб кетарди.

Тургут кўлларини силкитиб, эътироз билдирди:

– Бўлиши мумкинмас, улар турк эмас. Уларнинг қони бузуқ ота, қони. Бизнинг қонимиз эса, соф турк қони!

Отам Тургутга қараб, дона-дона қилиб жавоб берди:

– Мен қондан кўра кўпроқ иймонга ишонаман ўғлим. Лекин, мен қалбингизга иймонни етарлича жо қила олмадим. Иш билан бўлиб, сизлар билан кўпроқ шуғуллана олмадим. Мана бугун, мана эртага деб бугунга ҳам етиб келдик. Иншааллоҳ кўрқувларим бекор бўлиб чиқар.

Онам бизга кўз тикиб ўтирардилар. Кейин ёғланган юпқадан бир донасини менга узатдилар. Юпқаларининг лаззати ҳамон ёдимда! Баъзан «ўша лаззат жаннат лаззатларидан сизиб чиққанмикин?», деб ўйлаб қоламан. Бундай бўлмаслигини биламан. Лекин, онажонимнинг лаззатли юпқаларини бошқача таъриф билан тушунтира олмайман.

Ўша куни кечаси Тургут билан ўйин ўйнаб зўрға тонг оттирдик. Ўрнимга ётиб бир неча соат ухлай олмадим.

Омина Шенликўгли

Ухласам ҳам тушларимда доимо шаҳарда айланиб юрардим. Шаҳар бўлса ҳам, йўлларида тезаклар ва ҳайвонлар бор эди. Шаҳарни умуман кўрмаганим учун шаҳарда бўлсам ҳам тушим мобайнида қишлоқни айланиб чиқардим.

Зўрға тонг орттириб олдик. Тонггача тўқсон марта ўрнимдан турдим шекилли.

Ойим нонуштага гўзлама тайёрлади. Устига ёғ суртиб бизга берди. Опам ҳам нонуштани ажойиб қилиб тайёрлади. Бечора опам. Ҳеч кимга айтолмаса ҳам юрагида яраси бор эди. Россияда ишлайдиган севгилисини кутаётганди.

Россиялик қизларнинг таъсирига тушиб қолган йигитлар севгилисининг ёнига қайтиб келмаслигини опам билмасди. Келса ҳам мингтадан биттаси келади. Лекин, опам Кубилойга қаттиқ ишонарди. Албатта, қайтиб келади, деган умид ила яшарди.

Маҳзунлигини юзидан билиб олса бўларди. Лекин, мен опамнинг маҳзунлигининг сабабини йиллар ўтгач тушуниб етдим. Бир нарсани кўриш учун фақатгина кўзларнинг ўзи етмас экан. Билим, идрок ва ҳаёт тажрибаси ҳам керак бўларкан.

Нонуштадан кейин йўлга ҳозирлана бошладик. Уйдан пастга тушганимизда акам Тургут менга қараб:

– Каан, деди. Ука фотоапаратимиз бор. Лекин, оилавий расмимиз йўқ. Нега расмимиз бўлмаслиги керак? Қани, келинлар, ҳаммамиз бир бўлиб расмга тушамиз.

Хаммамиз бир жойга тўпландик... Мен:

– Энди бизни ким расмга олади, дедим.

– Сен, деди Тургут.

– Йўк, дедим. Менсиз тушилган расмнинг нима кераги бор?

– Мен расмга оламан, деди Тургут. Унамадим.

– Сенсиз тушилган расмни оилавий расм ҳисобламайман!

Чечек опам ҳам суҳбатга кўшилди:

– Нима бўлса ҳам мен қиз боламан. Унчалик оила аъзоси ҳисобланмайман. Беринглар, мен расмга оламан. Сизлар кулиб туринглар, деди.

Оҳ, опажоним! Нақадар ажойиб гап айтгансиз, мен эса тушуна олмабман.

Опамнинг ҳар доим бўйни эгик эди. Шунинг учун ҳозир ҳам ҳасрат чекаётган қизни кўрсам, дардини тушунаман. Опам менга ҳасратни ўргатган эканлар...

Олдин у бизни расмга олди. Кейин мен у билан расмга олдим. Кейин эса, Тургут...

Тургут тез-тез соатига қараб кўярди. Шунда мен гапиришни бошладим:

– Қирқ йилда бир марта шаҳарга боряпмиз. Шунда ҳам автобуснинг қаҳрига учраяпмиз.

Тургут тезда гапимга жавоб қайтарди:

– Хўп, бўпти тушундим, салгина ўйлаброк гапир. Ўзинг бу дунёда ўн олти йилдан бери яшаяпсан. Қирқ йилни ҳали кўрганинг йўк.

Омина Шенликўгли

Мен ҳам тезда жавоб қайтардим:

– Мен йилларни ўз ойларим билан бўлдим. Ўзимни тақвимимга кўра, қирқ йилни аллақачон яшаб бўлганман.

Чечек опам отамга қараб:

– Сиз «Қиз фарзандим билан ўғил фарзандимни ажратмайман», дейсиз. Лекин, мени ўқитмадингиз, ўғилларингизни ўқитяпсиз, деди.

Отам эса, ерга қараб жавоб берди:

– Мен эмас. Бу ажримни тузум қиляпти жон кизим, тузум. Ўша тузум мен каби оталар кизларининг бошини очиб, эркаклар билан бир синфда ўқитмаслигини жуда яхши билади. Шуни билиб туриб олдини олмади. Мен нима қилай она кизим? Бу тузум бизни Аллоҳ билан ўзи орасига ташлаб қўймоқда. «Танловингни қил», деяпти. Биз ҳам Аллоҳ таолони танлаяпмиз. Бадалини эса, сизларга ўтаттиряпти.

Кейин кўрқув билан кўзларини очиб:

– Бу гапларимни асло бошқаларга айтманглар! деди. Опамга тасалли бериш учун:

– Опа сиз асло хавотир олманг. Мен ўқитувчи бўлсам, энг биринчи сизни ўқитаман. Биз ўқитувчи бўлиб олсак бўлди. Нима фарқи бор ҳо сиз, ҳо мен. Мақтаниш бўлмасин-у, жуда яхши ўргатаман. Шунинг учун ҳам ҳо сиз, ҳо мен деб айтяпман, дедим.

Опам менга кўзларини маъноли қилиб қаратиб:

– Фарқи бор. Лекин, мен нима ҳам қила олардим... Сизнинг ўқиётганингиздан туйган бахтиёрлик билан қаноатланаман.

Онажоним бир мени, бир Тургутни кучоклаб, ҳар хил нарсалар ҳақида танбеҳ берардилар:

– Ўзимнинг довюрак болаларим. Бир-бирингизни эҳтиёт қилинг. Бир-бирингизга менинг кўзларим билан қаранглар. Ўшанда бир-бирингизни асло хафа қилмайсиз.

Онажоним! Волидаи меҳрибоним! Юраклари қанчалар ёнган экан-а?! Болалари ўша пайтда тушунмаган бўлсалар ҳам.

Шаҳарга борсак, уйга ойда бир марта келиб кетамиз, дердик. Шаҳарга борганимиздан кейин қолгани муҳим эмасди. Шаҳарга келишга шунчалик иштиёқманд эдик...

Биз автобусга минганимизда отам, онам, опам йиғлашаётган эди. Лекин, бизнинг фикру ёдимиз осмонларда бўлгани учун бир лаҳза ҳам маҳзунликни татиб кўрмадик. Уларни уйимизнинг олдида қўл кўтарган ҳолларида қолдирдик. Автобусга минганимиздан кейин Тургутдан тез-тез:

– Тургут! Биз ростан ҳам шаҳарга кетяпмизми? Ёки туш кўряпмизми? деб сўрардим.

Бир неча марта «Туш эмас» деди. Уни тўйдириб юборгандим.

Омина Шенликўгли

Охири чидолмай менга қараб ёрилди:

– Каан! Бўлди қил, жаҳлимни чиқарма! Ўйнаб

кулгани келмадик шаҳарга.

Шошилиб-шошилиб кетаётган машиналарнинг кўплигига, уйларнинг катталигига қарардим. Тургут кўлимдан турса ҳам, мен уларга қараб келаётганим учун унинг гапларини эшитмабман. Тургут эса, бошқа нарсаларга ҳайрон қолаётган эди:

– Каан! Уйларни кўрдингми? Бу биноларни қандай қилиб устма-уст қуришган экан-а? Энг тепага уйни қандай жойлаштиришган экан? Қанийди, шу шаҳарда бизнинг ҳам битта уйимиз бўлсайди! Қишлоқдаги тезаклардан кутилардик. Жуда севиначдик. Нима дейсан, Каан?

Шаҳарда яшаш албатта бахтли бўлиш дегани эмаслигини қаердан билибман. Лекин, ўша куни бизнинг назаримизда шаҳардаги инсонларнинг барчаси бахтли эдилар. Назаримизда улар ҳатто хожатхонага ҳам бормас, бурунлари ҳам қонамасди.

Бир неча кун ўтганидан кейин жойлашиб олгач, ўқишни бошладик.

Менинг навбатчиликдаги шеригим хитойлик Ши исмли буддист йигит эди. Уларнинг эътиқодига ҳайрон бўлиб қолгандим. Мусулмонлар танбаллиги, амри-маъруф вазифаларини ташлаб қўйганлари сабабли бу одамлар ҳанузгача буддага сиғиниб юрганларини мен қаердан билибман. Тургутнинг шериги ҳам буддист эди. Унинг исми Фенг эди.

Аҳмад исмли бола билан ҳам танишдим. Уни ёктириб қолдим.

Тургутдан кейинги энг ишонган ва ёктирган дўстим ўша эди. Ҳозирча дарсларимиз яхши кетаётганди. Лекин, дарсда фақат битта муаммо бор эди. Ўзимиз тушунмаган ўқув дастури билан чиқиша олмасдик.

Унга ҳам кўп сиқилиб ўтирмадик. Бу ер ўқиш эди! Бизга нима ўргатишса, энг тўғриси ўша эди. Ёки ўша бўлиши керак эди. Бунинг сабаби эса, давлатимизга кўпроқ ишониб қолганимизда эди. Ўша пайтлари давлатнинг катталигини, унга қилинган хиёнат ҳам катта бўлишини умуман билмас эдик.

Ўқишга тезда кўникиб кетдик. Зеро, социалист ўқитувчилар бизга сидқидилдан таълим берар эдилар. Уларнинг ҳар бири оиламиз аъзосига ўхшар, уларни ётсирашимизга ҳожат йўқ эди. Социалист ўқитувчилар ҳам ўзларига юклатилган вазифани қойилмақом қилиб бажарардилар.

Имконим бўлганида эди уларнинг ҳар бирини излаб топиб «Қалайсиз устоз? Бизни бутун инсониятдан нафратланадиган билимлар билан безантирган эдингиз. Энди хурсандмисиз? Доим «келажагимиз» дердингиз. Ва ниҳоят эришдингиз

Омина Шенликўгли
ўша келажакка. Ўша келажак сизни ҳақиқатдан ҳам
бахтли қилдимиз?»», деб сўрардим.

Инқилоб

Бир ойдан кейин уйимизга келганимизда жуда
ҳам ҳаяжонда эдик.

Биз эшикдан кирганимизда отам ўтин қилаётган
эди. Бизни кўргач, болтани ташлаб ҳасрат тўла
қуйидаги гапларини айтиб, олдимизга қараб кела
бошладилар:

– Жонларим! Болажонларим! Келдиларингми?
Бу ой тугамаса керак, деб ўйлагандим. Бизни
учраштирган Зотга шукрлар бўлсин!

Онам билан опам отамнинг гапларини эшитиб,
улар ҳам олдимизга чошиб келишди. Онам мени
маҳкам кучоқлаб ҳидлардилар. Ана ўшанда оналар
болаларининг ҳидларини сезишарларини билиб
олгандим. Оталар ҳам бу ҳидни сезишармиди? У
ҳолда мен сизга бу саволни бермасдим.

Кучоқлашув маросими тугар-тугамас мен
оғилхонага чопдим. Сигиримизни кучоқлаб ўпдим.
Мен уни яхши кўрардим, у ҳам мени яхши кўрарди.
Мени соғинибди, туришидан билиниб турарди.

Битта итимиз ҳам бўлиб, унинг исми Жан эди.
Ён-атрофда кўрмаганимдан кейин қаердалигини
сўрадим. Итимизнинг биздан жаҳли чиққанми,
билмадим, биздан беркиниб олибди. Бир неча соат

ўтганидан кейин ташқарига чикди. Олдингидек эмасди. Уни ҳам энди тушуняпман. «Сизлар қаерда эдинглар? Нега шу пайтгача йўқсизлар?» дегандек бизга ранжиганини билдириб қўяётган эди.

Ох, ҳақиқатлар! Бир кун келиб шу итни ҳам соғинишимни ким ўйлабди дейсиз. Келгусида кўз ёшларим ичида у ҳақида тўкилган томчилар ҳам бўлажак.

Айни дамда ҳаммаси яхши кетаётганди. Ҳеч бўлмаса бизга шундай туюлаётганди. Икки кун мазза қилиб ҳасратлашдик...

Онажонимиз бизга ажойиб овқатлар тайёрладилар. Кийимларимизни ювиб, дазмолладилар. Ўз қўллари билан чамадонларимизга жойлаштирдилар.

Ўта кетган бемехр фарзандлар эканмиз. Онажонимизни шунча ишлари бўлса ҳам ички кийимларимизни ҳам муҳтарама онамизга ювдирибмиз.

Хайрлашув куни келганида отам яна ўша эски гапларини такрорладилар:

– Эҳтиёт бўлинглар болаларим! Ҳеч ким сизга бирданига «динсиз бўлинг» демайди. Сизларни аста-секинлик билан динсизлаштирадилар. Олдин китоб беришади. Кейин сизлар жавоб бера олмайдиган саволлар беришиб, фикрларингизни иккилантиришади. Шундан кейин улар сиз хато қилганмисиз ёки йўқми, шунини ўзингиз

биллолмайдиган ҳолга туширишади. Буни шунақанги усталик билан қилишадики, нима бўлганини, нималар қилиб қўйганингизни ўзингиз ҳам билмайдиган ҳолга келиб қоласиз.

Тургут ҳам, мен ҳам бу гаплардан тўйиб кетгандик. Отамдан яхшигина жаҳлимиз чиққанди.

«Ота» дедим. «Сиз бизни ёш бола деб ўйлаясизми? Бир турк динсиз бўлиши мумкинми? Томиримизда турк қони оқяпти. Буни яна неча марта айтишимиз керак!».

Отам олдинги гапларига ўхшаш сўзлари билан гапиришда давом этдилар:

– Тўғри йўлда юр, дея сени чорлаб туришга қоннинг ўзининг кучи етмайди. Фақатгина турк бўлганингиз учунгина мен тўғри йўлда юраман, деб ўйлашингиз хатодир. Ирқингизни севинг, лекин, турк бўлиш билан ҳамма нарса ўнгланиб қолмайди. Бу сафар Тургут гапга қўшилди:

– Биз Хитой зулмига қарши номимизни ёзиб қўйганмиз. Бизга «Динсиз бўлинг» дейишга кимнинг жасорати етади? Унинг оғзи бурнини синдираман!

Отам бизни яхшигина зериктириб юборганини билганидан кейин эшик олдидаги ўтинларнинг устига ўтириб, гапиришда давом этди:

– Биладан, сизларни жуда бездириб юбордим. Болаларим, мени кечиринглар. Мен Россияда бўлган пайтим динсизлик жинойтчига айлантирган ёшларни ўз кўзларим билан кўрдим. Эҳ болаларим!

Динсизлик билан шартлашув бирлашгандан кейин инсонни не кўйларга солишини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Отам иккаламизнинг юзимизга қараб олганидан кейин яна сўзида давом этди:

– Охирги гапим шу болаларим: Динсизлик инсонни бераҳм қилиб ташлайди. Инсон ўз туғишганининг терисини кўшиқ айтиб шилиб ташлайдиган даражага келиб қолади. Шуларни унутманг, шунинг ўзи етади.

Иккаламиз ҳам бепарволик билан чиқиб кетдик. Яна автобусни кутаётгандик.

Бу сафар ҳам онажоним яна бизга ҳар хил нарсаларни пишириб тайёрлаб кўйибдилар. Опам ҳам олдимиздан кетмасди. У ҳам бизга ҳасрат билан қараб турарди. Секин унинг олдига бориб қулоғига аста пичирладим:

– Опа! Сизга бир гап айтайми? Икки йилдан бери биронта мактуб юбормаган одамни севишни кўйинг. Уни кутманг, кейин ўзингиз пушаймон бўласиз. Ҳазиломуз қилиб менга уриб кўйди:

– Сени қара-ю... Жим бўл! Сенга гапиришга ким кўйибди?!

Автобусга минганимиздан кейин қарасам, мен яхши кўрадиган қиз Айбалам ҳам келган экан. Қўлини баланд кўтара олмасдан мен билан бармоқлари билан хайрлашаётганди.

Омина Шенликўгли

Лекин, уни кўл силкитиб хайрлашаётганини, ёнидагилардан хижолат бўлгани учунгина кўлларини кўтара олмаётганини билардим.

Такрор ўқишни бошлаганимизда ҳам биз аввалгидек эдик. Лекин, бизга мўлжалланган режалар аввалгидек эмасди. Тургут билан менга битта роман беришди. Аслида, ўша романи ўқитувчимиз берган экан. Лекин, ўзини кўли билан эмас, шеригимизнинг кўли орқали берибди.

Биринчи роман оддий роман эди. Бизга ёққанди. Яна роман сўраган эдик, беришди. Уларни ҳам ўқидик. Иккинчи ойимиз ҳам романлар ўқиш ва ўзаро баҳс-мунозараларимиз билан ўтди. Кейин бизни айланишга олиб чиқа бошлашди. Шунақанги айланардикки, бунинг ортида улкан тузоқ борлиги хаёлимизга ҳам келмасди. Уч-тўрт ой ўтгач худди биз катта одамдек бизга саволлар беришиб жавоблар олишарди. Бизга алоҳида аҳамият беришарди. Одам ўрнига кўйишарди. Умримиз бино бўлиб бунақанги муомала кўрмагандик. Бешинчи ойга ўтганимизда бизни оиламизнинг жоҳил эканлигига ишонтиришди. Олтинчи ойга ўтганимизда ота-онамизнинг мутаассиблигини ва «Аллоҳ бор ё йўқлиги?»ни ўйлай бошладик. Аллоҳни инкор қилишимиз учун бизга бирдан ишонма, дейишмаганди. Ҳар хил йўллар билан биздан саволлар сўрашарди. Биз эса жавоб беролмаганимиз учун эзилардик. Дастлаб, Аллоҳ таоло бандасини имтиҳон қилишига ва ноҳақдан одам

ўлдирганнинг ўлдиришига, яъни қасос олиш ҳукмига қарши чиқдик. Ўзимиз сезмаган ҳолда мана шу аҳволга тушиб қолгандик.

Ҳамма нарсани шунақанги зўр устамонлик билан режалаштиришган эдики, олти ойдек қиска муддат ичида Аллоҳнинг борлиги ҳақида тортиша бошладик. Қаерда мутаассиб мусулмон қиёфасидаги инсонни кўрсак «Мана, мусулмонлар шунақа бўлишади» дейишиб бизни мусулмонлардан совутишди. Биз билан тинимсиз шуғулланишиб, ўз ғояларини сингдиришарди. Ҳафтада икки учта китобни ўқиб тугатардик. Ўз устимизда жуда кўп ишлардик...

Бир йил ўтганидан кейин биз Аллоҳ ва динни танимас ҳолга келдик. Лекин, биз буни ҳануз оиламиздан яшираётгандик. Қандай қилиб биз Аллоҳни танимас ҳолга келиб қолгандик? Бизни динсизликка етаклаганларнинг устамонликларига ҳалигача ҳайрон қоламан. Турклизимизни ҳам, мусулмонлизимизни ҳам эслолмайдиган ҳолга келиб қолгандик. Олдин социализм оёқлари билан бизга яқинлашишди сўнгра бизни коммунистга йўналтиришди.

Икки йил ўтганидан кейин бутунлай манқуртга айланиб бўлгандик. Хаёлимни одам ўлдириб газеталарга чиқиш каби бўлмағур нарсалар эгаллаб бўлганди. Дунёга парвойимиз фалак эди. Осардик, сўярдик. Ўзимизча ҳамма нарсани қилардик.

Омина Шенликўгли

Олдимизга фашистларнинг кўзига дунёни тор қилишни мақсад қилиб қўйгандик.

Бошқа тарафдан эса, агар бизга коммунизм келса, бутун инсоният бахт-саодатга эришиши ҳақида уқтириларди. Шунинг учун коммунизм келиши учун бор кучимизни сарфлардик.

Отам аҳволимиздан шубҳалана бошлаганди. Ишонгиси келмаса ҳам нималарнидир сезганди. Биз ҳам ортиқ яшириб юришни ўзимизга эп кўрмадик. Тургут аллақачон қарор қилиб бўлганди. Тинмай гапираверарди:

– Мен ортиқ чидолмайман. Отамга ҳам, онамга ҳам айтаман. Бизни ҳалигача ўргимчак калла экан, деб ўйлашмасин!

Қишлоққа борганимизда Тургут отамдан бостириб сўрай бошлади:

– Ота! Сиз Аллоҳ деяётган ўзи қаерда? Отам қиска ҳайронликдан кейин жавоб берди:

– Қуръони Каримга кўра «Ўз Аршининг устида». Бу нима деганини биласизларми?

Иккаламиз ҳам бирдан отамга қарши чиқдик:

– Қўйсангизчи ота! Бу эскича фикрлашни ташланг энди. Унақа нарсаларга ишонманг. Озгина замонавий бўлинг. Бугунги кунда Тангрига ишониш бўладиган ишми?

Отамнинг кўзлари қинидан чиқиб кетай деди. Гапларимиздан оғзи очилиб қолди:

— Мен кўрққан нарса мана шу эди. Эй Аллоҳим, адои тамом бўлдим!

Тахта зинапоядан оҳисталик билан чиқаётгандилар, тўхтаб қолдилар. Кўзёшларини артиб бизга жавоб бердилар:

— Бундан юз минг, балки миллион йил олдин Нух алайҳиссаломнинг ўғли ҳам Аллоҳга ишонмасди. У ҳолда у сизлардан миллион карра замонавийроқ бўлиши керак. Лекин, шуни ҳам унутма ўғлим. Иймонсизлик бизнинг замонамизда пайдо бўлган нарса эмас. Бундан миллион йиллар олдин ҳам Аллоҳга ишонадиганлар ҳам, ишонмайдиганлар ҳам бор эди.

Тушунчаларимизни аввал онамиз ўрганди кейин эса қишлоқдошларимиз... Қишлоқдагилар олдинига бизни ёқтиришмади. Кейин эса кўплаб ёшлар бизга кўшилишди. Олган билимларимиз бизни тинч қўймасди. Ҳар сафар уйга келганимизда ёшларни захарлардик.

Отам ич-ичидан ёниб кетаётган бўлса ҳам, биз билан баҳслашмасди. Бу мавзуга киришишдан чекинардилар, бизни қайтаришга урунмасдилар. Бир мутаассибни йўлидан қайтармоқчи бўлсангиз, у ўз фикрида янада қаттиқроқ туриб олади. Отам эса, бу нарсани жуда яхши билар эканлар.

Ленин ва Маркс аллақачон бизнинг тангримиз ва жонимиз бўлиб улгурганди. Сталин эса, кичикна илоҳимизга ўхшаган нарса эди.

Омина Шенликўгли

Борган сари дарсларга бўлган кизиқишимиз сўниб борарди.

Баъзи ташкилотлар ўқувчилар бор кучларини ташкилот хизматига сарфлашлари учун уларни дарслардан совутишар экан. Кўп дарс қилаётган болани кўрсак «Итдек дарс қиляпти», дердик. Бизга ҳам шундай дейишларидан кўркқанимиз учун дарс қилишни ахлоқларни иши деб билардик. Шу нарса хақида ақлимизни ишлатиб ўйлаб кўрмабмиз. «Итдек дарс қилиш» нима дегани? Дарс қилаётган ит бормидики, бу гаплар бизга айтилди, айттирилди?

Ойлар шу аснода ўтиб борарди... Охир оқибат ўша нарса содир бўлди...

Айтишга тилим бормаяпти. Лекин, биз ашаддий динсизга айланиб бўлгандик. Ҳатто, отамиздан нафратланадиган даражага келиб қолгандик!

Уйга борганимизда отамизни юзига ҳам қарамасдик. Бир сафар беш ой ўтса ҳам уйга бормагандик. Беш ой ўтган бўлса-да онамизга бўлган соғинч ҳиссини туймагандик! Зотан, ота-она биз учун ҳеч ким эмасди. Боримиз даъвойимиз эди. Дунёни афюн бўлган динлардан қутқариш эди! Айниқса, Исломдан...

Ҳар биримиз алоҳида гуруҳларга раҳбар қилиб тайинландик. Ўзимизда йўқ хурсанд эдик. Раҳбар бўлиш нима дегани? У ўзгачалик ва олийлик дегани эди!

Инсонлар тенг бўлсин деб ҳаракат қилаётган бўлсак ҳам раҳбарлигимиз, бошқалардан олийроқлигимиз бизни хурсанд қиларди. Гарчи буни ҳеч кимга айтолмасак ҳам...

Тенглик масаласига кўп ишлов беришарди. Биз ҳам ташқаридан янги келган ўқувчиларга шуларни ўргатардик. Коммунизм келса, бахтли бўламиз... Халқ орасида тенглик бўлади. Хуррият келади. Шунга ўхшаш кўплаб нарсалар ваъда қилинганди.

Кўп ишлардик. Гоҳида ташкилотга янги кирган ёшларга бирор иш қилдириб, ортидан «Ташкилотдан чиқиб кетадиган бўлсанг, бу ишинг ҳақида юқорига хабар бериб қўямиз» дердик. Уларни шу йўл билан ташкилотга боғлаб, хоҳлаган ишимизни қилдирардик. Биздан тепадагилар ҳам биздан шундай фойдаланишар экан. Бундан хабаримиз бўлмабди.

Тинимсиз бахтиёрлик ваъда қилинарди. «Яшасин инқилобчилар!» дейишарди. Биз ҳам «Яшасин инқилобчилар!» дердик.

Яшасин!

Ҳамманинг яшаш ҳуқуқи бор эди. Лекин, ҳамма ноҳақлик қилмасдан яшаши керак эди. Инсоният шунга мажбур эди. Бизнинг наздимизда фақатгина инқилобчилар яшаши керак эди холос.

Хитойда инқилоб бўлиши керак эди, бўлди... Мао келиши ва фашизм тугаши керак эди. Вой Худойим-ей! Шунақанги кўп ишлардикки...

Омина Шенликўгли

Ақлим жойига келганида мени жаҳлимни чиқарган нарса нималигини биласизми? Маъсума волидаи муҳтарама онажонимизга ва қалби ўксик опамизга олдингидек муҳаббатимиз қолмаганди. Лекин, онамиз ва опамиз билан гаплашаверардик. Кўзларига қарамай, севги ва меҳримизни кўрсатмай...

Муҳаббатимизни ҳам кўрсатмасдик, улардан ҳам муҳаббат кутмасдик.

Кейинчалик билдимки, соғинч, ишонч бирлигининг давомийлигидан озиқланар экан.

Охирида оиламизга нисбатан соғинч ҳисси батамом ўлди. Соғиниш у ёқда турсин ҳатто, отамиздан нафратланардик. Отамизга қарши чиққанимизда ўзимизча қаҳрамонлик қиляпмиз деб ўйлардик. Зеро, бизга «Инқилоб учун отангни ўлдиришинг керак бўлса, ўлдирасан!» деб ўргатилганди!

Бечора онам, бечора отам! Қайғуришарди! Лекин, бу нарса бизнинг парвойимизга ҳам келмасди.

Ҳалигача ҳайратланаман. Динсизлашганимиздан кейин онамни ҳам, отамни ҳам умуман ёқтирмай қолгандик. Иккалалари ҳам менга кўрқинчли бўлиб кўринишарди!

Эй Аллоҳим! Нафратнинг охири ҳам жуда кўрқинчли бўларкан!

Отам гоҳ-гоҳида бизни Аллоҳга даъват қилмоқчи бўларди. Бизнинг коммунизмча фикрлашимизни кўриб яна ҳам баттар эзиларди.

Ўртоғим Ши ҳам коммунист бўлганди. Аслида у шундоқ ҳам фикран коммунист эди. Лекин, у Буддага иймон келтиргани сабабли унчалик ҳам ҳурматли коммунист саналмасди.

Бизни Аллоҳдан юз ўгиртирган зеҳният унинг қаерда йўқ буддасига раҳм қилиб ўтирармиди?

Ши Буддадан қийинчилик билан воз кечди. Биз эса Аллоҳга бўлган иймонимиздан айрилаётганимизда унчалик қийналмагандик.

Вой Худойим-ей! Бу кўзларим нелар кўрмади-я! «Фашистга ўлим» дея қанчадан қанча одамни ўлдириб юбордик-а! Биз учун инқилобчи бўлмаган ҳамма фашист эди.

Яшаш бизнинг ҳаққимиз,

Биздан бўлмаганга ўлимдир!

Яшаш учун ўлдирасан,

Ўлишинг керак бўлса, бу яшатмоғинг учундир.

Қоронғу дунё ойдинланажак,

Инсоният бахтли келажакка қовушажак!

Омина Шенликўгли

Ох, кўзлари кўрим, зорланма! Қандоқ кирдинг
қонимизга! На турк қони қизиқтирди сени, на бирор
бошқа қон!

1949-йил эди. Бир куни эрталаб Мао инқилоб
қилганини, ўзимиз соғинган коммунизмни эълон
қилганини эшитдик. Ўша кун биз учун байрам бўлди.
Гўё ақлдан озгандик. Ҳа, ҳа, у чиндан ҳам ақлдан
озиш эди!

Тургут иккимиз бир-биримизни кучиб
севинчдан узоқ йиғладик. Кейин ўйнай бошладик.
Иккаламиз ҳам мақсадимизга эришгандик. Инқилоб
ҳам амалга ошганди.

Энди навбат бахтли бўлишга келганди. Ота-
онамизни йўқотиб бўлгандик. Лекин, бахтни
қидираётгандик.

«Хитойга коммунизм келса, Туркистон иккига
бўлинади» деган гапларни тез-тез эшитардик. Ғарбий
Туркистонни руслар, Шарқий Туркистонни
хитойликлар олиши керак эди. Бизнинг
тупроқларимиз уларнинг ўлжасига айланганди.
Хоҳлаган биттаси келиб хоҳлаганини қилар, кимдир
овозини чиқарса, ўша захотиёқ ўлдириларди.

Биз учун одам ўлдириш қуш ўлдиришдан кўра
оддийроқ ва лаззатлироқ бўлиб кетганди. Аллоҳга

қасамки, айтганимдек бўлиб кетгандик. Динсизлик ва шартлашув бирлашганидан кейин инсон кўрга айланиб қоларкан!

Кўз ўнгимизда туркистонлик мусулмонларни ўлдиришарди. Кейин эса «Бу фашист итлар юртимизни русларга сотиб юборишади. Шунинг учун уларни ўлдириб юбордик», дейишарди ва халқни шунга ишонтиришарди. Афсуски, улар мусулмон бўлганлари учун ўлдирилган, бизга эса «Ватан хоинлари», деб ёлғон гапиришган экан. Биз ҳам шу гапларга ахлоқлардек ишонибмиз.

Эй Аллоҳим! Ўша ваҳший кунлар қандай унутилар! Масжиднинг имомини ўлдиришганидан кейин минбарнинг устига чиқишиб «Эй инсонлар! Бу имом тобутнинг ичига қурол ва жонажон юртимизга қарши қаратилган режаларни яширибди. Биз уни кўлга олдик. Шунинг учун бу ватан хоини фашист итни сизларга яхши бўлиши учун зудлик билан ўлдирдик» дейишди. Уятсизлар!

Ёлғон ва бўхтон тўқишни дўндириб қўйишарди. Яна қўшиб қўйишарди:

– Ҳеч ким Ислом динига зарар бермайди. Ҳеч ким туркларнинг бир тола тукига тегинмайди. Турклар мустақилдир. Улар русларнинг бошқаруви остида бўлишмайди. Умуман кўркманглар... Биз бормиз...

Итдан тарқаганлар...! Уятсизлар...! Кошки, шунинг ўзи билан тўхтаб қолган бўлсалар.

Омина Шенликўгли

Ўша имом жуда ҳам ажойиб мусулмон экан!

Уйдирма варақлар билан қуролларни тобутга ўзлари солиб қўйишиб, халққа кўрсатишганди.

Биз ҳам бу хабарни эшитганимизда «Фашист итваччаси ватан сотишнинг нима эканлигини билиб олди мана» деб унинг ўлимига севингандик. Асл ватан сотган итваччаларни эса, ўзимизга дўст тутгандик. Йўлдошимиз деб билардик.

Мен билан Тургутга муҳим вазифалар беришарди.

Бахтли эдик.

Мен йиллар ўтганидан кейин соғинч, ишонч бирлигининг давомийлиги эканини тушуниб етдим.

Менинг илк уйғонишим ўша кундан бошланди.

Тургут билан мен уйга келганимизда онам иккимизни маҳкам кучоқлаб олдилар. Опам ҳам... Кейин деразанинг олдида ўтирдик.

Қарасам, отам келяпти. Тургут менга қаради. Менга кўзларини қисиб қўйиб, отам ҳақида бўлмағур гапларини айта бошлади:

– Қара, фашист ит келяпти! Каан қарасангчи! Биз ота дейдиган одам қанчалар тўнғизга ўхшайди-я?

Бирданига устимдан қайноқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Бошим айланиб кетди. Мана шу уйғонишим учун биринчи қадам бўлди.

Биринчи марта «алдандик» деб ўйладим. Илк бор шу ҳақида ўйлай бошладим.

Тургутга караб сўрадим:

— Тургут! Нега отамизни ит деб атаяпмиз? Отамиз бизга нима қилдики, биз ундан шунчалик нафратланяпмиз? Биз бу ҳолга қандай келиб қолдик?

Юзумга совуққонлик билан қаради.

— Ҳой, фашистлик қилма. Яна атайлаб такрор сўрадим:

— Тургут, бу саволимнинг жавоби эмас. Отамиз бизга нима қилдики, биз ундан шунчалик нафратланяпмиз?

Кўзларини катта-катта очиб, ғазабнок овозда бақириб юборди:

— Унда фашистик руҳият бор йўлдош. Фашистларга умуман раҳм қилма. Туйғуларингни йиғиштир!

Туйғуларимни тўхтатолмадим. Ўйлашдан тийиллолмадим. Ўримчига қайтиб кетаётганимизда яна ўйлай бошладим. Ичим тўлиб кетганди. Биронтаси билан дардлашгим келаётганди. Ичим қон йиғлаётганди. Тургутга қараб гапирдим:

— Йўлдош!

— Нима, деди совуққина қилиб.

— Ҳеч гап йўқ, дедим.

Барибир мени тушунмасди. Унга ҳеч нарса айтмадим. Фикрларимни ичимда сақлаб қўйдим. Ўзим билан жанжаллашардим. У қанақа жанжал эди?

Бир куни яна Тургутдан сўрадим:

— Тургут! Бизга «Аллоҳ тўсатдан қандай пайдо бўлди?» дейишяпти-ку, шу нарсани кўп ўйладим.

Омина Шенликўгли
Аллоҳ кейин яратилмади, эътиқодимизга кўра, У ҳар доим бор эди. Лекин, ақл уни идрок қила оладиган қобилиятга эга эмас.

Фараз қилайлик, Аллоҳ тасодифан пайдо бўлди. У ҳолда Аллоҳнинг борлиги ҳақида кўплаб тасодифлар бўлиши керак. Лекин, оламнинг ўлчовли қилиб яратилган ушбу ҳолига бир қара! Миллиардларча тасодифлар, миллиардлаб бора тасодифан бир жойга келишибди ва табиат қонунларини яратишибди. Шунингдек, тасодиф билан бирга мантиқ ҳам бор. Миллиардлаб марта тасодиф, миллиардлаб марта миллиметрлик ҳисоблар билан бир жойга келадими? Бир марта тасодиф бўлади, икки марта бўлади. Лекин, миллиардлаб марта тасодиф бўлиши мумкинми? Бунга мени ақлим етмаяпти.

Яна ўша қараши билан юзимга қаради. Олдинги гапларини такрорлади:

– Фашистлик қилма шерик. Ярим йўлда қолиб кетасан. Уйга қайтиб келганимизда онам дастурхон ёзиб, бизни чақирдилар. Тургут онамга қараб, мени кўрсатиб:

– Мен бу фашист билан бир дастурхонда ўтирмайман, деди.

Шокка тушиб қолдим. Мен ундан бугунгача фақатгина иккита савол сўрагандим холос. Иккита саволим учун менга «Фашист» деяётганди ва мен

билан бир дастурхонда ўтирмаётганди. Мен ҳам бор овозим билан бақирдим.

– Сен жуда ҳаддингдан ошиб кетдинг! Ақл юритишимга ва тафаккур қилишимга ҳам тоқатинг йўқ. Сен ақлдан озиб қолдингми Тургут? Эсингдами, коммунизм келса, биз бахтли бўлишимиз керак эди? Бу қанақа ҳуррият бўлди шерик? Мен ўз туғишганимдан хаёлимга келган саволни ҳам сўролмасам. Тургут бу ишда хатолик бор. Биз уйғонишимиз керак. Афсуски, биз алдандик! Бизни бахти қиладиган ҳамма нарсани кўлимиздан олишди! Отамизга бўлган муҳаббатимизгача... Инсон шундай бахтли бўладими? Булар сенга хатодек туюлмаяптими? Илтимос, бироз ўйлаб кўр Тургут.

Менга ақл ўргатишни бошлади:

– Сен бу кетишда хоин, фашист бўласан. Ақлингни йиғиштириб ол. Бунақа итлик қилма. Кейин...

– Кейин нима бўлади шерик?

– Сени ватан хоини деб, ўз кўлларим билан олиб бориб топшираман.

Бу сафар совуққонлик билан қараш мени чекимга тушди:

– Ростан шундай қиласанми?

– Қиламан. Мен ватаним учун, миллатим учун ҳамма нарсани қиламан!

Омина Шенликўгли

Тўғрийди. Қилардиям... Зеро, коммунистларга кўра «Ғоя воситани жорий қиларди». На ватан, на миллат қолганди? Ватан «мустақиллик» номи остида Хитойнинг кўлига топширилганди. Энг аввало иймонимиздан тортиб, кўлимиздаги ҳамма нарса тортиб олинганди.

Бир куни Шига юзланиб, сўрадим:

– Шу йўлимиздан мамнунмисан? Коммунизмдан кутганинг шумиди? У ҳам алданганди.

– Ҳа, мамнунман, деди.

Ҳар куни минглаб инсон Россияга қочар, минглаб инсон ўлдириларди. Коммунизм қонга тўймасди. Лекин, биз кабиларга вазиятни изоҳлаш учун йўл топишганди. «Бу бир жараён холос. Ватан хоинларини тозалаяпмиз» деган гаплар билан халқни алдашарди.

Мен кўп ўйланадиган бўлиб қолгандим. Ҳақиқатни топишга интилардим. Бирорта ўртоғимга дардимни айтолмасдим. Жосуслик қилиб мени сотиб кўяди, деб кўркардим. Ҳамма бир-бирига жосуслик қилар, бу ҳам етмагандай буни муқаддас вазифа, деб билишарди.

Боши кесилган товукдай типирчилаб, ўзимни ерга урилгандай ҳис қилардим.

Энди кишлоққа келадиган бўлсак ҳам Тургут автобуснинг олдида, мен эса орқасида келадиган бўлдик. Мен билан елкама-елка туриб урушган йўлдошим, туғишган акам Тургут, иккита саволим

Исканжа

учун мен билан кўп гаплашмайдиган бўлиб қолганди.
Кўзимга қарашдан ҳам ўзини четга оларди.

Уйга келганимизда эшик олдида Айбаламга дуч келдим. Юрагим жиз этди. Мени кутаётганди.

Мен эса, коммунизм савдосига берилиб, уни унутиб юборибман. Савол тўла нигоҳлари билан менга қаради ва бир неча бор ютинганидан кейин сўради:

– Каан, қалайсан? Улғайибсан. Ҳеч юзингни ҳам кўрсатмайсан. Одам гоҳида қишлоқдошига кўриниб турмайдимми?

Яъни қиз «Агар севсанг, нега мен билан қизикмаяпсан?» демоқчи бўлди. У ҳақ эди. Унга:

– Тез орада сени кўлингни отангдан сўрайман, дедим.

Кўзларимга қараб, аччиқ табассум билан:

– «Тез орада» деганинг неча йилга тенг? деб сўради. Ўзимни йўқотиб қўйдим. «Энг қисқа фурсатда» дедим. Лекин, у энг қисқа фурсатнинг ҳам аниқ миқдорини қидираётганди.

Бу сафар отамга қаттиқ ачина бошладим. Кўзларим билан уни кузатардим. Отам биздан кўрқиб қолганди. Чинакамига болаларидан кўрқаётганди. «Ухлаётганимда ёки танҳо бир жойда мени ўлдириб юборадилар», деб тадбирли ҳаракат қиларди.

Оҳ, ўзимнинг бечора отажоним! Мусулмон бўлишдан бошқа «айб»и йўқ эди. Ўқишга юборган фарзандлари унга илондан баттар аждарҳо қилиб

Омина Шенликўгли
қайтарилганди.

Отамга шунчалик раҳмим
келардики... охири бир тўхтамга келдим. Тургут
кўрмайдиган бирор жойда унга ҳамма нарсани, бу
йўлимдан қайтганимни айтиб бермоқчи бўлдим.

Ниҳоят отамни сой ёқасида топдим. Мени кўриб
кўркиб кетди. Уни ўлдириб қўйишимни ўйлади
шекилли. Бир ота қандай қилиб шу аҳволга тушиб
қолиши мумкин? Эй Аллоҳим! Отамнинг ўша куни
менга қараганларини асло унутолмайман. Ранглари
ўзгариб, мен тасвирлай олмайдиган даражада қаттиқ
кўркув ичида эдилар... Жон болам! Бизни шу қўйга
солганлар хор бўлсинлар! Қимирламасдан менга
қараб турардилар. Кўзлари олазарақ бўлиб кетганди.

– Билаган, деди. Мени ўлдирасан! Шунинг учун
мени кузатиб келдинг. Тўхта! Агар ўлдирадиган
бўлсанг, таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиб олай,
кейин ўлдир! Болалигимда бир ҳикоя ўқигандим.

Бир бола отасига «сизни ўлдираман» деб тоғга
олиб борибди. Отаси эса «Шошма болам. Икки ракат
намоз ўқиб олай. Ўнг томонимга салом бериб
бўлганимдан кейин чап томонимга салом
бераётганимда мени ўлдирасан», дебди. У ҳам кутиб
турибди. Айнан отаси айтгандек ишни қилибди. Бола
отасини ўлдириш учун болтани кўтарган экан
қўлидаги болта билан бирга тош ҳам пайдо бўлиб
қолибди. Билаган, сен тош бўлмайсан. Лекин, менга
икки ракат намоз ўқишга рухсат берсанг,

намоздалигимда Аллоҳнинг ҳузурига чиқиб олган бўламан!

Буларни айтаркан отамнинг кўзидан ёшлар дув-дув оқарди.

Отамнинг гапларини тинглаб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Отамни бундай ўйлашга нима мажбур қилганди? Жигарларим тилка пора бўлиб кетганини ҳис қилдим. Отам тарафга қараб бир қадам ташладим. У менга ёлвора бошлади:

– Тўхта болам! Ота қотили бўлма болажоним! Мен сени мени ўлдиришинг учун катта қилмадим. Бунинг учун ўқитмадим.

Кўзларимдан ёш оқа бошлади:

– Сиз нима деяпсиз отажон? Мен сизни ўлдирармидим? Тезда бўйниларига осилиб баланд овозда йиғлай бошладим.

– Мен сизни ўлдирармидим, отажон? Нега бундай ўйладингиз? Сизни нега айнан шундай ўйлашга мажбур қилдилар?

Қаттиқ кучоклаб, ҳайқириб-ҳайқириб йиғладим:

– Бизни алдашди ота...! Биз алдандик...! Бизни тузокқа туширишди. Лекин, мен уйғондим ота. Ҳақиқатга қайтдим, тўғрига юзландим. Мени кечиринг...!

Бир неча дақиқа мана шундай бир-биримизни маҳкам кучоклаганча қолиб кетдик. Отам ҳам шокка тушиб қолган эди. Мени маҳкам кучоклаб, баланд овозда йиғларди.

— Ўғлим! Болам, кўзимнинг қароси! Бир неча йиллардан бери шу гапларни эшитиш хаёли билан яшадим. Мен ўлмасимдан шу гапларни менга эшиттирдинг болам... Энди ўлсам ҳам армоним йўқ! Аллоҳим, Сенга ҳамдлар бўлсин!

Отам юзимга қараб, маҳкам кучиб йиғлаб, такрор такрор кучоқларди:

— Демак, уйғондинг болам. Алданганингни тушуниб етдинг.

Йиғлаганимдан жавоб беролмаётгандим... Отам эса тўхтамай юз-кўзларимдан ўпиб, мени ҳидларди.

— Болам! Ҳидларингизни ҳам соғинибман. Ҳидинг ўзгармабди.

Менинг назаримда отамнинг бошига бахт куши қўнганди. Йиллар ўтгач, илк бора кўзларида мана шундай бахтиёрлик ифодалари кўринаётганди.

Бир-биримизни кучганча анчагача йиғлашдик. Ниҳоят, бир неча ойлардан бери тўлиб тошиб кетган ичимни энг яқинимга кўрқмасдан тўкиб солдим. Жосуслик шубҳаси ҳам, кўрқувим ҳам йўқ эди. Инсон ўз тушунчаларини кўрқмасдан айтиб бериши улкан неъмат экан! Бирок, бу неъматнинг қадрини шундай аҳволга тушмаганлар, билмайдилар...

Йиғлашимиз қачонгача давом этганини билмайман. Кейин бир тошнинг устига ўтирдик. Ичимдаги болалик истаги ила бошимни отамнинг тиззасига қўймоқчи бўлдим.

Отамнинг юзига қараб яна йиғлай бошладим.

Исканжа

— Жон отажон. Болалигимдагидек, яна тиззаларингизга бошимни кўйиб ётмоқчиман.

Бир неча йиллардан бери муҳаббат туймаган қалбимнинг бунга эҳтиёжи бор.

Бошимни отамнинг тиззаларига қўйганимда «Шу» дедим. «Энг катта бахтлардан бири мана шу!».

Бошим бутунлай ишончли жойда эди. Умрим бўйи менга шунақанги завқ берадиган лаззатни бошим қайтиб кўрмади. Қанийди шуни дунё ёшларига тушунтира олсайдим. Бирок, тушунтиролмайман. Мен уларга етишолмайман. Чунки, олдимизга девор қўйдилар. Кимнингдир наздида мен фашист, яна кимнингдир наздида сиёсий умматчи, мутаассиб диндор ва ҳоказо эдим. Мен чеккан ҳасратни, азобларни билмайдилар. Гапимга кулоқ солиш учун эса, ишонмайдилар.

Кейин отамга ҳамма нарсани айтиб бердим. Дарахтнинг тагида бир-биримизга юзланиб ўтириб суҳбатлашдик. У суҳбатнинг лаззати бошқача эди... У лаззатни татиб кўрмаганлар билмайди. У ҳатто, тушларда ҳам кўрилмайдиган лаззат эди.

Сал вақт ўтганидан кейин бутазорларнинг орқасида оқ палто кийган бир киши турганини пайқаб қолдим. Тезда ўрнимдан туриб, у томонга юра бошладим. Мени кўргач, югура бошлади. Орқасидан қарадим. Акам Тургут эди. Уйга қараб югуриб кетарди. Мен ҳам тезда уйга бордим. Қарасам,

Омина Шенликўгли
сўрининг устига ўтирволиб, китоб ўқиётган эди.
Ичкарига кирганимда менга шунақанги қарадики...

Бориб, рўпарисига ўтирдим:

– Демак, бизни кузатдинг.

Умуман жавоб бермасди. Бу сафар мен ундан
кўрка бошладим.

– Гапирсангчи, бизни нега кузатдинг? Ҳеч
нарсадан хабари йўқ одамдек турарди.

– Қанақа кузатиш! Мен ҳеч кимни кузатганим
йўқ.

– Ёлғон гапиряпсан! Сени ўз кўзларим билан
кўрдим.

Бор кучи билан инкор қиларди. Мен ҳам бор
кучим билан «ёлғон» дердим. Охири тан олди.

– Ҳа, кузатдим. Фашист ит билан бирга
бўлишингни тахмин қилгандим.

Унга йиғлаб ёлвордим:

– Тушунсангчи! Биз алдандик...! Биз адашдик.
Бизни қурбон қилишди. «Дин» дейишиб, ҳақиқий
диннинг ўрнига ўзлари хоҳлаган динни беришди.
«Ватан» дедик, ватанимизни кўлимиздан олишди.
Камига «Ҳаққингизни ортиғи билан бердик» деб
алдашди. Бизни ўз миллатимизга душман қилишди.
Отамизни, онамизни кўлимиздан олишди.
Атрофингга бир қара Тургут!

Юзимга нафрат билан қараб, ҳақоратларини
ёғдира бошлади:

— Ярамас! Хоин ит! Фашист тўнғиз! Ҳали ҳам гапиряпсанми?

Музлаб қолдим. Унинг уйғонишини, ҳақиқатларни кўришини, ҳақиқатга қайтишини иччимдан хоҳлардим:

— Отамнинг айтганларини эслайсанми? «Динсизлик агар шартлашув билан бирлашса, инсон ўз туғишганининг терисини кўшиқ тинглаб, шиладиган ҳолга келиб қолади», деганди. Мана биз шу ҳолга келдик Тургут. Нега ҳалигача уйғонмаяпсан? Нималарни ўйлаяпсан?

Ўрнидан сапчиб туриб, жағимга бир мушт туширди:

— Уятсиз хоин! Сендақа уканинг териси шилинаётганида албатта кўшиқ айтилади. Сен фашистсан...!

Аламини ололмай тепкилай бошлади... Мен эса уни кутқариш дардида эдим. Унга қўл кўтара олмаётгандим. Қонга беланиб кетгандим. Мендан оқаётган қон муҳим эмасди. Менинг битта умидим бор эди. Акамни ва болаликдаги ўртоғимни кутқариш, унинг уйғониши учун ҳар лаҳза унга нимадир айтиш эди. Ерда қонга беланиб ётган холимда ундан сўрадим:

— Бир инсон аниқ ё коммунист-инқилобчи, ё фашист бўладими Тургут? Учинчи фикрлаш тури йўқми? Буни тушуниб етиш шунчалик қийинми Тургут?

Йиғлаган ҳолимда насихат қилишда давом этдим:

— Ур, ака ур. Бир марта ўйлашинг учун минг марта калтак ейишга ҳам розиман... Тушунсангчи. Булар бизга дўст эмас. Булар қотил! Булар ёшларни алдайдиган сеҳргар! Илон булар Тургут, илон!

Чамадонини олди, эшикка қараб кетаётиб яна менга нафрат билан қаради:

— Фашист, тўнғиз! Терингни шилиш у ёқда турсин, гўштингни есам ҳам, сендан аламимни ололмайман! Эшикни тепиб очди. Бир неча йил уни қайтиб кўрмадим.

Эртаси куни бизникига катта акамнинг хотини келганди. Беш ёшли ўғли, кўлида эса, икки ойлик чақалоғи бор эди. Онам ҳовлида олов ёқиб, бизга юпка тайёрлаётган эдилар. Биз эса жияним билан бирга ўйнаётгандик.

Тўсатдан эшигимиз олдида расмий машинанинг тўхтаганини сездим. Хитойлик инқилобчи аскарлар биз томонга қараб келишаётганди. «Ҳаммаси тугади» дедим. «Тургут хабар берди, булар эса мени олиб кетишга келишди. Теримни ўзи шилмади. Лекин, бошқаларга шилдиришга буюртма берди!».

Келганлар тахминан ўн киши эди. Отамни чақиришди. Отам кўрқиб кетган ҳолида келди. Биттаси ғазаб билан сўради:

— Сен ҳали ҳам Ислом деяётган экансан, шу тўғрими? Опам оёқда, онам ўтирган жойида,

ҳаммамиз ҳайрон бўлиб отамга қараб турардик. Мана шу отамнинг энг катта имтиҳони эди.

Аллоҳ билан коммунист режим орасида қолганди. «Йўқ. Исломдан воз кечдим» деса динига хиёнат қилган бўлади. «Ҳа» деса жони кетади.

Отам аввал менинг кўзларимга қаради. «Динингиз нима деган бўлса, ўшани қилинг ота. Бу аблаҳларга ён берманг», дедим ичимда. Лекин, ташқарида бу гапларимни айтолмадим. Иймон кучли бўлмаса, жон кўркуви шунчалик кучли бўлади.

Отам жавоб бермасдан бир муддат туриб қолди. Хитойлик коммунист итлардан биттаси келиб отамнинг устига таёғи билан қаттиқ тушурди. Бечора отам «Онажон» деб бақриб юбордилар. Онам билан онам бақриб отам томонга чопдилар. Отамнинг бурни синиб, оғзидан қон келаётганди.

– Гапир, Исломми, бизми?

Отамни яна уришни бошлашди. Калтаклар ва тепкилар устма-уст ёғилаётганди. Уни қутқариш учун устиларига отилдим. Иккита коммунист ити келиб кўлларимдан ушлаб олишди. Учинчиси эса тўхтовсиз мени урарди.

– Фашист, ит! ... боласи! Демак, сен инкилобга хиёнат қилдинг. Энди эса, бизга қарши чиқяпсан.

Онам билан онамни ҳам турткилашаёнганди. Янгам эса, бир бурчакка кучоғидаги боласи билан беркиниб, кўркувдан титраб ўтирарди. Ичларидан биттаси буйруқ берди:

Омина Шенликўгли

– Аёлларни олинглар. Поездга солиб биттасини шимолга, биттасини жанубга, биттасини шарққа жўнатиб юборинглар. Бу жойларни қайтиб тополмасликларини, бир-бирларини асло кўролмасликларини билишсин!

Отам билан мени тутиб туришарди. Юқоридаги ифлос шерикларига безбетларга гапирди:

– Шошманглар. Буларга ажойиб томоша кўйиб берамиз.

Янгамнинг пинжигга кириб олган Ҳоконни тортиб олишди.

– Томошни шу болакай билан кўямизми? Йўқ, бу бизга керак. Уни катта қилиб, ўзимизга шерик қиламиз.

Янгамнинг кучоғидаги чақалоқ йиғлай бошлади. Ҳоконни шерикларига берган ит, бирдан янгамнинг кучоғидаги чақалоқни олиб, ерга отиб юборди. Чақалоқ қотиб-қотиб йиғларди. Ўша ит гапира туриб чақалоқнинг олдига яқинлашди.

– Йиғлама, фашист итвачча. Ҳозир нариги дунёга равона бўласан. Отамга қараб бақирди:

– Энди менга яхшилаб қара тўнғиз.

Онам билан янгам фарёд уриб бақиришаётганди. Иккалаларини ҳам тепишиб, оғизларини боғлашди. Мен билан отамга азоб бериш ҳаромиларни жуда ҳам хурсанд қилаётганди.

Чақалоқнинг бошини оёғи остига олиб, янчий бошлади. Чақалоқнинг бошини шунақанги

Исканжа

мажағлардики, унда ачиниш деган туйғунинг ўзи йўк эди. Чақалокнинг овози чиқмай қолганди.

У эса, тўхтамай бор кучи билан муштеккина чақалокнинг бошини тепкиларди. Бор овозим билан бақирдим:

— Хоинлааар! Абблаҳлаааар! Сенларни Аллоҳнинг ўзи хор қилсин!

Олдимга келишиб яна мени ура бошлашди. Янгам билан онам хушларидан кетганди. Отам билан мен ушбу даҳшатли сахнага қарай олмаётгандик... Тепамизга келишиб «Ё қарайсанлар, ё кўзларингга мил тортамиз», дейишди. Таърифга тил очиз қийноқлар ичида эдик.

Чақалокнинг бошини мажағлаган ифлос, бу сафар унинг юзини, бўғзини эзаётганди. Чақалокнинг бошидан териси, юзидан қош-кўзлари ажраб, қонга беланиб, парча-парча бўлиб кетганди.

Динсизлар бир неча йиллардан буён аста-секинлик билан ўзлари каби ўйламайдиган йўлдошларини мана шу ҳолга келтирган эдилар.

Чақалокни мажағлаб ўлдириш унга етмаганди. Кейин белидан пичоғини чиқариб, чақалокнинг кулоқларини кесиб, биз томонга кела бошлади:

— Энди бу кулоқларни еб, одам гўштининг лаззати қанақа бўлишини бизга айтиб берасанлар.

Эй Аллоҳим! Бу нима...? Бу инсонлар мана шу аҳволга қандай қилиб келиб қолдилар?

Отам ҳам, мен ҳам кулоқ парчаларини емадик.

Бизни соатлаб тепкилашди.

Оғзимизга мажбурлаб кулоқ парчаларини тикишаётганди. Эй Аллоҳим! Мен шуларни кўра туриб, қанақасига ақлимни йўқотмадим. Эй дўстларим, бунини ҳали ҳам ақлим олмайди!

Аёлларни машинага чиқариш учун турткилашаётганида янгамга кўзим тушиб қолди. Кулаётганди... Бунчалик хурсанд бўлиб кулганларини олдин ҳеч кўрмагандим. Ичимда «Фоҳиша» дедим. «Демак, бу ўзларининг жосуси экан». Лекин, аёл ақлини йўқотиб қўйган экан. Мен тушунмабман, лекин, инқилобчи аскарлар тушунишган экан.

– Бу бошимни оғритиб юборди. Иккита ўқ от шунга. Ақли йўқнинг бизга фойдаси тегмайди.

Янгамнинг оғзини очиб, мазза қилишлари учун ўқни янгамнинг оғзига отишди...

Севиндим. Ҳеч бўлмаса, у кутилди орамиздан. Ичимда «Онам билан опамга ҳам ўқ отишсин», деб дуо қилдим. Уларнинг қўлларида қолишса, уларни нималар кутиб турганини билардим. Йўлларда тажовузларга ҳам учрашлари мумкин эди. Умр бўйи хаёлларига ҳам келмаган исканжа кўришарди. «Бир лаҳза имконим бўлса эди, онам билан опамни буларнинг кўлидан қутқариш учун ўзим ўлдирардим» деб ўйладим. Лекин, имконим йўқ эди. Ўша куни ўлдиришнинг яхшилиқ эканини ўйладим. Агар

имконим бўлганида эди иккалаларини ҳам ўлдирардим! У сахнани кўрмаганлар, бу тушунчани англолмайдилар!

Кейин онам билан опамни судрашиб, хонали машинага солдилар. Онам овозларини борича бақирардилар:

– Кааан! Қутқар мени болам, қутқар мени! Сизга қайси калималар билан ўша жойдаги азобли туйғуларимни тушунтириб бера оламан? Йўқ, йўқ... У азобларни тушунтириб бера оладиган калималар луғатларда йўқ. Онажонимнинг ўша чорасизлик ва изтироб тўла овозлари ҳануз кулоқларимда жаранглайди... Ҳар куни ўзимни қарғайман:

– Кааан! Қутқар мени болам! Қутқаролмадим. Жоним онажонимни қутқаролмадим. Қаршиларида томошабин бўлиб қолдим...

Ана ўша куни илк бора жаҳаннамнинг борлигига севиндим. Буларга жаҳаннамдан бошқа муносиб жой борми? «Ўлгандан кейин жаҳаннам йўқ», дейдиганлар. Бу одамларнинг жазоланишини хоҳламайдиганлардир... Гўё «Жаҳаннам йўқ» дейишиб, ўз ўлчовларига кўра, Аллоҳни яна ҳам марҳаматлироқ қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Ажабо, мен кўрган нарсаларни улар ҳам кўрсалар, уларнинг ҳам жигарпораларининг жонлари кўз олдиларида олинса, улар ўша золимларга нима дейишган бўлишаркин-а? Жаҳаннамнинг йўқлигига ишонганлар ҳам аминманки «Булар учун

Омина Шенликўгли
жаҳаннамнингни ярат», деб ёлворишган бўлишарди.
Бу гапимга ишонаверинг.

Онам билан опамнинг оғизлари боғлиқ ҳолда
машинага судраб олиб кетилаётгани учун опам менга
кўзлари билан ёлворардилар:

Сизни ҳам кутқара олмадим опажон. Ҳозир ҳам
хаётмисиз, буни ҳам билмайман. Агар яшаётган
бўлсангиз менинг ҳам яшаётганимни билсангиз, бир-
биримизни топсак тўйиб-тўйиб кучоклашардик.
Ўтган йилларимизнинг ҳасратини чиқарардик.

Биламан, юзларингизга тириш тушиб кетгандир.
Лекин, кўз қирингиз буришмагани учун сизни
биргина кўз қирингиз қолса ҳам, ўша билан сизни
таниб оламан. Қарашларингизнинг маҳзунлиги қат-
қат ошган бўлса ҳам, кўз қарашларингиз ёпилиб
кетган бўлса ҳам, барибир мен сизни танийман опа!

Уларни машинага солишаётганида бошқа гуруҳ
мен билан отамни қишлоқ майдонига олиб боришди.
Бутун қишлоқдагиларни ўша майдонга тўплашди.

Диндорлардан нафратланиш туйғуси узок
вақтдан бери аста-секинлик билан сингдириб
келингани сабабли диндорлар ҳақида ёмон гап
айтилса, халқ тезда ишонарди. Коммунист тизим ўзи
ва Маони фаришта, диндор мусулмонларни эса, илон
килиб кўрсатарди. Зотан, коммунизм туркларга
қарши эмасди. Йўлдошлар ҳам шунақа. Улар
туркларнинг билимли мусулмонларига қарши эдилар.

Дунёнинг ҳамма жойида ва ҳамма иркида бўлгани каби.

Қишлоқ аҳолиси бола чақаси билан майдонга тўпланганди. Ораларида Хитой коммунизмининг хийла ва найрангларига алданмаганлари ҳам бўлиб, улар камчилик эдилар.

Майдонга қўлларимиз боғланган ҳолда олиб келишди. Хитойлик итларнинг юқори мартабалиси юқорига чиқиб гапира бошлади:

– Қадрли биродарлар! Сизларни бу жойга тўплашимизнинг асосий сабаби, мана бу икки ватан хоинидир. Биз сизларни русларнинг мустамлакасига айланиб қолмаслигингиз учун ҳаракат қиляпмиз. Булар эса, сизларни русларга сотишибди!

Чўнтагидан бир мактуб чиқариб, такрор халққа юзланди:

– Кулоқ солинглар! Мен ҳозир сизларга Кааннинг чўнтагидан топилган мактубни ўқиб бераман:

«Ҳурматли КГБ раҳбарлари!

Буйруқларингизга биноан отам ва мен вазифамизни шараф билан бажариб келмоқдамиз. Сизларга мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни етказиб туриш биз учун шараф. Бу вазифани бажонидил бажариб келмоқдамиз. Сизларга хизмат қилаётганимизни ҳеч кимга билдирмадик. Зотан, ахмоқ

кишлоқдошларимиз бизни сезиб қоладиган даражада ақлга эга эмаслар...»

Кулоқларим шанғилларди. Айтилаётган гапларни эшитадиган аҳволда эмасдим. Бир муддат ўзимни йўқотиб кўйгандим. Ўзимга келганимда эса, кишлоқдошларимнинг бизга тупуриб, дўппослашаётганини сездим.

Бор овозим билан «Булар ёлғон гапиришяпти, уларга ишонманглар», деб бақирдим. Лекин, бизга эмас, уларга ишонишарди. Диндорларга қарши ташкиллаштирилган режа мукаммал даражада ишлаб чиқилганди. Йиллар давомида, аста-секинлик билан, сингдириш орқали нафрат уруғини ўстирган эдилар.

Бир қарасам, мен яхши кўрадиган қиз Айбалам ҳам менга тупураётган экан. Ҳаммасидан кўра, унинг тупуриши менга оғир ботиб кетди. Олдимга яқинлашиб:

– Тўнғиз! Ватан хоини, деб сочларимдан торди. Кейин кулоғимга пичирлади:

– Йўқ. Мен буларни мажбурлигимдан қиляпман. Мен сенга ишонаман Каан.

Гўё, бутун дунёни менга ҳадя қилган эди. Қаттик севиниб кетдим. Ўша ондан эътиборан умуман оғрик сезмай кўйдим. Олдимга келганларнинг бари «Хоин» деб уриб кетишарди. Атрофимда одам кўплигидан отамни кўролмай қолгандим. Кейин яна ҳушимдан кетдим.

Бир неча соат ўтиб кетибди. Куёш ботиш арафасида эди.

Кўзларим отамни излай бошлади. Отам ҳам боғланган жойида букчайган ҳолда турарди.

Оҳ алданиш, оҳ...! Дунёда сендан ҳам даҳшатлироқ нарса бормикин?

Насли бузук ҳануз гапиришда давом этарди. Аслида улар бизнинг мисолимизда халққа таҳдид қилишаётганди. Бироқ, халққа буни сездиришмаётган эди.

– Қадрли йўлдошлар! Бу ватан хоинларини нима қиламиз? Сизлар ҳукм чиқаринглар.

Қишлоқдагиларнинг ҳаммаси бир овоздан бақирдилар:

– Ўлдирилинглар! Турк миллатига хиёнат қилганнинг жазоси ўлимдир!

Баланд чиқаётган ҳайқириқлар орасида, паст чиқаётган овозлар ҳам бор эди. Одамларнинг кўзларига қарадим. Баъзиларнинг кўзларида тўла ёш эди. Бундан жуда ҳам севиндим. Демак, уларга ишонмайдиганларнинг сони мен ўйлагандан кўра кўпроқ экан. Бу эса, бир кун келиб шу олар тирилажагини ва улкан ишлар қилажагини билдирарди. Коммунизмнинг асл башарасини бутун дунёга кўрсатиб берадилар.

Отамни боғланган жойларидан олдилар.

– Тур ўрнингдан! Мао учун эгил, маънавий саломингни бер! Бироздан кейин ўласан!

Омина Шенликўгли

Отам ортиқ йиғламай кўйганди. Олдин менга каради. Кейин эса қишлоқдошларимизга... Кейин қатъий оҳангда:

– Ўлсам ҳам Аллоҳдан бошқасига эгилмайман, деди.

Қаҳрамон отам! Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Мен ҳам бор овозим билан бақирдим:

– Ота, асло эгилманг! Мен сиз биланман... Отам менга қараб гапида давом этди:

– Хавотирланма, болам! Қирқ йил маъносини билиб Аллоҳга сажда қилган бош, қирқ йил кейин қулига сажда қилмайди!

Кейин яна қишлоқдагиларга каради:

– Сизларга келадиган бўлсак... Аллоҳдан ўзга сиғинаётган илоҳингизнинг кўлидан яна ўзга илоҳингизнинг кўлига тушдингиз. Аллоҳдан бошқасини илоҳ қилиб олганлар, умр бўйи кулларнинг илоҳлигига бўйин эгиб ўтадилар. Уларга мана шундай алданадилар. Ҳатто, сизларнинг юзингизга тупуришдан ҳам ҳазар қиламан. Нариги дунёда сизларнинг аҳволингизни кўраман, инша-Аллоҳ! Бугунги кунни ҳам эслатаман. У ерга бориш учун ҳали вақт кўп деб ўйламанг. Мен бугун кетяпман. Балки, сиз эртага бориб қоларсиз. Сиз қоча олмайдиган жой абадий оламдир. Ўша ерда кўришгунча...

Кейин бор овози билан такбир айтишни бошлади.

— Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!

Отамни кўп гапиртирмадилар. Кўзларини ҳам беркитмасдан тўғримдаги қозикқа боғладилар.

— Кўзлари очик қолсин. Шунда ўзига келаётган ўқларни кўриб, завқланиб роҳатлансин, дейишди.

Кўлида куроли бор иккита хайвон отамдан ўн мерча узокроқда ўқ узишга шай бўлиб туришарди. Отам менга қарадилар. Мен эса отамга... Қайрилиб, ғужанак бўлиб олгандим... Отамнинг кулиб менга бақираётганларини эшитиб қолдим:

— Каан, ўғлим! Аллоҳга топширдим сени болам. Нариги диёримизда учрашамиз. Мен учун асло хафа бўлма... Болам сени қайтганинг олдида бу ўлим ҳеч нарса эмас.

Бирдан ўша ваҳший овоздан сесканиб кетдим:

— От! Отам боғланган жойларининг тагига кулагандилар.

Оҳ, анчайин енгил тортгандим. Хафа бўлмадим. Уларнинг қийноқларини билганим учун отамнинг ўлимига жуда ҳам севиндим.

Аллоҳ сизни ўз раҳматига олсин, отажоним! Иншааллоҳ, жаннатда сизнинг олдингизга борсам, бир даста гул билан сизни муборакбод этаман. Бу дунёда ярим қолиб кетган нарсаларни сизга ўша жойда айтиб бераман.

Отамнинг ўлигини ўша жойда қолдиришиб, мени онам турган машинанинг орқасига боғлашди.

Мени қишлоқ ичида машина билан бир тепага, бир пастга олиб тушишиб сазойи қилишди. Онам овозимни эшитмасинлар дея бақира олмасдим. Қон ичида қолгандим. Бу ҳолимни кўрган баъзи қишлоқдагилар:

– Ўлиб кет, ифлос, жосус, деб бақирарди.

– Ярамас Каан! Шундай озгина юрсанг, ақлинг кириб қолади! Қишлоқдагилар алданганди. Бу-ю тушунарли.

Лекин, мен бошқа нарсага ҳайрон эдим. Жосусмаслигимни манави хитойлик итлар билишарди. Хўш, улар нима деб ўйлашаётганди. Кейинчалик мана шу қилган ишларидан пушаймон бўлишадими?

Инкилоб тугаганидан кейин ақлларини ишлатиб «Биз нима қилдик?», деб ўйлашармикин? Ҳануз шу ҳақида ўйлардим.

Машинанинг орқасига боғлаб, мени анчагача судрашди. Йўлимиз янги қурилганди ва мени шу йўлда судрашарди. Ўзимни яхшигина йўқотиб қўйгандим. Қўлларим қимирламасди. Менга тегишмаса, шундай кетардим.

Машина тўхтаганида ҳаво қорайганди. Машинанинг орқасида ўлик каби чўзилиб қолгандим.

Оёк товушларини эшитардим. Лекин, кўзларимни очиб қарашга мажолим қолмаганди. Машинанинг ичидан ҳам овоз келмаётганди.

– Онажооон!

Онам нима қиляптийкин? Агар бир неча соатдан бери ўғли ўзи ўтирган машинанинг орқасида судралиб келаётганини билса, аниқ эс-хушини йўқотиб қўйган бўларди.

Энг охирида шуларни ўйлаганимни эслай оламан.

Кўзларимни очганимда бирор кудукнинг ичида бўлсам керак деб ўйладим. Қоп-қоронғу эди. Қўлимни қаерга узатсам, бармоқларим деворга тегарди.

Бир хонанинг ичида эканман. Орадан бир ҳафта ўтибди. Мен буни соқчи Чу Юидан билиб олдим. Тўғриси айтганда жуда ҳам ҳайратланарли. Бир ҳафтага яқин емабман, ичмабман, уйғонмабман ва ҳеч нарсани ҳис қилмабман. Бошимни зўрға кўтарардим.

Қаердалигимни билиш учун қилган биринчи ишим сув сўраш бўлди. Менга яхши муносабатда бўлган соқчи Чу Юи битта идишда сув олиб келди. Қоронғуликда очилган ҳужранинг тешигини аранг кўрдим.

Омина Шенликўгли

Сувни олиб тезда ичдим. Эй Аллоҳим! Мен ичган нарса нима эди? Ажабо, менга сийдик ичиришганмиди? Бу саволнинг жавобини ҳеч қачон тополмадим. Овқатланиш хаёлимга келса, иштаҳам бўғиларди.

Кейин «очман» дедим. Кўзимга кўринмайдиган овқат олиб келишди. Таъми қандайлигини эслолмайман. Лекин, нон дейилган нарсани кўлимга олганимда бу сопол парчаси бўлса керак, деб ўйлагандим. Кейин унинг нонлигини билиб одим.

Хурриятчи(!) социалист ўлкалар...

Ойдин ва замонавий(!) режимлар...

Илғор(!) ва замонавий(!) тафаккурлар...

Келсинлар... Келсинлар-да ўзларини менга тушунтириб берсинлар...

Бу хонада мени Чу Юидан бошқа ҳеч ким сўрамайди.... На маҳкама, на ҳоким, на адвокат, на ҳакам...

Икки ой ўзимга келолмадим. Икки ой ўтганидан кейин хонамда ўз-ўзимча ўйлай бошладим.

– Тушунарли Каан. Сени бу ердан чиқаришмайди... Сокчи Чу Юи ҳам шунақа деди. Бу Хитой исканжасининг биринчи рақамли замонавий кўриниши бўлиб, асосий ғоялари одамни шундай қилиб ақлдан оздириш экан. Эс-хушингни йиғ Каан. Сени ақлдан оздиришларига асло йўл қўйма. Ақлингни муҳофаза қил ва ўзингга бир дастур ишлаб чиқ.

Ўзим билан келишиб олдим.

Кейин ақлимнинг ўзи жойидами, йўқми, шунини ўйлай бошладим. Ажабао, ақлим жойидамиди? Ўзим ўзимга гапирардим. Ақлдан озган бўлишим мумкинми? Ўтириб ақлимни текширишни бошладим.

Менинг исмим нима эди? Каан. Отамнинг исми Турғул. Онамнинг исми Хурмуз. Эй воҳ! Икки ойдан кейин онам, отам илк бор хаёлимга келди. Ҳаммадан охири хаёлимга Тургут келди.

Баданимнинг ҳамма жойи титраб кетганини ҳис қилдим. Мен Тургутни икки ой давомида умуман эслолмагандим. Кейин бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир эслай бошладим.

Онамини, отамни, тортган азобларимизни ҳеч тушуна олмасдим. Ўзимга азоб берадиган бирор нарсани эсламаслигим керак эди. Ўзимни шунга мажбурладим. Мени қийнайдиган нарсаларни ўйламаслигим керак эди.

Лекин, нима қилсам ҳам Тургутни хаёлимдан чиқара олмасдим. Бу дунёда мени қизиқтирадиган ягона нарса – мен у билан учрашаманми, йўқми? Юзимга қайси бет билан қараркин? Отамни ўлдирганини, онам билан онамни бошига тушганларни билса, нима қиларкин? Оҳ, қанийди шуларни билолсам эди! Ақлим, фикрим мана шу нуқтага келганда тўхтаб қоларди.

Бир неча кун ўтгач, ҳужрамнинг эшиги очилди. Икки киши кирди. Бу пасткашларнинг бири

Омина Шенликўгли
туркистонлик эди. Икки ой мобайнида ақлимни
ишлатганмидим, шунча вақт ичида қийналган
пайтларим нималарни ҳис қилгандим, шуларни
билиш учун мени текширишга келишган экан.
Ҳужжатга ақлим жойидалигини ёзишди.

Туркдан сўрадим:

– Ҳаётингдан мамнунмисан?

– «Албатта» деди. Сиз каби диндорларни сўрок
қилиш бизнинг вазифамиздир.

Ҳужра эшигини ёпаётганида унинг юзига
тупуриб бақирдим:

– Ифлооос...! Соқчи Чу Юининг бундан қаттиқ
жаҳли чиқди.

– Менга қара, яна шунақа қиладиган бўлсанг,
сени нариги ҳужрага ташлашади. Аслида мен сени
ҳозир дўппослашим керак. Лекин, мен сенга бундай
қилмайман. Энди бунақа ўзингдан кетиб қолма.
Шуни ҳам унутмаки, мендан яхшисига асло
йўликмайсан.

Эртаси куни жаллодсифат, кўлида таёғи бор
биттаси ёнида шериги билан ҳужрамга кириб келди.
Баланд овоз билан бақирди:

– Фашист жосус, тур ўрнингдан! Зотан, ётганим
йўқ эди.

– Тик турибман, дедим.

– Қани гапир, фикрларингда бирор ўзгариш
бўлдими?

– Қайси фикрларимда?

Хали савол сўрамасидан туриб кўлидаги таёк устимга, бошимга, юзимга, қаерим тўғри келса, ўша жойимга тушура бошлади.

– Сен фашист! Бизни ахлоқ қилмоқчимисан? Қанақа фикрдалигингни билмай қолдингми? Гапир, фикрингда ўзгариш борми?

– Менинг фикрим бузуқ эмасди. Мен ватанимга, миллатимга хиёнат қилмадим. У даражада пасткашмасман.

– Унақада нега бу ердасан?

Бу ерда эканлигимни қандай тушунтира олардим? Бу ерга олиб келинганларнинг албатта бирор айби бўлиши шартмаслигини, унга айбдор муомаласи қилиниши учун диндор бўлишининг ўзи кифоя қилишини... Бўғиқ овозда пичирладим:

– Биринчиси «Биз нима учун отамиздан нафратландик?» деб сўраганим учун. Иккинчиси эса, Аллоҳ ҳақида ўйлаганим учун. Бор айбим шу. Мени яна бироз дўппослашиб чиқиб кетишди.

Тўрт-беш соат ўтганидан кейин хужрамнинг шифтидан бир томчи сув томди. Аҳамият бермадим.

Кейин томчилар тезлаша бошлади. Печка мўрисичалик келадиган ҳожатхона эҳтиёжимни чиқарадиган жой бор эди. Томчилар унинг устидаги қопқоққа урилаётганди. Шунақанги ғалати овоз чиқараётгандики, бунақа овозни олдин умуман эшитмагандим.

Тинни... тинни... тинни...

Омина Шенликўгли

Томчилаш ўша кеча эрталабгача давом этди.
Тунги навбатчига ёлвордим:

– Ўтинаман, шунинг овозини тўхтатинг!
Чидолмаяпман!

Бу кўпак соқчи Чуга ўхшамасди. Хужра тешигини очиб, қачон нимадир сўрайдиган бўлсам, хужра тешигининг қопқоғини очиб, ичкарига тупурарди. Бу диндорларга бўлган нафратнинг бир ифодаси эди.

Қанийди, мен ҳам ҳақиқий диндор бўлсайдим. Пешонам сажда кўрмаганди. Лекин, номим динчи эди. Бизга бу исмни динсизлар кўйганди...

Томчиларнинг қачон тўхташини соқчи Чу келганидан кейин билиб олишим мумкин эди. Тонгача бошим оғриб кетди.

Соқчи Чу келганида вазиятни дарҳол унга айтиб бердим. «Бу нима? Қачон тўхтайди?» деб сўрадим. Юзимга қараб жавоб берди:

– Аслида мен фашистларга умуман гапирмайман. Улардан нафратланаман. Лекин, сенга ачиндим.

– Мен у нафратланишни биламан. Сен саволимга жавоб бер.

– Қаердан биласан?

– Бир хил йўлларни босиб ўтдик... Бу нафрат уйдирилган ва бир хил бўрттирилганди. Бир хил асарларни ўқидик. Бир хил маърузаларни тингладик. Мен ҳам бир пайтлари инқилобчи бўлмаган барчадан

нафратланардим. Дунёдага энг зўр яхшиликсевар Исканжа
одам бўлса ҳам мен учун фарқи йўқ эди. Шунинг учун
сени биламан. Мен тушунмаган бир нарса бор. Нега
ачинганинг учун менга яхши муносабатда бўляпсан?
Тўғриси айтсам, шуни билишни хоҳлардим.

– Жуда кизиқаётган бўлсанг, айтайин.
Адашмасам, хужрага келганингга беш кун бўлганди.
«Сизни кутқара олмадим, мени кечиринг онажооон»,
деб инградинг. Она азобини биламан. Шунинг учун
фашист бўлса ҳам, она учун ёнган юрак мени
таъсирлантиради... Шунда сенинг онагни ҳам қўлга
олишганини тушундим.

Дарҳол хужра тешигига яқинлашдим.

– Сен қаердан биласан?

– Уни билмайдиган борми? Давлат ватан
хоинларининг ҳар бирига алоҳида сиёсат қўлламоқда.
Оила аъзоларининг ҳар бирини бошқа-бошқа
жойларга юбормоқда. Ҳеч ким қариндош уруғини
қайтиб тополмайди. Жуда ҳам устамонлик билан
ўйлаб топилган нарса, шундай эмасми?

Бир неча йиллар ўтганидан кейин ўргандимки,
мени хоин деб тошбўрон қилган қишлоқдошим ҳам
коммунист-динсиз режимни мамнун қила олмабди.
Уларни ҳам полапон кушлардек ҳар тарафга тарқатиб
юборишибди.

Сокчи Чудан баъзи нарсаларни билиб олдим.

Лекин, хужра кун ўтган сайин жонимни сика
бошлаганди. Зерикиб кетаётгандим. Бир нур... бир

Омина Шенликўгли

чизиқчалик нурга муҳтож қолгандим. Нур улкан неъмат экан. Буни менга шу хужра ўргатди.

Қоронғуликда инсоннинг руҳияти ғалати бўлиб кетади. Бу томчиларнинг овози ҳам қоронғуликда инсонни ақлдан оздирарди.

Ниҳоят, Чу менга унинг сабабини ҳам айтди.

– Бу томчиларнинг овози маҳкумни ақлдан оздириш учун қилинган. Яъни, сен бир ойга бормай ақлдан озасан.

Бу нарсалар соқчининг парвойига ҳам келмасди. Хоҳлаганича гапирарди:

– Жуда зўр бўлади. Ақлинг кетганидан кейин дардинг тугайди. Инсон дардни ҳам ақли билан англайди. Шунақамасми?

Баланд овозда жавоб бердим:

– Демак, Аллоҳ таоло ақлни жуда ҳам мукамал қилиб яратган экан. Чунинг бирдан овоз оҳанги ўзгариб қолди.

– Биз ҳам бир пайтлари Буддага ишонардик. Сен ҳам ишонасан. Ақлни ҳеч ким яратмаган. У тасодифан пайдо бўлган.

– Чу, тасодифан пайдо бўлган нарса бирор тартибсизликка дуч келиб қолса, йиқилиб кетмайди. Тасодифнинг тартиби бўлмайди. Шунинг учун у йиқилмайди.

Менга жаҳл қилиб, хужранинг тешигини беркитди. Яна ўзим ёлғиз қолдим.

Энди нима қилсам экан? Бу овоз, бу қоронғулик мени жинни қилиб қўяди. Албатта, бир йўлини топишим керак. Ақлимни ишлатишим керак. Ақлимни йўқотсам, мен тамом бўламан. Тугайман...

Чу мен билан гаплашмай қўйганди. Одамнинг гаплашадиган кишиси қолмаганидан кейин ҳамиша сиқилади. Инсон ҳаётда эканлигини билиши учун бир одамнинг овози кифоя қилади.

Бир дастур ишлаб чиқишим керак. Бир неча соат ўйлаб ўтирганимдан кейин бир қарорга келдим.

Биринчиси, ҳар куни эрталаб туриб спорт билан шуғулланаман. Иккинчиси, ўзимга ўзим гапириб сўз бойлигимни ушлаб тураман. Гапиришни унутмаслик ҳамда тилимни ишлатиб туриш учун ҳам гапиришим керак. Акс ҳолда тилим гапиришни унутиб қўяди. Учинчидан эса, тафаккур машқини қиламан. Қалбимни кўр бўлиб қолишига йўл қўймайман.

Буларнинг ҳаммаси ажойиб эди. Бироқ, бу овоз менинг барча ҳаракатларимни чиппакка чиқаришга етарли эди. Ҳозирдан мени руҳий зўриқишга мажбурлаётганди.

Ётоғим бетондан эди. Устимдаги кийимимдан ўлимтик каби ҳид келаётганди. Қонли шимим ҳали ҳам устимда эди. Эй Аллоҳим! Томиримда оқаётган қондан шунақа бадбўй ҳид келаётганмиди? Буни биринчи марта ўйлаб кўраётгандим.

Бир неча ойдан бери ювинмагандим, битлаб кетгандим.

Омина Шенликўгли

– Аллоҳим! Ўзинг менга сабр бер!

Балки, ҳамма нарсага чидолар эдим. Лекин, бу овозга чидашнинг асло имкони йўқ эди.

Қаердаман? Бу ер қаер? Хужра тешиги орқали Чудан сўрадим.

– Чу илтимос, эшикни оч, сендан бир нарса сўрамоқчиман. Бир неча соат ёлворганимдан кейин хужра тешигини очди.

– Нима гап? Нима бўлди?

– Чу, менга айтоласанми? Бу ер қаер? Ҳайрон бўлиб юзимга қаради.

– Хужрадасан! Ё ичкаридан саройга ўхшаб кўриняптими?

– Йўқ, йўқ. Қайси шаҳардаман? Туркистондаманми? Хитойдаманми?

– Буни сенга нима қизиғи бор? Кўп эмас, минг километр йўл босиб келдинг, холос.

Ҳайратда қолгандим. Демак, мен жуда ҳам ёмон аҳволда бўлган эканман. Шунча йўл босиб ўтилганини умуман сезмабман. Яна хужрам билан ёлғиз қолгандим.

Ўша кечани ҳам ўтказдик... Томчининг овози мени ёмон аҳволга солиб кўйганди. Эрталабгача ухлолмадим. Тонг отгандан кейин ухлаб қолибман.

Уйғонгач спорт билан шуғуллана бошладим. Оёқларимни юраётганга ўхшаш қилиб бироз ҳаракатлантирдим. Соқчи Чу бақирди:

– Хой, у ерда ким бор? Бу ниманинг овози? Унга бироз бошқачароқ қилиб жавоб бердим:

– Мен ва иккита оёғим. Нимадир бўлдимми?

– Ғалати овоз келгани учун...

– Ҳа, бу ердан қочиш режасини ишлаб чиқдик. Оёқларим билан маслаҳатлашиб, шу қарорга келдик.

Хуррак отмоқчи бўлдим лекин эплотмадим. Нима қилсам ҳам фойдаси бўлмаётганди. Бу томчиларнинг овози ақлимни йўқотишимга кифоя қиларди.

Ўзимча «Нима қилсам экан-а?» деб ўйладим. Ниҳоят, бир иложини топдим.

– Ҳар томчи тушаётганида «Аллоҳ» дейман. Шундай қилсам, ҳам зикр қилган ва Роббимни эслаган бўламан. Кейин бу томчининг одам асабини бузувчи овозидан ҳам кутилган бўламан.

Ўйлаганимни амалга ошира бошладим. Томчи тушгани сари қалбимдан «Аллоҳ... Аллоҳ... Аллоҳ...» дердим. Бу нарса кеча-ю кундуз давом этарди, лекин мен энди бу овозга умуман аҳамият бермай қўйгандим. Қалбим давомий «Аллоҳ» дейишга одатланганлиги учун томчининг овозини эшитишимга ҳожат қолмаганди.

Шу вақт оралиғида ойда бир келишиб сўраб туришарди:

– Фикрларинг ўзгардимми? Доим бир хил жавоб берардим:

– Мени қанақа фикрим бўлиши мумкин? Мен фақатгина алданганимизни тушуниб қолгандим. Ва иккита савол сўрагандим. Кейин бу саволларни бегонадан эмас, ўз туғишган акамдан сўрагандим. Шу нарсалар қандай қилиб ўзгариши мумкин?

Ақлим жойидалигини кўришиб ўзлари ақлдан озишиб «Қанақасига бунинг ақли ҳалиям жойида турибди?» дейишарди.

Уч ойдан кейин битта кўйлак беришди. У кўйлак қалин бўлиб, ёзнинг иссиғида уни умуман кийиб бўлмасди.

Ўзим ишлаб чиққан дастурнинг ҳар бир ҳарфига амал қилаётгандим. Хаёлимга ёмон нарса келиб қолса, тезда ўй-хаёлларимни бошқа томонга буриб, ўзимни асло хафа қилмасдим.

Хужра қоп-қоронғу эди. Ёруғликни унутаёзгандим. Қизик, ҳатто тушларимда ҳам қоронғуликда бўлардим.

Овқатларим ун ва кепакдан тайёрланган нарсага ўхшарди. Ўзимни мажбурлаб ўша овқатларни ердим. Ҳамма нарсани ўлиб қолмаслик учунгина қилардим.

Ичимлик суви бироз яхшиланди. Томчи давом этаётганди. Ётоғим ҳануз бетондан эди... Бу ҳолатлар ҳар доим шундай давом этди.

Айбсиз ҳолимда шу хужрада қанча муддат қолди деб ўйлайсиз? Уч йил-у саккиз ой...

Айтишга осон.

Уч йил-у саккиз ой битта хужрада, бетонни устида яшадим. Зотан, мени камоқхона бошқарувидагилар ҳам унутиб юборганди. Шунчалар маҳкумлар кўп эдики, бечора давлат(!) уларнинг қайси бири билан шуғуллансин? Олдимизга келиб куракда турмайдиган гапларни айтишиб, ортларига қайтиб кетишарди.

Уч йил-у саккиз ой умуман ёруғлик кўрмадим. Хужранинг эшиги очилганида кеча билан кундузни ажрата оладиган даражада кўра олардим.

Ҳа, уч йил-у саккиз ой ёруғлик кўрмадим. Бир қараганда, бу нарса инсонларга унчалик ҳам аҳамиятли нарса бўлиб туюлмайди. Лекин, аслида ундай эмас. Ёруғлик биз ўйлагандан кўра, умуман бошқа нарса экан. Умуман бошқача...

Хужрада уч йил-у саккиз ой қолиб кетганимдан кейин олдимга уч киши келишди:

– Тайёрлан, кетасан. Тайёрланадиган нима боридики? Шундоқ ҳам мен ҳамини тайёр эдим.

Қўлларимга кишан солишиб, мени хужрамдан олиб чиқишди. Кейин узун йўлакчага чиқдик. Бу ер бутунлай ёруғ бўлмаса-да деразалардан тушаётган нурлар ёритишга етаётганди. Хужрамдан анча яхши эди...

Бирдан кўзларимга мил тортилгандай бўлди. Жоним чиққудек бўлиб бакириб юбордим.

– Вой онажон, адо бўлдим!

Омина Шенликўгли

— Ўлиб кет, деб бақирди биттаси. Жонинг тўнғизникими? Ҳалигача одамларга ўхшаб қандай қилиб юряпсан?

Одатда хужрадан чиққан маҳкумлар юриша олмас экан. Энг камида беш-олти ой. Менинг юришим уларни ҳайрон қолдирганди. Мен юраётгандим. Бунга ўз ақлим билан эришгандим. Ҳар куни спорт билан шуғулланар эдим. Икки қадам олдинга, икки қадам орқага юриб, соатлаб машқ қилардим. Шу йўсинда оёқларимнинг юриш қобилиятини сақлаб турардим.

Ёруғликдан кўзларимни очолмасдим. Тўсатдан ташқарига чиқдик. Ана шунда тамом бўлдим. Кўзларимга ёруғлик билан бирга санчиқ ҳам кирди. Кўзларимни ёпиб олдим. Лекин, қовоқларимдан сизиб кираётган ёруғлик кўзларимни зириллатаётганди. Эй Аллоҳим! Ёруғлик биз ўйлагандан кўра, умуман бошқача нарса экан.

Инқилобчи бўлиб юрган пайтларимиз капиталистлик мамлакатлардаги маҳбусларга қандай кийноқлар қўлланишини ўргатадиган китоблар ўқитиларди. Фашистларнинг зулмларини тушунтиришар, агар коммунизм келса, инсоният зулмдан нажот топишини айтишарди.

Ўша пайтлари бир китоб ўқигандим. Ўша китобда шунга ўхшаш бир мавзу бор эди. Ўша одам ёруғликка чиққанида ўзини йўқотиб кўяди. Мен эса,

китобни бўрттириб ёзган экан, деб ўйлагандим. Йўқ, аксинча, унда батафсил ёзилмаган экан.

Ташқарига чиққач, ёруғликнинг оғриғидан тириша бошладим. Мен ерда думалаганим сари «тур» деб камчи билан уришарди. Кейин мени уриб-уриб хужрага ўхшаш машинага тикишди.

– Қаерга кетяпмиз, деб сўрадим.

– Жаҳаннамга, дейишди.

– Мен дунёдаги жаҳаннамдан чиқдим ҳозир.

Энди қаерга кетяпмиз?

Мени кўриқлаб келаётган соқчилардан бири гапимдан роса қотиб-қотиб кулди. Кулиши шунақанги кўрқинчли эдики, эгим жунжукиб кетди. Унинг кулишидан совқотиб кетдим. Бу кулишнинг кўркуви иликларимгача титратиб юборди.

Бу одам нега кулганди? Бунинг сабабини сал ўтмай билиб олдим.

Ўлим водийси

Бир неча соат йўл юрганимиздан кейин бир жойга келиб тўхтадик.

Йўл бўйи мени «Фашист» деб ҳақорат қилиб келишди.

– Фашист ким? У нима қилади, деб сўрадим.

– Фашист хурриятчи эмас, босқинчидир. Фашист ўз ирқидан бошқасига яшаш ҳуқуқини бермайди. Фашист фашистдир.

– Буларнинг ҳаммаси сизда бор-ку? Сизлар ирк демаяпсизлар холос. Лекин, инкилобчидан бошқасига яшаш ҳуқуқини бермаяпсизлар. Фашист деганингиз эса, иркни асос қилиб олиб сизлар қилган ишни қиляпти. Менинг нима фашист? Лекин, сизлар фашист деяпсизлар. Нега ўзингиз кимлигингиз хақида ўйлаб кўрмайсизлар?

Ҳайрон қолгандим. Ўзимга ҳам, уларга ҳам... Нега бунақа гапларни айтдим, улар нега таёк тушуришмади?

Шу гапларни айтаётганда ҳам кўзларимни кўлларим билан беркитиб олгандим. Шунчалик қаттиқ беркитгандимки, ярим тун бўлганини сезмай ҳам қолибман.

Эрталабга яқин бир жойга келдик. Кўрқинчли шаклда кулган соқчи мириқиб гапира бошлади:

– Мана келдик. Ана энди жаҳаннамни кўрасан.

Гўё ертўлали йўлларни ёдга солиб юборадиган йўллардан келгандек эдик. Бир жойга етиб келганимизда яна мени сўроқ қила бошлашди.

– Айбинг, отангни исми, онагни исми...

Мажбуран юқоридаги гапларимни такрорладим. Ва мен ҳам уларни ўзимча сўроқ қила бошладим:

– Сизларни халқ маҳкамаларингиз қани? Мени ҳеч бўлмаса, халқ сўроқ қилсин. Нар и борса мени

ўлдиришади, бунақа кийноқлар билан чўзиб
Ўтиришмайди. Исканжа

Овозини чиқармай гапирадиган киши ғазабнок оҳангда сўради:

– Менга қара, олдин бизнинг йўлдошимиз бўлган экансан. Кейин хоинлик қилиб, фашист бўлибсан. Кел, бизни ортиқ кийнама. Кимларга ишлардинг? Ташкилотларингиз қандай фаолият кўрсатарди? Менга айтиб бер, оиланг бағрига кўйиб юбораман.

Аччиққина қилиб кулдим:

– Қанақа уй...? Қанақа оила...? Сизлар одамларни уйини ёки оиласини қолдирдингизми?

– Яхши, у ҳолда «Шу ерда қоламан» деяпсанми? Ўзинг биласан.

– Йўқ, ундақа демокчимасман. Бир воқеани айтиб бердим холос.

Бирдан жаҳли чиқиб столга урди:

– Сен ҳозир нима демокчисан? Бизга динчиларнинг фаолиятларини айтасанми ё йўкми?

– Ҳеч қанақа фаолият билмайман... Диндорларга келадиган бўлсак, улардан асло кўркманглар. Ташкилот тузадиган бўлсалар ҳам сизларни танимаганлари учун уларнинг ташкилот режаси деган ҳеч вақолари йўқ. Улар режасиз, дастурсиз оломон сурувига ўхшайдилар. Ҳамиша ўзлари билан ўзлари жанжаллашадилар. Бир-бирлари билан тортишиб тураверадиладар. Куролланмайдилар. Жамият руҳияти

Омина Шенликўгли
хақида қизиқиб ҳам кўрмайдилар. Чунки, бунинг ўзи
нималигидан беҳабарлар. Агар диндорлар сизлар
кўрққанчалик ақлли бўлганларида, ҳозир шу
ишларингизни қила олармидинглар?

Аслида, бизнинг мусулмонларнинг душманига
қарши қаратилган биронта ҳаракатимиз йўқ. Лекин,
Россия тарафдори бўлган инқилобчилар ҳам, Хитой
тарафдори бўлганлар ҳам доимо мусулмонлардан
кўрқишади. Ўзимга ўзим ҳамиша «Мусулмонлар ҳеч
бўлмаса, атрофга кўринаётганлари каби бўлсалар
эди», дердим.

Қаердан жасорат топдим, билмайман. Лекин, шу
гапларни айтдим. Ҳалиги одамнинг жуда ҳам жаҳли
чиқиб кетганди. Қаҳр-ғазаб билан бор овозида:

– Менга Канрдо Лоҳ Мухитни чақириб
келинглар. Бу итваччага яхшилаб дарс бериб қўйсин,
деб бақирди.

– Нега бунчалик зулмни яхши кўрасизлар, деб
сўрадим.

– Мао нима деганини биласанми? «Душманга
ачиниш – халққа зулмдир».

– Лекин, сиз халққа зулм қиляпсиз? Бошқа
мамлакатнинг одамларини эмас, ўз халқингизнинг
одамларини эзяпсиз. Юк машиналарга тўлдириб
кўмган одамларингиз одам эмасмиди? Биз халқ
эмасмизми?

Шу саволимни ўн икки йил ўтганидан кейин
сўрай олдим. Кимдан сўрадинг дейсизми? Мен билан

Исканжа

хаёлимда тортишган инкилобчилардан... Улар одамларни юк машиналарга тўлдириб кўмганларини ўн икки йил ўтиб ўргангандим.

Мени қийнаш учун чақирган исмлари диққатимни тортди. Лоҳ Мухит. Исми хитойча, лекин, фамилияси туркистонликларники эди. Мени ўшанга топширишди. Ҳали ҳам кўзларимни очолмасдим. Мени олиб борган одам сўради:

– Қаерликсан?

– Туркистонлик, Ўримчидан...

– Айбинг, фикрингдан қайтганингми?

– Йўқ, фақатгина ўйлаш.

– Демак, инкилобимизга қарши ўйладинг. Бу овозни гўё танийдигандай эдим. Фамилияси ҳам нотаниш туюлмаётганди. Сўрадим:

– Мен овозингни танийётгандекман? Лекин, эслолмадим. Сен қаерликсан?

– Ўримчидан.

– Балки, бир-биримизни танирмиз? Менга қараётганини сезиб қолдим.

– Йўқ, мен сени ҳеч кўрмаганман.

Бирдан хаёлимга келиб қолди. Сочларим уч йил-у саккиз ойдан бери сартарош кўрмаганди. Сочларим ўсиб, қалашиб кетганди. Мўйлобимни кўтариб кейин овқат ердим. Шунча қийноқлардан кейин томчининг овози менга совға бўлганди. Юзим ҳам ўзгариб кетганди. Жавоб бердим:

– Мен анча ўзгариб кетганман. Ўзимни эслатадиган томоним қолмаган.

Кейин ўқиган ўқишларимизни, дарс берган ўқитувчиларимизни бир-биримизга айтиб бердик. Уни танигандим. Бу менинг синфдошим Аҳмад эди.

У ҳақида сизга айтиб берганмидим? Аҳмад акам Тургутдан кейинги энг қалин ўртоғим эди. Ўзим сезмаган ҳолда кўзларимдан ёшлар оқаётганди.

Унга ўзимни таништирдим. Зўрға ишонди. Лекин, инсонийликдан асар ҳам қолмагани учун робот каби гаплашарди.

– Сен жуда ҳам зўр инқилобчи эдинг, деди. Эсингдами, сен билан бирга фашистларнинг кишлоғига бостириб борганимизда, сен уларнинг ҳатто болаларига ҳам ўқ отгандинг. Ўша пайтлари зўр инқилобчи эдинг... Мен ҳам бир марта фашист ўқитувчимизнинг қулоғини кесгандим.

– Илтимос, шу ҳақида гапирмагин! Хижолат бўлиб кетяпман! Нега бунчалик бераҳм бўлиб кетганимни ҳалигача билолмайман. Мени аста секинлик билан бир махлукқа айлантиришганди. Лекин, мен охирида уйғондим.

– Ёки фикрингдан қайтдинг... Фашист бўлдинг!

– Йўқ! Фақатгина ўйладим ва алданганимизини билдим.

У билан гаплашиб чарчаб кетдим. Яхши юраётганимни кўриб, сўрамасдан туролмади:

Исканжа

— Биз уч йил хужрада ётганларни замбилда таширдик. Сен эса ўз оёғинг билан юриб кетяпсан...

Жуда ҳам фаросатсиз бўлиб кетибди. Менга «мендан нима ёрдам?» деб сўраши лозим эди. Уч йилдан бери ювинмагандим. Ҳеч бўлмаганда ювинтириб қўйиши мумкин эди. Кейин ўзим ҳақимда ҳам кизиқаётгандим. Ажабо, мен нимага ўхшаб қолгандим? Ниҳоят сўрадим:

— Ҳозир мени қаерга олиб кетяпсан?

— Менга айтилган жойга...

— У ерда қийнашадими?

— Ҳа, бироз...

— Яхши, сендан бир нарса илтимос қилсам, менга яхшилик қиласанми?

— Илтимосингга боғлиқ.

— Болаликдаги дўстлигимиз ҳақки ҳурмати мени соч соқолимни қисқартир. Битта ҳаммом қилиб олай. Терим илоннинг терисига ўхшаб кетди.

Бироз ўйланиб тургач сўзида давом этди:

— Майли, деди. Сенга бир яхшилик қиламан.

— Сендан ҳисоб сўрайдиганлар борми Аҳмад?

— Аҳмад эмас, Лоҳ.

— Нега ўз исмингни ишлатмайсан? Бу нарсалар учун ҳуқуқинг борми?

Овози ўзгарганидан маълум эди.

— Албатта, бор. Бўлмаса, сени менга топширишармиди? Биз хурмиз.

Омина Шенликўгли

– Ниманинг эвазига бу хурликка эришдинг?

Бироз дудукланиб қолди.

– Фашистлик қилма, деди. Кейин хаёлимга келган бошқа саволимни сўрадим:

– Нега сени Кадро Лоҳ дейишади? Билишимча, хитойликлар бу сўзни қоплон тарбия қилувчиларга нисбатан ишлатишади.

Мийиғида кулиб кўйди.

– Билмайман. Менга шу лақабни кўйишди. Нега бундай лақаб кўйганларини сал кейинроқ билиб олдим.

Аҳмад гапида турди. Мени ўзимни кўра оладиган даражада ойнаси бор жойга олиб борди.

– Мен одамийлигини йўқотмаган одамман. Сенга яхшилик қилганим учун мени пушаймон қилма. Энди, кўлларинги кўзларингдан тушириб, ўзингга қара.

Кўзларимни очдим. Чиндан ҳам сал ёруғроқ хона эди. Кўзларим бироз санчиса ҳам ўзимни кўра олдим. Аста ойнанинг олдига яқинлашдим.

Бу ким? Ойнада инсон зоти кўринмаётганди. Айиксифат улкан махлуқ турарди!

– Бу ким Аҳмад? Мен қаердаман? Нега мен кўринмаяпман?

– У сенсан. Ўзингни алдама.

Кўлимни кулоғимга олиб бордим. Ойнадаги махлуқ ҳам кўлини кулоғига олиб борди. Кейин

кўзларимга... Билдимки, ойнадаги махлуқ менман.
Бор овозим билан бақирдим:

– Йўўўк! Бу мен эмасман! Хўнграб йиғлаб юбордим.

– Аҳмад, бу мен эмасман!

– Аҳмад эмас, Лоҳ! Туркча исмдан нафратланаман.

– Тўғри айтасан. Ўзингни таниганингдан кейин нафратлана бошладинг. Сен ҳақли бўлсанг, мен нима қилай. Ойнада кўринган махлуқдан ўзим ҳам кўрқиб кетдим. Илтимос, мени тезда соч-соқолимни калталатиб қўй.

Соч-соқолимни қисқартирди. Ҳаммом қилдим. Эй Аллоҳим! Ҳаммом қилиш ҳам улкан неъмат экан. Терим майин бўлиб қолди.

Нима бўлса ҳам яқин ўртоқ эдик. Ўртоқлик бошқача нарса-да барибир.

Тезда хаёлимга келди. Ораларида ўзаро ишонч бўлмаган инсонларда шартлашув бўлса, ака ўз укасининг терисини шилади.

Соч-соқолимни калталатганидан кейин яна ўзимга қарадим. Сал ўзимга ўхшагандим. Лекин, юзимда ўзим билмайдиган чизиклар пайдо бўлганди. Қарашларим жонсиз эди. Рангим ўликнинг рангига ўхшаб оқариб кетганди. Бирок, бу баданнинг ичидаги мен эдим. Оҳ ёшлигим оҳ! Кимларга фидо бўлиб кетдинг, ҳалигача тушуна олмадим.

Янги кийимлар ҳам берилди. Шу ерда бир хафта кутганимдан кейин Аҳмад келиб бир жипга миндириб олиб кетди. Ажабо, мени қочириб юборармикин ё кутқарармикин?

– Қаерга кетяпмиз?

– Бироздан кейин кўрасан. Кўрдим.

Эй Худо! Эй Худойим! Бу қандай бўлиши мумкин? Бир хона кенглигича келадиган чуқур қудук. Устига йигирма сантиметр кенглигидаги қалин темир қарама-қарши қилиб қўйилган. Паста лаҳм. Лаҳм ичида эса, сичқонлар! Аҳмад ифлосларча кулиб кўрсатди:

– Мана! Шу темир устида кунда уч соат бир оёқда турасан. Туролмасанг, лоп этиб пастга тушиб кетасан.

Қараган сарим бошим айланиб, кўзларим қамашиб кетди. Кўзларим ёруғликка кўника олмагани учун ҳали ҳам санчиб турарди.

Аҳмад ёнидаги итларга буйруқ берди:

– Ушланглар кўлидан, жойига олиб боринглар.

– Йўўўқ, деб ўзимни ерга ура бошладим. Қўлларимдан тутишиб чуқурнинг олдига олиб келишди.

– Қани, ё сен шу темир устига қараб юрасан ё биз сени пастга ташлаб юборамиз!

Атрофимга қарадим. Улкан кенглик бўлиб, у ерда юзлаб чуқурлар бор эди. Чуқурларнинг устидаги

ингичка темирларнинг устида эса, одамлар тик
Исканжа
турарди.

– Оҳ, онажон! Энди тамом бўлдим. Хитой
исканжаси энди бошланди-ёв!

Тезда ўша курқинчли кулган одамни эсладим.
Қаерга келганимни жуда яхши билган экан.

Нафрат билан Аҳмадга қарадим.

– Ифлос, ҳароми! Демак, шунинг учун сенга
Кадро (ижрочи) дейишар эканда-а!

Ифлос кулар эди.

– Бизда душманга марҳамат йўқ. Инкилобчи
бўлмаган ҳамма душманимиздир. Унга нафрат билан
қарадим.

– Зотан, сизларнинг дўстингиз бўлмайди.
Ҳаммангиз бир-бирингизга шубҳа билан қарайсиз.
Кўппак...! Сендақа ҳаромилар туфайли бошимизга шу
кунлар келди.

Мени бор кучи билан савалай бошлади. Эй
Аллоҳим! Бор нафрати билан урарди! Тўймасди, тўяй
демасди.

Охири мажбур бўлдим. Темирга аста қадам
босиб, ҳозир тушиб кетаман деган кўркув билан
ўртасигача келдим. Кўркувдан нафас ололмасдим.

Ҳароми Аҳмад қаршимга келиб сўради:

– Нима гап Каан? Сен тарафдан бу ерлар қандай
кўриняпти?

– Итдан тарқаган! Бир кун келиб сени ўз
қўлларим билан ўлдираман. Кўрасан хали!

Аҳмаддан шунчалар нафратланардимки, агар кўлимга беришганида ўша заҳотиёк ўлдириб ташлардим.

Мени ташлаб кетишди. Атрофимизда сокчилар айланиб юришарди.

Ўнг оёғимнинг устида тура бошладим. Бир соатга ҳам етиб бормай оёғимни сезмайдиган ҳолга келиб қолдим. Қимирлай олмасдим. Қимирласам, мувозанатим бузулиб, тушиб кетардим. Ёнимдаги чуқурда турган одам бақирди:

– Биродар, туркмисан?

– Ҳа диндорман. Камига мусулмонман!

– Менга қара, динсиз бўлганигда сенга ёрдам бермасдим. Диндор экансан, сенга ёрдам бераман. Мени яхшилаб эшит. Аввало кайфиятингни кўтар. Иккинчидан пастга умуман қарама. Мен бизнинг чуқурга қараётган Маонинг итини чалғитиб турганимда сен оёғингни алмаштириб ол. Бу итларнинг шунчалар иши кўпки, сен оёғингни алмаштирганингни сезишмайди ҳам.

– Эсимдан чиқмасидан айтиб кўяй. Золимнинг кўлида қийналаётган одам динсиз бўлса ҳам, Ислом ўша одамни қийноқдан қутқариш учун ҳаракат қилишга буюради. Буни кейинчалик ўргандим. Қийноқдошимдан сўрадим:

– Сенинг айбинг нима?

Аслида ўзимни чалғитаётгандим. Бу ишни пастга қарамаслик ва бу кўрқинчли манзарани

Исканжа

унутиш учун қилаётгандим. Қийноқдош чуқурдаги кўшним жавоб берди:

– Менинг айбимми? Билмайман. Шуни бир неча йилдан бери биладим. Асло, кўнглини чўктирган экан, деб ўйлама. Мен шуларга лойик инсонман. Ҳаққимни ортиғи билан оляпман.

Ғалати инсон эди.

– Ўзингдан интиқом оляпсани?

– Худди шундай. Мен Аллоҳни танимаган, Унинг буйруқларига бўйин эгмаган тубан эдим. Аллоҳдан бошқа ҳаммани илоҳ қилиб олгандим. Мамлакатимни, халқимни шу коммунист режим учун сотдим. Энди бунинг бадалини тўлаяпман. Ёғларим ерияпти...

Бундай инсонни ҳаётимда кўрмагандим. Уни ёқтириб қолгандим. Тўрт йил мобайнида қалбим бирор нимани севмагани учун севгисизликдан чарчагандим.

Чуқурдаги кўшнимдан исмини сўрадим. Фотих экан. Бир пайтлари диндор бўлган экан. Кейин диний иймонини инкор қиладиган ҳолатга олиб келишибди ва охирида инқилобчи бўлибди. Бир неча йил инқилоб учун ишлабди. Кейин хиёнатда айбланибди. Бошидан ўтганларни ачиниб-ачиниб айтиб берди:

– Ленин мен учун Тангри эди. У айтган ҳамма нарса тўғри ва қилиниши шарт эди. У гўзал туйғуларим... У айтилмас севгим... Кўринмас ғайратим эди... Борим Ленин ва инқилоб учун эди.

Омина Шенликўгли
Инқилоб учун ҳамма нарса қилгандим. Лекин, ҳаммаси унутилди. Бир кунда фашист, деб эълон қилиндим. Иккинчи куни эса, камоққа олиндим. Энг бошида гоҳ-гоҳида маҳкамага чиқиб турардим. Балки, мени унутиб қўйишган бўлса керак. Ҳар сафар бошқача нарсаларни сўрашарди. Одамлар нима қилсинлар? Нима учун келтирилганларини унутиб қўйдилар. Ҳеч бўлмаса оиламга хабар беролсам эди. Уни ҳам қилолмадим. Бу насабсиз, қони бузук, бутпарастлар ҳам одамми? Хабар ҳам беришмади. Аёлим беш йилдан бери мендан хабар ололмайди. Бу кетишда мени қўйиб юборишмайди. Ох, бир иймоним бўлса-ю, ўзимни ўлган деб билдира олсам? Аёл бечора ҳеч бўлмаса мени кутмасди.

Йиғлаб давом этди:

– Кетсин, бошқа оила курсин... Гуноҳимнинг бадалини у ҳам ўтамасин. Лекин, имконим йўқ. Бу чаёнлар суруви зулмдан завқ олишади.

Баъзилар бир оёқда туролмай чуқурга тушиб кетаётганди. Бир йил мобайнида чуқурга тушиб кетган юзга яқин одамни кўрдим. Чуқурлардан ўлакка каби чириб кетган инсон терисининг сассик хиди анқирди.

Ўша куни Аҳмад уч соат ўтганидан кейин тиржайганча олдимга келди. Айбдор ва бетайин инсоннинг тиржайиши нафратлантирувчи нарса эканлигини, фақатгина мана шунақа номуссизлар билан юзлашганингизда билиб оласиз.

Исканжа

— Жуда толикқанга ўхшайсан, деди. Нафрат билан кўзларига қарадим.

— Ташвиш чекма, кўникиб кетасан, деди. Инсонийликдан шу даражада чиқиб кетган эдики, марҳамат туйғулари бутунлай йўқ бўлиб кетган бўлса керак деб ўйладим. Юзига қараганимдан кейин бақирдим:

— Аллоҳ сени хор қилсин! Яна тиржайиб жавоб берди:

— Тутруксиз йўлдош, асабийлашма. Сенга асабийлашиш ярашмас экан.

Мени уч соатдан кейин чуқурдан чиқаришди. Ҳайрон қоларли: чуқурнинг чекасига оёғим тегар тегмас ерга йиқилиб тушдим. Ўзимга келганимда хонада эдим. Мени хонага Фотих кўтариб келибди... Хона эса, тирик инсонлар қабристониди.

Чуқур кийноқлари ҳар куни қилиниб, тўлик бир йил давом этди. Қийноқдошимники ҳам худди шундай. Бизни чуқурдан олишиб, тош синдиришга олиб боришди... Қариялар бор эди. Кўпчилиги мусулмон, озчилиги Буддадан воз кечмаган буддистлар эди. Ўлим баҳоси учун Будданинг бутидан воз кечишмаганди.

Дахшатли иссиқда қонлар ичида тош синдириш... Эй Аллоҳим! Дунё бир билса эди бу азоб-уқубатларни! Оч, сувсиз, ҳорғин ва ҳолдан тойган ҳолда яшаш. Коммунизмга алданиладими?

Омина Шенликўгли

Ох, дўстларим ох! У даҳшатли жойни қайси калималар билан изоҳлаб бериш мумкин деб ўйлайсиз. У ерда инсон осмонда турган булутдан, қуёшдан, юлдуздан, ҳамма нарсадан кўрқади...!

– Қуёш шундоққина тепамизда. Ё чиндан ҳам ўша жойда қуёш пасайиб қолганмикин-а? Осмон илмидан биров хабарим бор, бундай бўлиши мумкин эмасди. Лекин, мен бир неча йиллар давомида ўша пайтда бизга қуёш яқинлаштирилганига ишониб яшадим.

Худони берган куни маъдан ўчоғида беш-олти киши ўларди. Тезда ўша жойга кўмиб юборилаверарди. Ҳеч бўлмаганда оилаларига билдириб қўйиш учун хатто исмларини ҳам сўрашмасди. Уларнинг оилалари шу халқнинг вакили эмасмиди? Нега уларга ҳеч бўлмаса яқинларининг ўлгани ҳақидаги хабар билдириб қўйилмасди. Бир кишининг айбининг жазосини бутун оила тортиши шартмиди? Ҳа, динсизларнинг ёзилмаган қонунларига кўра, бир кишига берилган жазонинг азобини ҳамма тортишга мажбур эди.

Ва миллионлаб мусулмонлар шу азобни тортишаётган эди!

Эй Ислом олами! Миллионлаб мусулмон биродарларингиз шу азобларни тортаётганларида сизлар қаерда эдингиз?

Шу ҳолингизга минг афсуслар бўлсин!

Икки қадам олдинга бир қадам орқага

Кечкурун бўлинмага келганимизда ҳамма чарчаган эди. Жуда қариб қолган ёки қийноқлар қаритиб юборган Туғрул амаки пастимдаги жойда ётарди. Отамнинг исмдоши бўлганлиги учун уни қаттиқ ҳурмат қилардим. Бўлинмада тақрибан беш юз киши эдик. Шулардан тўрт юз элликка яқини мусулмонлар эди. Айблари коммунизмга бўйсунмаганлари эди.

Айнан мен шунақа юракли туркларни доим севиб ардоқлаганман. Нариги бетайин турклардан эса, нафратланардим...

Туғрул амаки билан ёнидаги каравотда ётадиган Йилдирим амаки каби намозларини ўқийдиган икки юзга яқин маҳбусга ҳавас билан қарардим.

Мен намоз ўқимасдим. Лекин, уч йил-у саккиз ой давомида ҳар томчи тушганида «Аллоҳ» деган қалбим бунга одатланиб қолганди. Тилим нима деса ҳам, қалбим ҳамيشа «Аллоҳ» дерди.

Ўзим ҳам шу ҳолимдан севинардим.

Биз ҳар куни тош синдиргани борардик. Йилдирим амаки ўтиниб ёлворди:

– Ёлвораман мени қайтиб олиб борманглар, жуда қаридим, ортиқ чидолмайман.

Лекин, унинг гапларига ким ҳам кулоқ солардики... Нариги бўлимда унга ўхшаб ёлворадиган минглаб қариялар бор эди.

Омина Шенликўгли
Коммунизм...!

Демак, сен келганингдан кейин иймон ва виждон эркинлиги бўларди-а! Халқ бахтли, инсоният тенг бўларди-а!

Сендан ўтадиган ёлғончи кўрмадим коммунизм! Биз инкилобчи бўлиб юрган кезларимиз Лениннинг изидан кетардик... Унинг ортидан Мао келарди. Лекин, Мао ўзини илоҳлигини мустаҳкамлаш учун ҳар лаҳза Лениннинг ўрнини эгаллашга ҳаракат қиларди. Фалсафий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, Мао Лениннинг ўрнини эгаллай олмасди. Бунинг имкони йўқ эди. Лекин, динсизликда, хоинликда, ваҳшийликда Ленинни ярим йўлда қолдириб кетганди.

Россияда коммунизм ҳукмрон бўлганидан кейин миллионлаб инсонларнинг ўлдирилганидан хабардор эдик. Энг камида ўн миллион инсоннинг ўлдирилгани аниқ эди. Хатто, бу рақамларни қирқ миллионгача чиқарганлар ҳам бор. Ярми бўрттирилган бўлса ҳам, ярми зулмни билиб олишимиз учун етарли бўлади. Лекин, Хитой Халқ Республикаси дейиладиган мамлакатда коммунизм ўлдиришдан кўра кўпроқ исканжага урғу берди. Энг камида юз миллион инсон зулмга учради. Баъзиларини ўлдирди, баъзиларини қийноқ остида беш йил, ўн йил, ўн беш йил ёки йигирма йил қамоқхоналарда қон қустирди. У ерда ўлган ўлди. Соғ қолганлар эса, ҳеч нарсага ярамади.

Кўп ўйладим. Шунча инсон нима учун ўлдирилмасдан чуқурларга отилди ва турли хил қийноқларга солинди? Модомики керакмас экан, нега бу одамлар билан вақтларини ўтказишарди?

Бу саволларнинг жавобини бир неча йиллардан кейин топдим.

Қийноққа солиб ўлдириш бошқарувининг иккита муҳим сабаби бор эди: Биринчиси, бу бошқарув қийноқлардан завқланарди. Иккинчиси эса, ишсизликнинг катта таҳлика эканлигини жуда яхши билган Мао, шу йўл орқали ўз тарафдорларига иш ўрни топганди. Бу фикрларим балки хатодир. Лекин, бошқача сабаб ҳам топа олмадим.

Фотих билан тез-тез дардлашардик. У шу даражага келиб қолгандики, қийноқлар билан хатто, соқчилар билан ўйнашарди.

Иккаламиз ҳам Аҳмаднинг бўлимида эдик. Аҳмад ҳар сафар бўлимга келганида ёнимга келиб эзилишим учун бизга қўллаган қийноқларини айтиб ўтирарди. Хафа бўлаётганимни биларди. Атайлаб шундай қиларди.

Фотих ҳам буни сезганди. У қийноқчиларнинг руҳиятини ўрганиб бўлганди. Бир куни менга шундай деди:

— Бунақаси кетмайди. Кел, сенга бир нарса ўргатаман. Сизларга қўллаган қийноқлари ҳақида гапираётганида, хафа бўлганингни уларга асло сездириб қўйма. Уларга суҳбатдан

Омина Шенликўгли

роҳатланаётганингни билдириб кўй. «Бошқа гапинг йўқми? Уни ҳам айтиб бер?» де.

Айнан айтганларини қилмоқчи бўлдим. Аҳмад яна бўлинмага келди. Маҳбусларга олазарак бўлиб қараганидан кейин ёнимга келди:

– Нима гаплар Каан? Кунлар қандай ўтяпти?

Кўзларига нафрат билан қарадим. Ичимда сўкинаётган эдим. Хаёлимга келган ҳамма сўкишларни айтиб чиқдим.

– Аҳволим, кўриб турганингдай... Сени ўлдирадиган кунимни ип билан тортиб ўзимга яқинлаштиряпман.

– Хаёл суравер. Хаёл суриш яхши. Сен олдинлари ҳам кўп хаёл сурардинг. Бир куни менга «Хаёлимда ҳамма фашистларни бир жойга тўплабман. Кейин вертолёт билан устларига бензин тўкиб, ҳаммасини ёқиб юборибман» дегандинг.

Яна ўша қичиқ гаплари билан кўзларимга қараб гапиришда давом этди:

– Каан, эсладингми? Фотиҳнинг айтганлари хаёлимга келиб қолди.

– Ҳа, уними, эсладим. Шу ерга ўтириб батафсил айтиб бероласанми? Ҳайрон бўлиб юзимга қаради. Мен гапиришда давом этавердим.

– Илтимос, айтиб бер. Эски ҳолимни эслаб роҳатлана бошладим.

Юзимга ғалати қилиб қараб кўйди.

Исканжа

— Сўкиниб ўрнидан туриб кетди. Мен сени эртақчингманми? Менга қайтиб эски кунлар ҳақида гапирмади. Лекин, бошқачароқ кийноқ турини кидираётганига иймоним комил эди. Бир куни яна келди. Айёрона шаклда сўради:

— Каан! Сен бир қизни яхши кўрардинг, «Яқинда оила курамиз» деган эдинг. Ўша ишлар нима бўлди? Режасини пайқаб қолиб, кичкинагина ёлғон гап айтдим:

— Уйландим. Мен гапимни тугатар тугатмас «яхши» деб кетиб қолди. Қани, нима қиларкин, деб шу ёлғонни айтгандим.

Яна очнаҳор, сувсиз, чарчаган ҳолда тош синдиргани кетяпмиз. Акам Тургут охирги кунларда тез-тез ёдимга тушадиган бўлиб қолди. Дунёда битта-ю битта армоним қолганди. Уни ҳеч бўлмаса бир мартагина кўриш ва:

— Қалайсан Тургут? Коммунизмдан мамнунмисан? Мақсадингга эришдингми?

Ўша лаҳзада унинг юзини кўришни хоҳлайман. Аллоҳим! Ўша кунни кўрсатмасдан жонимни олма!

Орадан беш йил ўтган бўлса ҳам Тургутни, ота-онамни, онамнинг «Каан! Қутқар мени болажоним» деганларини, мурғаккина чақалоқнинг боши мажағланганини ҳеч унутолмасдим...

Шунингдек, маҳкамага чиқиш, деган орзуим ҳам мутлақо қолмаганди. Зеро, маҳкама деган нарсанинг ўзи бўлмасди.

Энди биз бошқа тош конига кетаётгандик. Ўша ердаги улкан тоғни майдалаб чиқишимиз керак эди. Йўл бўйи атрофимиз электр сими билан ўралганди. Теварак атрофга қарадим. Атрофи сим билан қопланган кенг майдонда ари сандиғидан биров каттароқ сандиклар бор эди. Ёнимдаги соқчидан:

– Хўў анави сандикларда нима бор, деб сўрагандим, менга бир неча марта қамчи туширди.

– Сенга тегишли бўлмаган нарсалар хақида сўрама, демадимми сенга?!

Ўйланиб қолдим. Менга тегишли... Ҳа, менга тегишли! Бу дунёда менга тегишли нима бор эди? Улкан дунёда менга тегишли битта кўйлагим ҳам қолмаганди.

Ўша сандикларга жуда ҳам қизиқиб қолдим.

Эртаси куни яна ўша жойдан ўтиб кетаётганимизда бошқа соқчидан сўрадим. Бепарволик билан жавоб берди:

– Билмайман. Балки, ичида арилар бордир.

Бунақа жойда ари боқиб бўлмасди. Бу ер Аллоҳнинг дарахтсиз, гулсиз чўли эди. Устига устак бир дона ҳам ари кўринмасди. Қизиқишим борган сари ортиб борди.

Ҳа, айтганча шу вақт оралиғида оёқларимиз занжир билан тахминан юзта маҳбус бир-биримизга боғлаб кўйилгандик. Фақатгина тош синдирадиган пайтимиз кўл оёқларимиздаги занжирлар ечиб кўйиларди.

Бир соқчи уриб, бошқаси урмагани учун ҳайрон қолдим. Бу соқчи бошқача эди. Гўё бизга бакиришни хоҳламас, зўракига бакириб қўяётганга ўхшарди. Бу нарсалар шунчалик диққатимни тортдики, ўрганмасам портлаб кетардим. Иккинчи соқчининг исми Ли эди.

Бир марта ёнма-ён келиб қолганимизда, секин қулоғига яқинлашиб:

– Неча ёшдасиз, деб сўрадим.

– Нима қиласан ёшимни? Йўлингга қара. Йўкса ҳозир қамчи ейсан.

Унинг жаҳлини чиқариб, ундан қамчи ейишни хоҳлаётган эдим. Чунки, кеча бир маҳбусни қамчилаганди. Кечқурун ўша маҳбус «Қамчини оғритмайдиган қилиб урди. Менга эса «бакириб тур» деб қўйди», деди.

– Сен менга қамчи уролмайсан, дедим. Биринчи соқчи ҳам бу гапларимни эшитди. Бунақа гапиришимни биринчи соқчи эшитганини билиб қолгач, жуда ҳам қаттиқ ғазабланди:

– Сен ана энди кўрасан, деб қамчи билан саваларди. Лекин, оғритмасди. Қамчи билан уриш қоидасини ишлатмаётганди.

– Сен ҳақиқий инқилобчимассан, дедим. Юзимга ғалати қараб турдида олдимдан кетиб қолди.

Жазирама иссиқ ёндирарди. Соядаги ҳавонинг ҳарорати эллик даражада иссиқ эди.

Омина Шенликўгли

Тош конига келганимизда куёш хануз тепага чикмаганди. Бугунги кун эса, мен учун унутилмайдиган кунлардан биридир. Жазирама олдинги кунларга караганда яна ҳам иссикрок эди. Соат учга яқинлашиб қолганда фарёдлар аста кўпая бошлади:

– Ўляпман! Сув...!

Фарёдлар юракни ўртаб юборадиган инграшларга, тош кони эса, жон бозорига айланганди.

Ленинга тегишли деб ўйлаб юрадиган «Икки кадам орқага, бир кадам олдинга» фалсафасини эсладим. Мен ҳам ўз фалсафамни яратдим. Коммунизмда инсон гина ва нафратда икки кадам олдинга, инсонийлик ва марҳаматда икки кадам орқага.

Тўсатдан Туғрул амакига кўзим тушиб қолди. Қизиб ётган тошнинг устида қимирламай ётар, лаблари билан нималарнидир пичирларди.

Ёнига борганимда даҳшатли манзарага гувоҳ бўлдим. Кўзлари жазирамада эриб, ёноқларига оқаётганди. Лекин, Туғрул амаки бақирмасди. Фақатгина «Ла илаҳа иллаллоҳ», дерди.

Ўзимни йўқотиб кўйгандим. Нима қилишимни билолмасдим. Сўрасам барибир сув беришмасди. Даҳшатли аҳволга тушиб қолгандим. Умрим бино бўлиб, кўзнинг эриганини, қорачиқ билан оқ ёғни қон билан араллашиб, одамнинг ёноғидан оқаётганини

Исканжа

эшитмагандим. Лекин, ҳозир ўз кўзларим билан кўраётгандим.

– Туғрул амаки, деб чақирдим.

Мени эшитмаётганди. Юз ифодаларида азобланиш аломати ҳам йўқ эди. Қарасам, ўзларига ўзлари нималардир деб пичирлаяптилар:

– Мени зиёрат қилгани келганингиздан жуда ҳам мамнун бўлдим Эй Аллоҳнинг Расули! Мени кутинг эй Аллоҳнинг Расули! Мен ҳам сиз билан кетаман!

Шу охири гаплари бўлди ва ўлди!

– Этим жимирлаб кетди. Бошимни кўтаролмасдим. Қаттиқ таъсирлангандим... Жазирамани кўйинг, ушбу манзара менга қаттиқ таъсир қилганди.

Ажойиб мусулмон эди Туғрул амаки!

– Бу дунёдан ажойиб маросим билан видолашганди. Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам маънан унинг зиёратига келгандилар.

Бир марта шундай деганди:

«Ҳар қандай бутпараст тафаккур, аввало имомларни халққа ёмон қилиб кўрсатади. Бир имомнинг айбини минг имомга ўтаттиради. Лекин, Аллоҳ учун имомлик қилаётганлар, бу тарғиботга алданмайдилар ва йўлларида давом этадилар. Шунинг учун мен ҳам имом бўлганим учун бўйсунмадим. Олдинги режимни ҳам олқишламадим, ҳозиргисини ҳам. Ўлсам ҳам шарафим билан ўламан. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга

топширган омонатни у зотга хиёнат қилмасдан қайтараман!»

Туғрул амаки ажойиб имом эди. Шунча қийноқлар ичида ҳам амаллаб намозини ўқирди, қолдирмасди.

Бугун Туркистонда, унинг шаркида ва ғарбида мукаммал Исломга иймон келтирганлар бор бўлса, буларнинг ҳаммаси мана шундай довюрак иймонли мусулмонлар васийласи ила бўлган.

Иккинчи соқчидан илтимос қилдим:

– Уни ўзимиз кўмишимизга ва жаноза намози ўқишимизга рухсат берасизми?

Ғазаб билан юзимга қараб кўйди:

– Тезроқ бўлинглар. Энг қисқа дуоларни ўқинглар.

Ўша ғазабнинг ортида гўё юмшоқлик бордек эди. Буни ҳис қилардим. Бизга билдирмаслик учун кўлидан келганича ҳаракат қилса ҳам қалбим ҳақиқатни сезарди. Не демишлар? «Ақл адашади – қалб янглишмайди», демишлар.

Тезда бир жой топиб қазидик. Ўн киши жаноза намозини ўқиш учун тўпландик.

Коммунист режимнинг менга икки марта яхшилиги тегди. Биринчиси, Туғрул амакининг жаноза намозини ўқиб олишимизга рухсат бериши, иккинчиси эса, ҳаммом қилиб олишимга қаршилик қилмаслигидир.

Тўпландик... Намоз ўқимоқчимиз лекин таҳоратимиз йўқ.

Биттаси таяммум қилишни ўргатиб қўйди. Тупроқ билан таяммум қилдик. Ўшанда илк бора тушундим. Баъзилар «Таҳорат қилиш кир-чир араблар тозаланиши учун Муҳаммад томонидан ўйлаб топилган нарсадир» дейишарди. Унинг асл мақсадини энди тушунгандим. Икки кўлни тупроққа уриб сўнгра кўлларни ювгандек қилиб юзга суртиш, сўнгра кўлларга суртиш моддий тозалика умуман алоқаси бўлмаган маънавий поклик эди.

Ҳа, таҳоратни таяммум билан олгандик. Бирок, жаноза намози қандай ўқиларди? Мен буни ҳеч қачон ўрганмагандим. Ўрганиш учун вақт ҳам йўқ эди. Севикли Туғрул амакининг жаноза намозини мен ўқий олмадим, кузатиб турдим. Бугун дунёнинг ҳар тарафидаги миллионлаб ёшлар жаноза намози қандай ўқилишини билишмайди. Билишмайди. Чунки, Аллоҳ таоло уларга берган вазифани бажаришмайди. Бажарганлар эса, ҳаммага етиша олишмайди.

Мусулмонларнинг мусулмон бўлмаганларининг ҳолига вой бўлсин. Ўша куни илк бора нима учун намоз ўқимаганимни тушуниб етдим.

Эрталабга яқин Аҳмаднинг тепкисидан уйғониб кетдим.

– Турсангчи, сенга муҳим хабарим бор!

Ажабландим. Ишончим йўқолгани учун умуман ҳаяжоним ҳам қолмаганди.

– Нима бўлди? Қанақа хабар? Мени силкитди.

– Олдин ўзингга келиб ол, айтаман. Туриб каравотимга ўтирдим.

– Айт, ўзимга келдим. Кўзларимга қараб:

– Аслида бу хабарни сенга айтишни хоҳламасдим. Лекин, ёмон бўлсам ҳам мен сенга яхшилик қиляпман, биласан. Сени ойнага қаратиб, ҳаммом қилдириб кўйганимни унутмагандирсан?

Тишларимни гичирлатиб пичирладим:

– Ҳа, унутмадим. У жуда катта яхшилик. Энди нима гапинг бор?

– Биласанми, сенга яхшилик қилиш учун аёлингга хабар юбориб, сени бу ердалигингни, ҳаётдалигингни билдириб, сенга совға қилмоқчи эдим. Лекин...

Гўё хафа бўлаётгандек ролга киришиб давом этди:

– Ичимизга сизиб кирган фашистлар бориб сени уйингни босишибди.

Рол ўйнаш навбати менда эди. Жуда ҳам каттик хафа бўлаётгандай ўрнимдан сакраб туриб кетдим.

— Алдамаяпсанми? Кейин нима бўлибди?
Илтимос, ҳозир ўзимдан кетиб қоламан, тезроқ айт!

Чайналиб гапни чўзаётганди.

— Шошма, ҳозир айтаман. Инсон ёмон хабарни тезда айтолмайди.

«Пасткаш» дедим ичимда. «Сени ёмон хабарингни эшитиб, хафа бўладиган одам бормидики, айтолмайсан?» Ролимда давом этдим:

— Илтимос, тезроқ айт, юрагим беҳузур бўлиб кетяпти! Яна кўзларимга ўша пасткаш кўзлари билан каради.

— Биласанми Каан... Гапини бўлиб сўради:

— Ростан ҳам фарзандинг бормиди? Ким билади дейсиз хаёлидан қандай шайтонлик ўтаётганини?

— Бор. Мен келаётганимда қизим бир ёшда эди. Хотиним эса, ҳомиладор эди, дедим.

Бирданига тиришишни бошлади. Демак, болаларимни сўраши режаларига тескари келиб қолди. Сал қолса, ёлғони билиниб қоларди.

— Ҳа биламан, биламан, унутганим учун сўраяпман.

— Сен нима демокчийдинг, айт.

— Айтмоқчийдимки, ичимизга сизиб кирган фашистлар уйингни босишиб, аёлингга тажовуз қилишибди.

Кўлларим билан юзимни беркитиб, хафа бўлаётган одамдай айтдим:

— Кошки, бу гапларни эшитишдан олдин ўлиб кетсайдим. Менинг аҳволим ёмон бўлиб кетяпти!

Ётоқ ўрнимга узандим. Мени хафа бўлаётганимни кўриб туриши учун атайин тош конига ҳам юбормади. Мен ҳам бир кун мазза қилиб дам олдим. Уйдурма аёлим шарофати билан коммунизмдан бир кунни ўғирлагандим.

Аҳмад ҳам орасирада бир келиб, мени йўклаб кетарди. Йиғлаганимни кўришни хоҳларди. Мен эса, шокка тушиб қолган одамнинг ролини ўйнардим.

— Пасткаш, итвачча...!

Унга бўлган нафратим ҳали ҳам тугамади. Бутун тортган қийноқларим бир тарафга, уни берган қийноқлари бир тарафга эди. Аҳмад менга янгича қийноқ услуби топганидан кейин бошқача қийноқлар қидирмади. Бошқалар эса қийноқларида давом этар, бизни кунда фақатгина уч соатгина ухлатишарди.

Эртаси куни яна ўша жойга йўл олдик. Сандиклар турган даланинг рўпарасига келганимизда яна уларга қарадим. Йўлимиздаги энг яқин сандиклар биздан юз метрча узокроқда эди. Сандикларда нима борлигини билсам, ичимдаги нарса босиларди.

Эски қийноқлар билан тошларни майдаладик... Ўша куни ўн киши ўлди. Уларни ҳам ўша жойда қазилган чуқурга кўмдик. Жаноза намозини ўқитишмади. Лекин, Йилдирим амаки уч-беш кишини тайёрлаб кўйган экан. Жаноза ишлари билан машғул бўлиб турганларида ўқиб олишибди.

«Шундай намоз ўқиса ҳам бўладими?» дедим. Йилдирим амаки кўзлари ёшга тўлган ҳолда жавоб бердилар:

– Аллоҳ хоҳласа бўлади. Кунларимиз шундай ўтарди. Аҳмад яна олдимга келди.

– Сенга бир гап айттайинми?

– Айт!

– Биласанми, доим сенга ёмон хабар олиб келганимдан афсусдаман. Аёлинг тажовуздан кейин ҳомиладор бўлиб қолибди.

– Шунақами? Сен бу хабарни қаердан олдинг? Тутилиб-тутилиб жавоб берди:

– Бизни билмайсанми? Бир соат ичида бутун дунёдан хабардор бўламиз.

Ичимда унинг юзига тупуриб юбордим. Бу нақадар даҳшатли рухий зарба!

Ҳа, унутмадим... Бошқа коммунизмлар Хитой коммунизмидаги каби худди шундай қиладилар. Пастдагилар пастдагиларга қийноқларни онгли равишда кўллайдилар. Менимча бу онг мусулмонларда деярли йўқ. Бирор воқеъа юз бериб қолса, инқилобчи қандай ҳаракат қилишини ва қандай муносабатда бўлишини билади. Ислом оламида бу нарса ундай эмас. Бориб бирортасидан сўрайдилар, нима қилиш кераклигини ўйлаб кўрадилар, фикрлар олинади. Кейин ўша шахс ҳам юқоридаги масала ҳақида фикр берадиган шахсга айланиб қолади...

Омина Шенликўгли

Ваҳоланки, коммунист ҳарбийларда бу нарса йўқ. Ўзларига юклатилган вазифани бажарадилар. Аҳмад миллионлаб ўшандайлар орасидан бири эди.

Аҳмаднинг сурбетлиги бир неча ойгача давом этди. Унинг сурбет режаларида хотинимга тажовуз қилинди, хотиним ҳомиладор бўлиб қолди, боласини туғди, яна тажовузга учради... Кейин хотиним ҳаёт хотини бўлди...! У менга ҳар доим бир хабар олиб келди. Демак, хотиним бўлганида шу кўйга тушарди.

Яна Найт дегани ҳам бор эди. У ҳам хитойлик ва ҳақиқий сурбет эди. У бошқача қийноқ берарди. Лекин, биронтасининг исканжаси Аҳмадникидан азоблироқ туюлмасди.

Бу вақт оралиғида онам билан опамни ўйладим... Уларнинг ҳаёт эканликларини ҳис қилардим. Ажабо, бир кун... бир кунгина учраша олармиканман?! Мана шуни ҳар лаҳза ўйладим.

Эй дунё! Бир пайтлари инсониятнинг ягона ҳаласкори мана шу дея жонимни тиккан коммунизм, мени отамдан, онамдан, ёримдан, туғишганларимдан айиришини ким ўйлабди дейсиз? Бунинг имкони бормиди?

Оҳ ёшлигим, оҳ орзуларим! Имконингиз бўлсаю, сизга аҳволимизни кўрсатсам. Тош конидан қайтишга чоғланаётгандик. Ҳаво қорайиб қолганди.

Оёқларга кишан солиш бошланди. Қамокхона билан тош конининг орасида тахминан бир соатлик йўл бор. Хаёлимга бир фикр келиб қолди.

Исканжа

Тошларнинг орқасига беркиниб олиб, бу кеча сандиклар ичида нима борлигини билишни ўйлаб кўйгандим.

Ҳамма маҳкумлар кетди. Кўздан анча йироқ кетганларидан кейин ташқарига чиқдим. Шаҳдам қадамлар билан юришни бошладим. Ҳаво қорайган бироқ кундузга ҳожат қолдирмайдиган даражада ой нури бор эди.

Шундай имконият борлигида бу одам нима учун қочмади, деб ҳайрон қолишингиз мумкин. Тезда ўзим айтиб ўтай. Бу ер улкан шаҳар майдонига ўхшаш кенглик бўлиб ҳар тарафи баланд электр токи уланган сим девор билан ўралганди. Ҳар эллик метрда битта аскар турарди. Буни билардик. Қочишга урунган ўша ондаёқ ўлдириларди. Лекин, бу йўлда кўлга тушиб қолинса, унчалик қўрқинчли жойи йўқ эди. «Ухлаб қолибман. Мени занжирга боғлаб олишни унутишибди. Мен ўзим, шунчаки кетяпман», дердим. Шунинг учун қочишни умуман ўйламадим.

Яшаш умиди ўлиш эҳтимолидан кўпроқ бўлган киши ўша ишни қилиши керак.

Сандикли ерга келдим. Симлар остидан ўтса бўладиган жой йўқ. Сим тўқималарининг пастидан тупроқни қавлашни бошладим. Баданим электр токига тегмайдиган даражада ер қавладим ва ўтиб олдим.

Сандикларга яқинлашганим сари улардан бадбўй ҳид кела бошлади. Йигирма беш, ўттиз қадам

қолганида шунақанги даҳшатли манзарага кўзим тушдики, сал қолса юрагим уришдан тўхтаб қорларди!

Яқинлашдим... Ўн кадамча қолганида кулоғимга ғалати овозлар кела бошлади. Бунақа овозлар деярли сандиқларнинг ярмидан келаётганди. Бу ниманинг овозилигини умуман билолмаётгандим.

Биринчи сандиқнинг олдига келганимда даҳшатдан музлаб қолдим. Шунча қийноқда йўқолмаган ақлим сал қолса йўқолиб қолай деди. Титраб кетдим. Баланд овозда:

– Ай... деганимни эслайман.

Кейин чўккалаб қолдим. Бошим айланиб, ерга кулаб тушдим. Тахминан бир соатга яқин телба бўлиб қолдим. У ерни унчалик ҳам яхши эслолмайман.

Кўрганимга ишонгим келмасди. Бир инсон икки буклаб бу сандиққа тиқилиб, устидан кулфлаб қўйилганди. Сандиқнинг устига эса, плюс шаклида икки темир қалай билан ёпиштириб қўйилганди. Ичидаги инсоннинг эса одамлигидан асар ҳам қолмаганди.

Аллоҳим.... Аллоҳим... Аллоҳим, бу нима!

Шунча исқанжа ва қийноққа чидаган ақлим, демак, шу ерга келганда чидай олмади.

Ўнг тарафи очик сандиқдаги одам инграётганди.

Гапирган эдим мени эшитмади. Иккинчи сандиқ олдига бордим. У ердаги одам ўлиб бўлганди. Хатто,

Исканжа

чириб кетганди... Телбалардек ҳамма сандикларни кўриб чикдим...

Бу сандикдаги ўлган... Бундаги ҳам ўлган... Бунисидаги жон талвасасида... Саноғини билмайдиган даражада кўп сандикларни кўриб чикдим.

Ниҳоят, битта соғини топдим. У билан юзма-юз бўлдик. У кўзларнинг ҳорғинлигини, таралаётган маъноларни ҳеч қачон унутолмайман... Сўз билан тушунтириб беролмайман. Менга кўркүв билан қараб турарди...

– Мен ҳам маҳкумман, мендан кўркманг, дедим. Кўзим кўриб турган даҳшатли манзара сабабли бир оғиз ҳам гап айтолмай анчагача туриб қолдим. Кейин бу тушмасмикин деб ўйлаб қолдим... Буни узок ўйладим.

Бу одамнинг кўзига тушаётган ой нуридан билгандимки, бу одам аниқ Хитой қийноғининг қурбони эди. Йиғлаган ҳолимда сўрадим:

– Қачондан бери бу ердасиз? Туркмисиз ё хитойликмисиз? Паст овозда зўрға жавоб берди:

– Мен яқинда келдим. Хитойликман. Бир йўлини топиб, мени бу азоблардан қутқар болам. Илтимос. Чидолмайман. Менга бир яхшилик қил, бўғзимдан бўғиб мени ўлдир.

– Бундай қилолмайман! Буни асло қилмайман! Йиғлай бошлади:

– Чидолмаяпман. Менга раҳминг келсин! Бир неча кундан бери шу сандикнинг ичидаман. Биринкетин ҳамма ўляпти, лекин мен ханузгача ўлмаяпман.

– Сизни бу ердан кутқараман. Бироз вақт ўтсин. Балки, навбатчилар мени кўриб қолишар.

Сандикнинг олдига чўзилдим.

– Энди гаплашайлик, айбингиз нима эди?

– Мен ватанпарвар ўқитувчи эдим. Кейин инқилобчи бўлдим. Коммунизм келганидан кейин мени ўқитувчиликдан олиб, қоровул қилишди. Нима эмиш, мен кейинчалик инқилобчи бўлибман, аслим аниқмиш.

Шу нарса яхшигина жаҳлимни чиқариб юборди. Халқнинг олдига чиқиб «Коммунизм катта ёлғончи. Худди фашизм каби. Бошқа қийноққа соладиган тизмлар каби. Инсоннинг қадрини ер билан битта қилдилар», дедим.

Сухбатдошим қийналиб ҳолсиз гапирарди:

– Мени гўё халқ суд қилиши керак эди... Олиб боришди. Икки йилдан бери ҳужрадаман. Кейин бу ерга олиб келишди... Бу ерда одам энг узоғи билан ўн беш кун яшайдикан, холос. Бу ернинг номи ўлим водийси экан... Булар то ўлгунингча сув ҳам, нон ҳам беришмайди. Ёлвораман мени кутқар... Чидолмайман. Бошим эрий бошлади.

Уни эшитган сари зир-зир титрардим. Бу режим ва бошқа исканжа қиладиган режимлар қонхўр бўлишганида ўлдирадиган одамини ўлдириб,

ишларини битиришмасмиди? Улар ўлимини нега бунчалик чўзиб юборишарди? Фақатгина қонхўр руҳиятларини тўйдириш учун, ваҳшийликка тўймаганлари учун...!

Бу одамни қутқаришга ҳаракат қилдим. Сандиқни синдирмоқчи бўлдим лекин синдирилмадим... Эшикчасига осилган кулфни дарров синдирдим. Уни сандиқдан чиқардим, лекин у юролмасди. Бир соатча у билан машғул бўлдим. Ниҳоят жон ҳолатда юра бошлади. Ўзим ўтган симтўсиқ остидаги йўлдан уни ўтказдим. Кейин чиқиш йўлини таърифлаб бердим:

– Тез кетинг, сим тўсиқ келгунича тўғри пастга қараб кетаверасиз. Ўша жойдан бир ер топиб чиқиб оласиз. Лекин эҳтиёт бўлинг, сим тўсиққа электр токи уланган.

Агар кўлга тушиб қолмаса, қочишни уддалайди деб ўйладим. Кўлга тушса, шундоқ ҳам ўлдирилади. Нариги дунёдаги жойини билмайман лекин, бу дунёдаги жойидан қутулиши аниқ эди.

Сандиқларни кеса олмайдиган ҳолга келиб қолдим. Уларнинг кўпи ўлик жасадлар билан тўла эди. Кўрқа-кўрқа эмаклаб ўтган жойимдан чиқиб олдим. Қамокхонага қайтаётиб йўлда хушимдан кетибман.

Ўзимга келганимда оёқларимдан осилган эдим. Тинимсиз қамчиланар, бутун уруғ-аймоғим шаъни ер билан битта қилинарди.

Омина Шенликўгли

Мен бу камчилардан кўра сандиқлар водийсида ўз кўзим билан кўрган манзарадан кўпроқ таъсирлангандим. Қамчиларни сезмаётгандим ҳам. Сандиқдан чиққан даҳшатли кўзлар... Ва асло очилмаган кўзлар... Инсонларнинг чириб кетган жасадлари...!

Кўрганларимни ҳеч кимга айтолмасдим... Фақатгина «Менга кулоқ солинглар» деб бақирдим. «Мени эшитинглаар!»

Аҳмад олдимга келди. Сақич чайнаган холида сўради:

– Каан, нимадир бўлдими?

Ақлдан озиб бўлгандим. Тилимга келган ҳамма нарсани айтдим кейин яна давом этдим.

Вой итдан тарқаган-ей...! Вой ифлос-ей! Вой харомзода-ей! Мен сендан буларнинг ҳисобини сўрамасамми ҳали, сен менга хоҳлаган нарсангни айтавер!

Осилган холимда унга қарардим. Сақич чайнаган эркак жуда ҳам хунук кўринаркан. Камига тақ-тақ қилиб кўярди. Бир неча йиллар давомида ўша сақич чайнашини кўзларимнинг олдидан кетказа олмадим. Ўша жирканч овози кулоқларимдан ҳеч чиқиб кетмади.

Асабларим шунчалик бузилгандики, ортик чидолмасдим. Биринчи марта ожизлигимдан йиғладим:

— Аҳмад мендан нима хоҳлайсан? Ҳар қандай қийноққа розиман лекин сени кўришга ортик чидолмайман. Чидолмайман, сени кўришга асло чидолмайман!

— Хўп яхши, қаерда эдинг?

— Ухлаб қолибман. Кишанлайдиганлар мени кўрмай қолишибди. Нима қилай? Ярим кечаси шу тарафга қараб келаётган эдим, йўлда хушимдан кетибман. Мендан нима хоҳлайсан фоҳишанинг кули?!

— Аямай қамчи тушура бошлади, лекин мен асло сезмадим. Кеча тунда кўрганларимдан таъсирланиб йиғлардим. Лекин, тушаётган қамчининг азобини ўшанга баҳона қилаётгандим.

— Мени бир неча соат савалашди. Оёқ кўлларим, юзим шишиб кетганди...

Мен бу қийноқларнинг азобини унутиб улгурмасимдан олдимга яна Аҳмад келди. Уни кўргач, сапчиб ўрнимдан туриб кетдим.

— Аллоҳ балоингни берсин, ит! Сен яна келдингми?

Бирданига устига отилиб бор кучим билан уни ерга ётқизиб олдим. Устига ўтириб олиб кетма-кет муштларимни тушура бошладим.

— Мана сенга ориятини сотган ит! Мана сенга сотилган номуссиз!

Аслида, буларга кўпак деганимдан афсусланиб кетардим. Биронта кўпак буларчалик тубанлик

Омина Шенликўгли
қилмайди. Чунки, тубанлик қиладиган итнинг ўзи
йўқ. Лекин, аламимни ололмаганим учун уларни
кўппак дейишга одатланиб қолибман шекилли.

Уни кўлимдан зўрға кутқариб олишди.

Бироз ҳовурим босилганди. Бунинг бадалини
жуда қийналиб ўтасам ҳам урганимдан
афсусланмадим.

Ўрнидан турди. Маҳбусларга қаради. Ғазабнок
оҳангда гапира кетди:

– Биз Каан билан курашишни келишиб
олгандик. Бирдан мен билан олишиб кетди холос.
Йўқса, бунга жасорати етмасди. Ғурури
топталмаслиги учун шу ёлғонни тўқиганди. Ёнимга
келиб секингина қулоғимга пичирлади.

– Бунинг бадалини албатта ўтайсан. Шунинг
учун ҳозирча мазза қилиб ол. Юзига қараб тупуриб
юбордим... Бироқ, у яна сақичини чайнаганча менга
тикилиб қараб:

– Бечора. Сенга нималар қилишимни
билганингда эди, асло бундай қилмаган бўлардинг.

Қилмишимнинг бадали оғир бўлишини
билардим.

Мен ҳамма нарсага рози эдим. Чунки, уни
хуморимдан чиққунича ургандим. Қолгани билан
ишим йўқ эди.

Бир ҳафта тош конига боролмадим. Мени
ҳужрага ташлашди, у ерда мириқиб дам олдим.

Исканжа

Бир ҳафтадан кейин яна тош конига олиб боришди.

Ўша жойда иккинчи соқчи Лани ёлғиз учратиб қолдим.

– Мен сизда ўзгача нарса борлигини сезяпман. Сиз кимсиз, илтимос айтинг, деб ундан ўтиниб сўрадим.

Атрофга бир қараб олиб, паст овозда жавоб берди:

– Кел, сенга айтиб берай... Ўзим ҳам ёрилиб кетай деяпман.

Маҳкумлардан анча узокроққа кетдик. Мени қамчиларди, мен ҳам ёлғондан бақириб кўярдим. У гапира бошлади:

– Мен... Мен профессорман... Коммунизм келганидан кейин кўрқинчли сиёсати ҳақида бир неча оғиз гап айтдим... Мени бу ерга хизматчи қилиб таъйинлашди. Профессорлигимни ҳам кўлимдан олишди. Бу ерларга умуман чидолмаяпман. Коммунизмнинг чангалига тушдим. Баъзилар катта майдонларда хоҳлаган гапларини айтишиб, бу режимнинг кўлига тушмаслик учун ичкилик ичишарди. Мен профессор эдим, улар эса оддий халқ. Лекин, улар коммунизмнинг нималигини мендан олдинроқ тушуниб етишган экан. Коммунизм зулмни қонунийлаштирмади... Уни таъқиқлар орасига қўймади. Лекин, зулмнинг қонунларини

Омина Шенликўгли
инсонларнинг онгига сингдириб юборишди. Бутун
дунё тушунмаётган нуқта ҳам аслида мана шу...!

Тўрт орзу

Коммунизм илдиз отган ўлкаларнинг наздида
дин афюндир. Инсон ҳуқуқларига эҳтиром
кўрсатадиган ислом дини ҳам яҳудийлик, буддизм
каби динлар билан бир қаторга қўйилади.

Ботил динлардаги барча уйдурмаларни ислом
диниға ҳам қиёслашади ва коммунизмнинг нигоҳида
хамма динлар бир хилдир.

«Голилейни сўроқ қилган черков эди»,
дейишмайди. «Дин эди», дейишади. Шундай қилиб,
католик текширув маҳкамасининг қилмишларини
барча динларға тиркашади.

Ўзим кўрган воқеаларни бир неча йиллар
давомида таҳлил қилишға ҳаракат қилдим.

Маҳкум қилинган юзлаб доктор,
профессорларни кўрдим. Улар билан бирға қийноққа
олингандим. Уларнинг кўпи албатта мусулмонлар
эди.

Мени ҳайратға солган нарса уларнинг орасида
инқилобға кўплаб хизматлари синган инқилобчилар
бор эди. Бир неча йиллар ўтганидан кейин «Ҳаққа
ношукрлик қилганға қул чидолмас»лигини билиб
олдим.

Коммунизм Аллоҳга нисбатан нонкўрлик киларди. Шунинг учун унга ўз тарафдорлари ҳам дош беролмасди. Улар ҳам кўркув ичида яшашарди.

Сокчи Ли фурсат бўлиши билан менга айтиб берарди:

– Миллатсеварликда ҳам ҳаддимдан ошиб кетардим... Ўз иркимдан бўлмагани одам ўрнига қўймасдим. Кейин коммунизмни суруштирдим. Нотўғри йўлдалигимни билиб қолдим. «Коммунизм инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган режим», дедим. Кечаю кундуз ишладим. Хатто, бир сафар ишга шунчалик шўнғиб кетганимдан хотиним туғиш арафасида эканини ҳам унутиб қўйибман. Ҳар доим йиғилишимиз бор эди. Мен зиёли профессор сифатида ўқувчиларимга зиё улашардим. Коммунизм келмасидан олдин мени олқишлаганлар, энди менга зулм қилишарди. «Миллатсевар профессор инкилобчи бўлибди» деб ҳамма жойда гапиришарди. Лекин, натижани ўзинг кўриб турибсан.

У ҳам коммунизмнинг жимжимадор ваъдаларига алданганди. Жуда қаттиқ пушаймонда эди. Коммунизм сабабли пушаймонликлари асло фойда бермасди. Туйғуларга умуман аҳамият бермайдиган, заррача ҳурриятни қадрламайдиган, лекин ҳар доим ҳуррият ҳақида гапирадиган коммунизм, мусулмонлар билмайдиган шаклда ҳануз яшамоқда... Мен мана шу сабабни топдим.

Баъзан хаёлимга севгилим Айбалам келади. У
ҳозир қаерда экан? Унга бир шеър ёзсаму юборсам.

Келди қаро бир қуюн

Сендан юлиб олди мени

Олиб кетди мавҳумликка сени

Бир билсайдинг қандай соғинганимни

дея олсайдим. Хаёлларимда ҳар доим у билан
гаплашардим.

Лекин, ҳеч ким хаёлимни Тургутчалик банд
қилолмаган.

Оҳ! Уни бир марта ўз кўзларим билан
кўрсайдим. Шу дунёда уни кўзларим билан кўришни
хоҳлайман. Демак, охиратда ҳам уни кўришни
хоҳлайман.

Оҳ...! Нима қилсам экан? Агар уни бу дунёда
кўролмасам охиратда бўлса ҳам кўришга розиман.

Тургут ичимни ёқиб кул қилмоқда. Бу ёнғин
вулқонларникига ўхшамайдиган умуман бошқача
ёнғиндир.

Отамни ўлдиртирди! Онамни ва опамни бошқа
ўлкаларга сургун қилдирди. Оиламиз чироғини
ўчирди! Оҳ Тургут, шуларни қандай қила олганингни
била олсайдим. Сендан бир бора сўрай олсайдим:

– Энди қалайсан Тургут? Теримни ўзинг
шилмадинг, лекин бошқасига буйруқ бердинг.
Хурсандмисан Тургут?

Оҳ, шуни бир сўрай олсайдим.

Хонада ҳамма ўликларга ўхшаб ердаги жойларида ётишарди. Яна баъзилар ўлди. Тонг отганидан кейин ўликларни ўринларидан олиб, уларни катта машинага юклардик. Худди, ўтин юклагандек... Кейин бу жасадларни олиб кетишарди.

Кейин бу жасадлардан бизга совун тайёрлашар экан. Эй Аллоҳим! Бу ваҳшийларни жаҳаннам кўрикчиларига қандай қилиб ўхшатиш мумкин?

У кўрикчилар фаришта ва улар айбдорларгагина жазо берадилар. Айби бўлмаган биронта одамни жазоламайдилар. Адолатнинг ҳиди ҳам бўлмаган бу пасткашларни жаҳаннам кўрикчиларига нега ўхшатилишини асло тушуна олмадим.

Баъзи саҳналарнинг маъносини энди тушуниб етяпман. Соқчилар тош конида ўлганларни кўмишга рухсат беришмасди. Биз уларни камоқхонагача таширдик. Биз ҳам, бизга жазо бўлиши учун шундай қилдиришмоқда дердик. Уларни бизга ташитишларига сабаб фақатгина жазолаш эмас, улардан совун тайёрлашар экан.

Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Туғрул амакининг жасадини совун қилишларидан саклаб қолгандик.

Аҳмадни ўйлардим. У менга қанақа жазо бераркин? «Сендан интиқомимни оламан» деганди. Интиқомини қандай оларкин?

Омина Шенликўгли

Мени олдин икки ой хужрага кўйдирди. Бу хужра белимгача сувга тўла эди. У ерда тўлик икки ой қолдим.

Инсоннинг қанчалар бардошли мавжудот эканлигини Хитой исканжасида билгандим. Аслида бу исканжанинг ҳақиқий номи «Хитой исканжаси» эмас... «Динсизлик исканжаси»дир. Номининг Хитой исканжаси эканлигидан бошқа динсизлар бунақа исканжа қилишмайди, деган маъно чикмайди.

Вақти-вақти билан мени белимгача сув тўла хужрадан сувсиз қуруқ хужрага олишарди. Ўшанда хужра кўзларимга саройдек кўриниб кетарди.

Бу кийнок ҳам тугади.

Кейин Фаластин оскичига ошишди. Бу оскичнинг номи нега Фаластин оскичи?

Ривоят қилинишича, фаластинликлар яхудийларни шу оскичга ошишган экан. Ёлғончилар. Ваҳоланки, тескариси бўлган. Яхудийлар фаластинликларни ошишган. Исроил яхудийсининг кийнокчиси исканжага соларди. Лекин, қайси мусулмон мана шундай исканжа қилади? Қилган бўлса ҳам, у Исломга зид ишни қилган бўлади ва бу ҳаракати Исломга боғланмайди. Ҳар қанча исканжа қилган бўлса ҳам, ўша инсон инқилобчи ёки унинг тамсилчиси бўлиши мумкин.

Биламан, баъзи инқилобчилар мени сўкишиб, буларнинг тескарисини айтишади. Улардан шуларни сўрамоқчиман. Қайси бирингиз коммунизмни

менчалик яқиндан кўрдингиз? Қайси бирингизнинг жони у ерда кийналди? Қайси бирингиз менчалик азобланганингизни, коммунизмни мендан яхшироқ билишингизни айта оласиз? Эй ёшлар, сизлар айтаётган гаплар борку... Мен уларга шунчаки кулиб кўя қоламан холос. Шундай эмасми?

Бу Фаластин оскичи дейилган нарсанинг номини менимча яҳудийлар кўйишган бўлса керак. Бу мослама менга бошқа кийноқлар олдида ором берувчи нарсадек туюлди.

Фаластин оскичи номини кўйганлардан сўрамоқчиман. Анави кийноқ чуқурларининг номи нима? Ичига инсон тикилган сандиқларнинг, сув тўлдирилган хужраларнинг...? Инсоннинг терисини шилиб тарайдиган тароқлар... Буларга «Хитой тароғи», «Хитой чуқури» дея олмайсиз. Буларнинг ҳаммаси совет Россиясида ҳам бўлган.

У ҳолда буларнинг номи коммунист кийноқ мосламаларими? Йўқ. Буларнинг барчасининг номи «динсизлик кийноғидир». Зотан, коммунизм ҳам динсизликнинг бир туридир. Биронта кийноқ Аллоҳ юборган динлардан пайдо бўлмаган. Зеро, Аллоҳ таоло юборган барча ҳақ динларида исканжа ва кийноқни ҳаром қилган. Қаршисидаги ким бўлса ҳам ҳаром... Шунинг учун ислом динини жуда ҳам яхши кўраман. Энг катта душманига ҳам исканжа қилишни ман қилган.

Омина Шенликўгли

Ахмад мен осилиб турганимда ҳам ёнимга келди. Оёғим осмондан қилиб осилгандим. Оёқларим яхшигина керилиб иккита алоҳида темирга боғланганди.

Ўша жойда суякларим синмаганлиги учун онамга қарздор эканлигимни ҳис қилдим. Мени икки ярим йил эмизгандилар. Шунинг учун суякларим кучли экан.

Оҳ, менинг бечора онажоним! Сизни бир бора кўра олсайдим, сизни бир бора ҳидлай олсайдим ва сизга қараб:

– Сутингиз мени динсиз бўлишдан қутқара олмади. Лекин, суякларимни синишидан қутқариб қолди. Менга шунча вақт сут берганингиз учун сиздан миннатдорман онажон, дегим келди.

Ахмад яна ўша саволини сўради:

– Қалейсан Каан?

Хаёлимга келган минг хил ҳақоратлардан кейин илова қилдим:

– Бу ҳаётда учта орзуим бор эди. Энди тўртда бўлди. Буларнинг энг биринчиси Тургутни кўриш эди. Лекин, сен Тургутдан ўтиб кетдинг. Энди энг катта орзуим сени ўлдириш!

Қаҳқаҳа отиб кулди:

Шунча пайт тортган азобларим бир тараф, Ахмаднинг «Қалайсан Каан?» деб сўраши бир тараф эди. Балки, бунга ишонмасиз, лекин шундай эди.

Фаластин оскичи дейилган нарсага маълум вақтларда тўлиқ бир йил осилдим. Аҳмад мени умумий ҳисобда икки йил қийноққа солганди. Шундай қилиб ҳанузгача номини ва қаердалигини ўзим билмаган қамоқхонада олти йилимни ўтказдим.

Бир куни Аҳмад яна итларига буйруқ бериб, кўлларимни қайиртириб қудуқнинг бошига олиб борди. Аҳмаднинг оғзида сақич бор эди. Кўлида таёқ билан буйруқ берарди. Шундай қилиб қалин темирлар устидан юриб, қудуқнинг ўртасига келдим.

Ярим кечаси бўлиб қолганди. Аҳмад соқчи Ли билан қудуқнинг бошига келди. Уни олдимда кўришим биланоқ чеккага тордим ва ўша заҳотиёқ қудуққа ташлаб юбордим.

Пастда типирчилаб «Ли кутқар мени, Ли...» деб бақирарди. Уни мазза қилиб томоша қилардим. Жуда ҳам яйраётгандим. У типирчилагани сари завқланганимдан еттинчи осмонда учардим.

Тепадан пастга қараб бақирдим:

– Қалейсан Аҳмад? Кечирасан Лоҳ? Яхши бўлсанг керак. Қудуқ сичқонлари роса очикқан бўлса керак. Гўштинг уларга ёқиб тушади, кўппак!

Кўп ўтмай Аҳмад ўлди. Лига қарадим. Кулимсираганича жавоб берди:

– Мен ҳеч нарса кўрмадим. Сен нимадир қилдингми? Хонамга келиб жойимга ётиб мазза қилиб ухладим.

Менга кўп азоб беришганди! Ҳали ҳам унга бўлган ғазабим тугагани йўқ. Нима қилсам ҳам уни ўзимдан чиқариб юбора олмадим.

Биринчи қилган ишим бўлиб ўтган воқеъани Фотиҳга айтиб бериш бўлди. Фотиҳ севинганидан ўйинга туша бошлади. Аҳмаднинг йўқлигини икки кунгача ҳеч ким билмади. Қудукда кўришадиган бўлсалар ҳам таний олишмасди. Бу ерга маҳкумлардан биронтаси тушиб кетган бўлса керак, деб ўйлашарди.

Бир марта бўлимга келишиб сўрашди. Мени кўркув босди. Ли мени сотиб қўйган бўлиши мумкинми? Мени алдаган бўлиши мумкинми?

Кўркувим кун сайин ортиб борди. Ниҳоят ўзимга ўзим тасалли бердим:

– Хавотир олма Каан. У кўппакни ўлдирганинг учун ўлсанг ҳам арзийди.

Оҳ... хотиржам бўлдим.

Ҳамма жойдан кидиришди, лекин Аҳмадни топишолмади. Хотиржам бўлганим билан сал кўркувим бор эди. Бу кўркувимни Лига айтдиб бердим. Менга тасалли берди:

– Кўркма, ўлсам ҳам айтмайман.

Ҳақиқатдан ҳеч кимга айтмади. «Хитойликларнинг ҳам номуслиси бор экан» деб қўйдим. Албатта бор эди. Лекин мен бир пайтлари хитойликларнинг номуслилари борлигига бўлган ишончимни йўқотгандим.

Фотих фурсат бўлиши билан мени кучоклаб «Ака кўлингизни беринг бир ўпиб кўяй», дерди. У ҳам соқчи Танкани кўз остига олиб кўйганди. Танка Фотихнинг асабига тегарди. Бир куни олдимга келиб иккала кўлимни ўпа бошлади:

– Ака ўнг кўлингизни Аҳмад учун ўпдим. Келинг, чап кўлингизни Танка учун ўпайин, уни ҳам ишини битиринг, дедим.

Кулишдик.

Қойил... бир неча йил ўтганидан кейин мана шундай нашъаланиб кулаётгандим.

Бу ерда яна олти йил қолиб кетдим. Минг кишилик бўлинмада юз киши қолгандик. Қолганлар кийноққа чидолмай ўлиб кетишганди. Бу рақам фақатгина бизнинг катта бўлинмада ўлганларга тегишли эди. Бошқа бўлинмада ўлганларни ҳам кўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бу минглаб инсонларнинг совун қилинганини билдиради.

Халққа ҳаловат олиб келадиган ҳой бу коммунизм! Афсуски, халқдан совун қилишаркан, холос.

Шу вақт оралиғида уч марта ғалати равишда суд қилиндим, бори шу. Суд қилишса ҳам, барибир ҳеч нарса ўзгармасди.

Чунки, сиз ҳақингиздаги айбнома ҳам далил, ҳам хулоса эди.

Омина Шенликўгли

Динсиз тузилган ҳуқуқ ва суд қарорларининг хулосаси шу эди. Айбланиш дегани айна пайтда суд ҳам тугади дегани эди.

Халқ судлари эмиш... Кулгимни қистатманг мени...

Оловдан туғилган олов

Қамоқхонага 1953 йилда киргандим. 1969 йилга келиб шунча қийноқларга қарамай ҳали ҳам тирик эдим.

Мени ва бир неча маҳкумларни бу кўрқинчли қамоқхонадан олиб Ўримчи биринчи қамоқхонасига юборди.

Ҳар ҳолда энди қийноқ кўрмасдим. У ерга боргандан кейин жуда ҳайрон қолдим.

Мени ўттиз кишилик бўлинмага ташлашди. Ҳайрат! Бу бўлинмада эркак ва аёллар аралаш эди.

Бу ерда катта бўлинмалар йўқ эди. Лекин, қоидалар ўша-ўша эди.

Яна очлик... Яна йўқчилик... Яна қамчи... Яна тош конлари... Яна ўша кўз кўриб қулоқ эшитмаган қийноқлар...

Бўлинмада зинода айбланиб ётган аёллар бор эди. Лекин, йигирма бир йиллик қамоқхона ҳаётимда зино сабабидан ётган биронта эркак кишини кўрмадим.

Аёллар орасидаги ёш қиз эътиборимни тортди.

Бу маҳкум қиз бошқа маҳкум аёлларга умуман ўхшамасди.

«Эркак ва аёл тенг бўлгани учун уларни эркак ва аёл бўлинмаларга ажратишнинг ҳожати йўқ»миш!

Бир миқдори бўлмаган истаклар, албатта, бир жойда тикилишга маҳкумдир. Эркак ва аёл тенглиги масаласида аниқ чегара маълум бўлмагани учун айнан тенгликни ёйишаётганди.

Бешта аёлнинг исмини унутмадим. Булар Сожида, Майнур, Ойгул, Малика ва Севимгул эди.

Севимгул умуман бошқача эди. Оғирбосик, эркакларга осилмайдиган, қийноқдан келиб қийноққа кетадиган, маданиятли ва жуда чиройли қиз эди.

Бир марта ундан жинойтини сўрадим. Менга ғалати қараб қўйди. Маъноли жавоб берди:

– Бу режимда туғилишнинг ўзи жинойт!

Жуда чиройли ва ўта маъноли жавоб эди. Лекин, мен бошқа нарсани билишни хоҳлаётгандим.

Бир неча йиллардан кейин илк бора бошқасига кизиқиб қолгандим. Буларнинг ягона сабаби Севимгулнинг гўзал ахлоқи эди. Лекин, менга юзини бурмасди. У ҳақ эди. Ким билади дейсиз, шунча йил мобайнида ундан нечтаси шу саволни сўраган экан.

Бироз ўзимга келишим биланок Тургут хаёлимга келарди. Ичим ёнарди. Уни кўрмасдан ўлишни хоҳламасдим.

Бу ердан бир ойна топиб ўзимга қарадим. Бечора мен. Не ахволдамана!

Омина Шенликўгли

Яна бир қиш мавсумига ҳам кириб келгандик!

Эркак ва аёлни ажратмасдан туриб замонавий мафкуралар эркак ва аёлни ажрата олмайди(!). Бизни узоқларга олиб бориб кечгача ишлатишар кейин яна зиндонга қайтариб олиб келишарди.

Бу сафар оёқларимизда кишан деган иллат билан бирга оғир темирлар ҳам бор эди. Совуқдан ҳам титраётгандик.

Бир куни яна навбатга турдик... Кишан солинишини кутаётгандик. Навбатма-навбат кишанлар солинаётганди. Тўсатдан бир комиссар бор овози билан бакирди:

– Навбатга тулинг! Қамокхона мудирини маҳбусларни тафтиш қилиш учун чиқибди. Бу ерга келаётганмиш.

Ўзи сафга тизилгандик. Лекин, бу сафар яна ҳам яхшироқ сафландик. Бир хил кийимда эдик. Бизнинг нимамишни тафтиш қиларкин, ҳайронман. Сафга тизилган ҳолимизда роса кутдик.

Қамокхона мудирини келди.

У сафнинг бошидан маҳбусларни бирма-бир кўздан кечириб, биз тарафга қараб келаётганди.

– Қамокхона мудирини қаттиқкўл экан. Ҳеч ҳам кулмас экан, деган гапларни маҳбуслардан эшитардик.

Мудир менинг рўпарамга келганида ҳаммамизга қараб «Қалайсизлар?», деб сўради. Устимдан сув куйгандай бўлди.

Бу овоз... Бу овоз Тургутнинг овози! Эй Аллоҳим! Менга чидайдиган куч бер!

Кўзларига қарадим. Ҳа, ҳа анча қариб қолибди, лекин ўша эди. Мени кўрқинчли титроқ босди. Ўзимдан кетишимга сал қолди.

Эй Аллоҳим! Мен энди нима қилай?

Ўзимни ҳар қанча тийсам ҳам кўзларимдан тинимсиз ёш оқарди.

Бечора кўзлар. Энди бунинг навбатими? Тўхтанг, мени сотиб қўйманг.

Йиғлаётганимда диққатини тортмаслик учун бошимни буриб олдим.

Юзлаб маҳбуснинг юзи мудирга ўгирилган пайтда бир кишининг юзи ўгирилгани ҳамманинг эътиборига тушиши табиий.

Мени билиб қолди.

– Ҳой сен! Нега юзингни биздан буриб олдинг?

Яна юзимни бурдим. Мени танимади. Лекин, йиғлаганимни билди. Қандай қилиб йиғламаслик мумкин. У менинг акам эди. Кейинчалик ғаддорлашганди. Ҳозир эса, ўша ғаддорлигининг мукофотини мана шундай олаётганди.

У билан ўтказган кунларимизни эсладим. Ажойиб болалар эдик. Икки жон дўст ва ўртоқ. Коммунизм келди, орамизга кирди ва қаршимда турган одам менга йигирма йилдан бери қийноққа солдирапти. Онасини, отасини ҳам сотди! Эвазига камоқхона мудирлиги лавозимини беришибди!

Бир лаҳзада ўтмишга сингиб кетдим.

Хотираларим мени биргаликда тушган расмимизга олиб кетди. Расмда ундан бироз узокрокда турибман. Мендан жаҳли чиқиб «Нега мендан узокда турибсан? Бу расмни йиртиб юбораман», деганди. У билан шундай кунларимиз ўтганди. Бу ҳолга қандай қилиб келиб қолганимизга йиғлагим келарди. Ваҳоланки, йиғлаш учун сабаблар шунақанги кўпки...

Йиғлаётганимни билиб менга яқинроқ келди. Баланд овозда мендан сўради:

– Сен! Нега йиғлаяпсан? Бошимни олдинга эгдим. Ғазабланди:

– Жавоб бер, нега йиғлаяпсан? Ёшли кўзларим билан унинг кўзларига тик қарадим. Бир муддат унга қараб турдим. Кейин баланд овозда жавоб бердим:

– Мени йиғлашга арзийдиган сабабларим кўп. Сизга қайси бирини айтиб берай?

Унинг кўзларига шунчалик тик қараб турардимки, ундан кўзларимни узолмасдим.

У ҳам менга диққат билан қарарди. Бирдан ранги ўзгариб кетди... Шошганча менга такрор-такрор қарарди. Мендан кўзларини узолмади. Бир муддат шундай туриб қолди. Кейин сўради:

– Исминг нима?

Кўз ёшларим ёмғирдай оқаркан жавоб бердим:

– Исминим Каан, жаноб. У қотиб қолди.

Ўзини таништира олмади. Менинг маҳбуслигим унга зарар бериб кўйиши мумкин эди. Тўсатдан буйруқ бериб қолди:

– Бўлди, буларни олиб кетинглар. Анча узоқлашганимиздан кейин қайрилиб унга қарадим. Турган жойида ҳайкалдек қотганича менга қараб турарди.

Бўлинмага келганимизда ўзимга келдим. Тургут қаршимда тургандек эди гўё. Уни ёлғиз бир жойда учратиш ва ичимдаги саволларни сўраш орзуси яна ҳам катталашди.

– Энди қалайсан, Тургут? Бу саволни ундан албатта сўрайман.

Тургутга бўлган нафратим ичимни ёқиб юборди. Кейинчалик доим шуларни ўйладим:

«Мусулмонлар нима қилмаганликлари учун бу коммунизм деган бало туғилди?!»

Кўзларим Севимгулда эди. Бечора қиз! У қайси жинояти учун бу ерларда юрганди?

Юзини маҳзунлик қамраб олганди. Ёш бўлишига қарамай юзларига чизиклар тушганди.

Тош конида ҳам унга қараб турардим гоҳида. Эркаклар билан бир хил ишларди. Динсизлик ўртанган тенглик...

– Сен инқилобчимидинг?

Омина Шенликўгли

– Коммунизм келганидан кейин кимнинг бошқача бўлишга ҳаққи борки...

– Жиноятнинг нималигини энди ҳам айтмайсанми?

Бўлинмада мусулмонлар кўпчилик эди. Севимгулга бошқача ниятда қараётганимни билиб, огоҳлантирганлар ҳам бўлди.

Мусулмонларнинг мана шу ишларига лол қоламан. Бир аёлга шилқимлик қилиндими уни ўз сингилларига шилқимлик қилингандек ҳимоя қиладилар. Мусулмон руҳияти чиндан ҳам мусулмон бўлса, дунёнинг ҳамма жойида бир хил бўлади.

Севимгулнинг пок ниятимдан шубҳаси қолмагани. Бир йил ўтганидан кейин «яхши акажон» деб айтиб беришни бошлади.

– Шарқий Туркистоннинг Ўримчи шаҳрида 1943-йилда дунёга келганман.

Ўрта мактабни ўша жойда татар тилида битирганман. Лицейни уйғур тилида тамомладим. Шарқий Туркистон тиббиёт факультетида ўқий бошладим.

У ерда хитойликлар кўп эди. Бизнинг таомларимиз билан уларнинг таомлари бир хил эди. Таомлардаги гўштнинг рангига қарасак, жуда ҳам оппоқ. Буни дўстларимиздан сўрадик:

– Бу гўштнинг ранги нега ок? Масъуллар жавоб беришди:

— Чўчка гўшти оқ бўлади. Меъдам бузилганини сездим.

Биз ислом аҳкомларини билмасак ва етарлича амал қилмасак ҳам, чўчка гўштининг ҳаромлигини яхши билардик.

Шарқий туркистонлик ўн икки ўқувчи тўпландик ва:

— Бунақаси кетмайди. Ҳаққимизни талаб қиламиз. Бизга бошқа таом берилсин, дедик.

Фаол ва кўркмас ёшлар эдик. Айтганча, нимадан кўрқардикки? Коммунизм фашизм эмас эди, шунинг учун кўркмасдик. У халқнинг истакларига қулоқ соларди. Осиб ўлдириб юборганлари бўларди, лекин улар ватан хоинлари эди. Рус жосуслари эди. Биз эса, оддий инсоний ҳуқуқларимизни талаб қилаётгандик. Заррача иймонимиз бизни йўлимиздан қайтармасди. Факультет бошқарувига чиқдик, фойдаси бўлмади. Биз ҳам «Хурриятни тарғиб қиладиган газета очамиз ва ҳаққимизни талаб қиламиз», дедик ва жамиятни очдик. Мақсадимиз овозимизни давлатга эшиттириш эди.

Бош вазиримиз Абдулазиз исмли уйғур турк йиғити бўлиб, жуда ҳам фаол эди.

— Биз туркларга ҳеч ким чўчка гўштини едира олмайди, деди.

Ҳақиқатдан ҳам, турклар ҳам бошқа ирқдаги мусулмонлар ҳам то динсизлашмагунларича чўчка гўштини емайдилар.

Мен ҳар доим ўйлардим.

Чўчка гўшти ҳаромдир, деган ҳам Куръони Каримнинг оятидир. Ичкилик ичманг, зино қилманг, одам ўлдирманг, намозни мукаммал адо қилинг, закотни тўлиқ қилиб беринг деган буйруқлар Куръоннинг оятларидир. Нима учун чўчка гўштини емасликка риоя қилингани каби бошқа буйруқларга ҳам риоя қилинмайди? Бунинг жавобини ҳанузгача тополмадим.

Ўн икки ўртоқ тарафидан қурилган жамиятда мен фаол эдим. Ўзимизча мақтаниб кўярдик:

– Коммунизм бошқача. Агар фашист режимда бўлганимизда эди, бу жамиятни қуроламасдик.

1963-йил 29-апрель санаси эди. Факультетда ҳамма шошаётган эди. Ўқишга масъуллар ҳаяжонда эдилар.

Барча ўқишларга буйруқ берилибди. Ҳаммамиз ўша куни майдонга олиб борилдик. Минглаб ўқувчининг кўз ўнгида бир киши микрофони олиб, барча ўқувчилар эшитадиган даражада гапира бошлади:

– Кадрли йўлдошлар! Фашизмга қарши режим сифатида коммунизм туғилди. Лекин, коммунизмга советлар қора суркашди. Советлар коммунизмни йўлга қўйишмади, қўйишолмади. Коммунизмнинг ҳақиқий юзини дунёга Хитой Халқ Республикаси кўрсатиб беради ва бу режим сизларга омонат қолдирилади. Эртанинг буюклари, бошқарувчилари

сизлар бўласизлар ва сизлар сабабли коммунизм ўзининг олтин даврини яшайди. Фашист руслари, буларни қилишолмади, лекин сизлар қиласизлар! Шунинг учун руслар бизни ўз домига тортолмагач, орамизга жосусларини юбормоқда. Бу жосуслар юртимизни сотишмоқда... Юртимизни русларга беришни хоҳлашмоқда. Орангиздан баъзи хоинликка мойиллиларини топиб, уларни сотиб олишмоқда.

Биз бу гапларни эшитиб, нафратланиб кетдик. Бу ўқувчилар юртимизни русларга қандай қилиб сотиши мумкин?

Коммунизм бошқарувининг остига кириш билан хитойликларга сотилганимиздан хатто хабаримиз ҳам йўқ эди.

Гапираётган сўради:

– Бу ватан хоинларининг жазосини берамизми? Ҳаммамиз бирдан бақирдик:

– Берамиз. Бу виждонсизларни жазосиз қолдирмаймиз!

– Яхши, у ҳолда уларнинг исмини ўқиймиз.

Жон қулоғимиз билан исмларни эшитдик. Булар бизнинг исмларимиз эди. Албатта, уларнинг орасида менинг ҳам исмим бор эди.

Бизни ўртага чиқаришди. Биз орқали ўқувчиларга огоҳлантириш бериб, ҳам золимликларини ҳам, ожизликларини намоён этишарди.

Кўл оёқларимизни боғлашди. Ҳар биримизни бошқа-бошқа машинага солишиб, рус жосусларини ушлаган қахрамонлардек олиб кетишди.

Севимгул шуларни айтиб бераётганида бўлинмага соқчи кириб қолгач, мавзуни шу жойида тўхтатди:

– Қолганини кейин айтиб бераман Каан Бей, деди.

Қизикқаннимдан ёрилиб кетай дердим. Унга қандай кийноқларни кўллашган экан? Бу ифлос режим эркак ва аёл тенглигига риоя қилганмиди ёки аёлларга ундан ҳам баттарроқ жазо берганмиди?

Шунингдек, бўлинмамиздаги Исмат амаки билан тез-тез суҳбатлашиб турардик. У билан дардлашгим келарди. Жуда ҳам ажойиб, комил инсон эди. Хос мусулмон эди. Исломнинг аҳкомларини шунақанги чиройли айтиб берар эдики, эшитиб тўймасдим.

Тургут жонимни кўп оғритгани учун кўпинча Исмат амакининг олдига борардим. Исмат амаки ҳам имом бўлган экан. Шу қамоқхонадагиларнинг кўпи имом ва мударрислар эди.

– Исмат амаки, дедим, ичимга сиғмай... Ёрилиб кетай деяпман Исмат амаки. Уч кундан бери бу жой юрагимни сиқиб юборди. Бундан кейин қанақа кийноққа солишларини билмаслик ҳам эзиб юборар эди.

Исмат амаки жуда ҳам бошқача инсон эди.
 Менга маъноли-маъноли қараб қўйди:

– Ҳаммасига қарамай яшаш бир неъматдир.
 Сабр қил ва бу неъматларнинг қадрига ет.

Кейин яна давом этди:

– Ҳақиқатдан! Сени яшашдан мақсадинг нима?
 Тушунолмадим.

– Нима демокчисиз Исмат амаки?

– Айтмоқчиманки, яшаш инсонга фойдали
 бўлиши керак. Менинг фойданг нима?

– Тушундим. Бу гапдан нимани англашим керак
 эди?

– Яъни, менга ўл демокчимисиз?

– Йўқ. Яшашингдан нима фойда, демокдаман.

– Билмайман. Ўлмаслик учун яшашга ҳаракат
 қиляпман.

– Яхши, сен ўлганингдан кейин яшаган
 ҳаётингни сенга бирор фойдаси тегадими?

– Исмат амаки топишмоқ қилиб гапиряпсиз,
 сизни тушуна олмаяпман?

– Айтмоқчиманки, сен нега Аллоҳга
 юзланмаяпсан? Аллоҳдан узоқлашишнинг бадалини
 ҳаммамиз биргаликда ўтадик. Сен бошқа бадалларни
 ҳам ўтаб кўрмоқчимисан?

– Мен ҳар доим «Аллоҳ» дейман. Қалбим
 тинмай ҳар нафасда «Аллоҳ» дейди.

Омина Шенликўгли

– Яхши, ўша қалбинг сенга «Намозни бошла, кунда беш вақт бошингни саждага қўйиб Аллоҳ де» демаяптими?

Ҳайрон бўлиб қолдим.

– Гапларингиз тўғри Исмаат амаки. Тўғрул амаки ўлган куни мен ҳам шу нарсаларни ўйладим.

Нега намозни бошлай олмаётганимни ўзим ҳам билмайман. Аслида Аллоҳни жуда яхши кўраман. Балки, кунда қалбимда юз минг марта Аллоҳ деяётгандирман.

Кулди.

– Гўзал нарса. Лекин, юз минг марта «Аллоҳ» дейиш ўрнига, кунда беш вақт намозингни ўқиб, юз марта Аллоҳ деганинга фойдалироқ бўларди. Менга қара Каан, бир одам ҳар куни минг марта Аллоҳни эслайдию, кундалик беш вақт намозини ўқимайдими? Бу қанақаси? Аллоҳни севган киши унга сажда қилмай туриб қанақасига унинг қули бўлиши мумкин?

Унинг гаплари менга қаттиқ таъсир қилди. Жуда ҳам чиройли гап айтганди: «Аллоҳни севган киши унга сажда қилмай туриб қанақасига унинг қули бўлиши мумкин?» Ҳа, тафаккур қилишни бошладим. Мен ҳақиқий қул эмас, сохта қулман.

Ўша куниёқ намозни бошладим. Намоздан кейин тўйиб-тўйиб дуо қилдим:

– Эй Роббим! Кечикиб бўлса ҳам хузурингга келдим. Тортган азобларимни, қилган

гуноҳларимнинг бадали сифатида қабул қил. Мени ҳам ўз лутфу карамингга ол!

Ичимда таърифлашга тил ожиз бўлган севинч пайдо бўлди. Лекин, хаёлимга Тургут келиши билан ўша севинч йўқ бўлиб кетарди. Оҳ, Тургут...! Нега бизни адои тамом қилдинг?

Бир куни ўйлаб ўтириб хаёлимга келиб қолди. Бизнинг шу аҳволимиз ҳақида биронта филм олинганмикин? Шунақа кўрқинчли туш кўрган одам бормикан? Йўйўқ! Ҳатто тушга ҳам бунақа кийноқли сахналар кирмайди.

Кечга яқин тош конидан қайтаётгандик. Қамокхонанинг махсус машинаси олдимиздан чиқиб қолди. Уни ўтказиб юбориш учун четга чиқдик.

Машина менинг рўпарамга келганида ичига қарадим. Тургут қайрилган ҳолда менга қараб турарди, мен ҳам унга қараб турардим.

Яна кўзларимдан ёш тўкила бошлади.

Ҳам унга қарар, ҳам ўзимга ўзим гапирардим:

– Нега бундай қараяпсан Тургут? Менга қараганимда азобланяпсанми ёки роҳатланяпсанми?

Қанийди, шуни била олганимда эди! Қара, Тургут!
Сен қарамасанг, ким қарайди менга?

Қалбим туб-тубидан ловуллаб ёнарди. Уни ҳар
кўрганимда мана шундай титрайдиган, қалбим
оғрийдиган бўлса, Аҳмаднинг қийноқларини қидириб
қоламан.

Чидолмаяпман, Аллоҳим, мени Тургут йўқ
бирор жойга юбор!

Тургутнинг кўзларидаги нарса мени ёқиб адои
тамом қилмоқда. Ажабо, менинг кўзларимдаги нарса
унга қандай таъсир қилаётган экан? Мен
азоблангандек, у ҳам азоб чекаптими?

Мен нималар деяпман ўзимга ўзим. Отасини
ўлдирган одамда бунақа юрак нима қилсин.

Бир неча кун ўтганидан кейин бўлинмада
хуфтон намозини ўқиятган эдим. Маҳбуслар тўсатдан
типирчилаб қолганини сездим. Кимдир гапирди:

– Мудир келди. Тезроқ сафга турунглар.

Намозимни бузмасдан давом этавердим. Унинг
олдимгача келганини сездим. Шерикларимга айтди:

– Демак, орангизда намоз ўқийдиганлар бор.
Яхши, ҳеч кимнинг намоз ўқишига аралашмаймиз.
Давом этаверинглар...

Кейин чиқиб кетди.

Овоз оҳангини таҳлил қилдим, лекин овози
хоинона эди. Пушаймон бўлган одамнинг овозидаги
каби кулоқни сокинлаштирадиган оҳанг, назокат ва
майинлик йўқ эди.

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди. Ҳар куни уни кўриш мени адои тамом қилаётганди. Чидаб бўлмас бир қийноқ мени қамраб оларди...

Аллоҳим, бу Аҳмаднинг қийноғидан ошиб тушди. Мени бу ерлардан олиб кет. Тургутни ҳақиқий фашизм бўлган коммунист режимнинг соқчиси сифатида қаршимда туришига тоқатим етмасди! Тургутни кўришга кўзим йўк!

Қамокхона раҳбариятига бир мактуб ёзмокчи бўлдим. Соқчидан қоғоз ва қалам сўрагандим, олиб келиб берди. Қоғоз билан қаламни ёзаман деб кўлимга олдим.

– Эй Аллоҳим! Ёзишни унутиб қўйибманку! Миям тўхтаб қолди.

Такрор уруниб кўрдим. Йўк, биронта ҳарф ёдимда қолмабди. Йигирма йилдан бери биронта ҳарф кўрмаган, биронта калима ёзмагандим.

Бир чеккада ўйланиб ўтирдим. Ўқиш ва ёзишни унутганимни билгач, ўзимни умуман бошқача инсон деб тасаввур қилдим. Йиғлашдан ўзимни зўрға тийиб турардим. Гўё бошқа туғишганимни йўқотиб қўйгандек эдим.

Бир неча кун ўтганидан кейин тош конига кетарканмиз йўлда Севимгулдан ҳикоясини қолган жойидан айтиб беришини илтимос қилдим...

– Кейин нима бўлганди Севимгул? Сени бир машинага солишганди? Хўш, кейин нима бўлди?

У айтиб беришни бошлади:

– Кейин мени машинага солишиб, умуман номаълум жойга олиб боришди. Битта хужрага кўйишди. Уч ой ўша қоронғу хужрада қолдим. Оиламга хабар берилмади. Олти-етти кадамлик хона эди хужрам. Ҳар лаҳза кўрқув билан яшаш ва энг аламлиси «Ватан хоини» деган тамғанинг босилиши ҳаётимни остин-устун қилиб ташлади. Ҳиди келиб кетган овқатлар бериларди. Ранги қизилроқ нон бериларди, уни ҳам қаттиқ бўлгани учун еёлмасдим. Ҳар куни сўроқ қилинардим:

– Сизларни ким бу йўлга бошлади? Ким ташвиқ қилаётганди?

Ҳар доим шу саволларни сўрашиб, тўйдириб юборишарди. Ваҳоланки, орқамизда ҳеч ким йўқ эди ва давлат ишларига ҳам аралашмас эдик... Лекин, менга ишонишмас эди. Орқамиздаги кучни кидиришаётган эди.

Кейин мени Жунғорияга юборишди. У ер жуда ҳам иссиқ эди. Эй Аллоҳим, иссиқдан инсонлар бирин-кетин тўкиларди. Устимиздаги кўйлак ҳам ўн кунда эриб кетарди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир куни биродарларимиз билан гўшт хиди келаётган тарафни кидирдик. Теримиз ёниб, хид ўшандан келаётган экан. Эй Аллоҳим! Мен у кийнокқа қандай қилиб чидадим?

Қиш ҳам бутунлай тесқари бўларди. Совук айлангириб юборарди. Ишлаётганимизда тўсатдан

келиб қамчи билан савалаб кетишарди. Айбимиз эса, секин ишлаётганимиз ва ёнимиздаги шеригимиз билан гаплашганимиз экан. Қанақа гаплашиш? Динсизлар шунча тадбир олганларига қарамай, биздан барибир кўрқишарди...

Ҳич эсимдан чикмайди. Сирожиддин исмли бир йигит бор эди. Помидор даласида помидор тераётган эдик.

Кимдир кичкираётганини эшитдик. Мен ўша томонга қараб югурдим. Қарасам, ўша йигитни оёғидан дарахтга осиб, аямай савалашаётган эди.

– Яна шунақа жинойт қиласанми?

Ҳалиги ёш йигит оғзи бурни қон ҳолида жавоб берарди:

– Йўқ! Илтимос урманглар, қайтиб бундай қилмайман.

Кейинчалик билдик, помидори тераётиб, бир дона еб кўйган экан. Бу даҳшат. Жуда ҳам кўрқиб кетгандим. Чидаб бўлмас жой эди.

Тўлик уч йил оиламга хабар берилмади. Зиёратчиларим келишмади. Онажоним, отам ва яқинларим ўликманми, тирикманми билишолмади. Уч йил ўтганидан кейин онамлар келишди. Онажоним йиғлаб ёлворибди. «Менга боламни кўрсатинглар, қайси гуноҳим учун бундай қияпсизлар?», дебдилар.

Айёр динсизлар ёлғонни сув қилиб ичиб юборганлари учун онамга:

Омина Шенликўгли
— Қизингиз бизга жосусларнинг кимлигини айтмаяпти. Айтса, дарҳол қўйиб юборамиз. Сиз билмайсиз, лекин қизингиз ватан хоинидир!

Ох бечорагина онажоним! Бу гапларга юрагингиз қандай бардош берди?

Мени ҳар хил кийноқларга солишди. Эрталаб соат тўққиздан олтигача Маонинг расми олдида оёқда тик туриб:

— Маонинг маънавий борлигига ҳурмат бажо келтирасан, дейишди.

Агар бошқарув мусулмонларнинг кўлида бўлганида эди «Бизнинг илоҳимизга ҳурмат бажо келтирасан», дейишмасди. Чунки, исломда мажбурлаб мусулмон қилиш йўқ. Фақатгина бутпарастлар кўлларига ҳукмронлик тегиб қолса, ўз илоҳларига қандай бўлмасин ҳурмат бажо келтиришга мажбурлашади.

Кейин судга чиқаришди. Эй Аллоҳим, бу қандай имтиҳон...!

1962-йилда Гулчи ва Чевчек шаҳридан саксон минг киши советларга қочиб кетган. Уларнинг ҳаммасини мен қочириб юборгандим.

Бу нарсалар мени ҳайрон қолдирди. Жуда ёш эдим. Золимларни умуман танимасдим. Қандай ҳайрон қолганимни тушунтириб беролмайман.

Булар асло ўйлашмасмикин-а? Бу ёш қиз бўлса, саксон мингта инсонни қандай қилиб қочириб юбора олади, деб. «Бизнинг зулмимиз уларни қочириб

юборди», дейишмасди. Ва бир қанча мусулмонлар бир золимнинг кўлидан иккинчи золимнинг кўлига тушишганди.

Ҳаётим бўйи мен унута олмайдиган нарса бўлди. Имконим бўлса бутун оламга ҳатто марсга ҳам ўша кунимни айтиб берардим. У мен учун энг катта яра эди. «Саксон минг инсонни қочириб юборди», деб берган қийноқлари бунинг олдида ҳеч нарса эмас. Чунки, бу ярани мусулмонлар қилганди.

Мусулмонлар мушрикларни ҳам, бераҳм динсизларни ҳам умуман танишмас экан. Буни ўша кунни тушуниб етдим.

Севимгулнинг овози йиғлаётганди:

– Сиз билмайсиз Каан ака, у азоб, у изтироб умуман бошқача. Кейин мени Ўримчидан 60 км. узокликдаги Генгу қишлоғига сургун қилишди. Бу ер жуда катта қишлоқ эди. Хитойликлар билан бирга козоқлар ва уйғурлар ҳам яшашарди.

Аллоҳнинг ўлчови бўлмаса, одам боласи қайси ирқдан бўлса ҳам, ўзининг дин қардошига душман бўларкан. Душманларнинг ўйинига жуда тез мослашиб кетишарди. Мен бунинг мисолини Генгуда кўрдим, кечирдим.

Уч минг кишилик хизматкорларни йиғишди. Бизни уларнинг ичига ташлашди. Биз саккизта маҳбус эдик. Мендан ташқари яна битта аёл бор эди. Мен энг орқада эдим.

Бизни «Булар хоинлар», деб таништиришди.

Кулоғимга ғалати овозлар эшитила бошлади. Нима бўлаётганини тушуна олмаётгандим. Олдимдаги маҳбусларни уришаётган экан. Маҳбус аёлнинг бошига эски чойнаккани эслатиб юборадиган бир нарса ўрнатиб қўйишганди. Ўша чойнакка ўхшаш нарсани аёлнинг бошига бостириб қўйиб урушаётганди. Идиш аёлнинг бошига ёпилиб қолганди. Бошқа маҳбуслар ҳам қонлар ичида ерда ётишарди. Мусулмонлар эса «Ҳа сен ватан хоинлари» дейишиб, тепкилашарди.

Тўхтанглар! Улар сизларнинг дин қардошларингиз! Тубан динсизлар сизларга ёлғон гапиришяпти! Ўтинаман, алданманглар!

Лекин, алданишганди.

Менга қарата «Бу қиз саксон минг хоинни советларга қочириб юборди. Бу бир инқилобчи, уринглар бу хоинни...!», дейишганди.

Ораларидан ўтаётганимда овозларининг борича «Хоин, ифлос...» деб бақирисар, юзимга тупуришар ва аямай дўппослашарди. Бу нарсани умрбод унутмайман.

Бир мусулмон инсон ўз дин қардошига динсиз оғзи билан қандай озор бериши мумкин? Бунни қандай қилишади?

Баъзилари эса «Сен Туркистонимизни нега сотдинг?» деб бақирисарди.

«Бу зулмнинг асл сабаби коммунизмдир», дерди баъзи маҳбуслар. Менимча бу тўғри эмас. Унинг асл сабаби динимизни билмаганимизда эди.

Севимгул ақлли киз эди.

Баъзи маҳбуслар ёки маҳбус бўлмаган эркаклар бир аёл ёки кизни кўрган пайтларида хаёлларидаги аёлни эслайдилар. Мен ҳам Севимгулни кўрганимда опам Чечакни эслардим. Опам ҳозир қариб қолган бўлсалар керак, лекин мен унинг ёшлигини эслайман. Аёл асло аёлни эслатмайди. Онани, сингилни, болани, аммани, ҳолани ҳам эслатиб юборади инсонга.

Севимгул ҳар доим менга бир хотирасини айтиб берарди.

Севимгул мени ҳайрон қолдирганди. Ёш киз бўлишига қарамай шунча кийноқларга бардош бериб чидагани мени лол қолдирганди.

Бир куни яна Жунгурияда кечирган қишни айтиб берди. Мен ҳам қишда кўп нарсаларни кўрдим. Лекин, Севимгулнинг айтганлари бошқа, меники бошқа эди.

Қишнинг совуқ кунларидан бирида ишлашаётган экан. Қалин кийим киймаган ўша заҳотиёқ ўлгани учун унга қалин кийим беришар экан.

Бир одам бор экан маҳбус биродарларидан. Севимгул ўша билан гаплашар экан. Ҳалиги одам жавоб берар экан, бироқ, кўзлари ҳайкалнинг кўзи каби умуман қимирламас экан. Унинг совуқдан

Омина Шенликўгли
кўзлари қотиб қолган экан! Хайратланган кўйи
мендан сўрарди:

– Иймонсизлик шунчалар ҳам бўладими, Каан
Бей? Отамнинг сўзларини эслаб жавоб берардим:

– Ҳа, бўлиши мумкин. Динсизлик таассуб билан
бирлашса, инсон ҳеч нарсадан тап тортмайдиган
бўлади.

Шу ерда яна бир нарсани тушуниб етдим. Инсон
гоҳида бир ҳайвонни ҳам соғинар экан. Биронта
мушук ёки итни кўрсам, севиниб кетардим... Итимиз
Жанни ва эшагимизни соғиндим. Балки, ишонмасиз,
мен ҳайвон тезагининг ҳидини ҳам соғиндим.
Шундоқкина бурнимнинг учида турарди. Бу қанақа
туйғу эканлигини билмайман. Лекин, буларнинг
барчаси бошимдан ўтди.

Бу коммунизм деган бало инсонга ҳайвон
тезагининг ҳидини ҳам соғинтирар экан.

Айбдорлар бошқача кўз билан қарайди

Севимгулга оила аъзоим сифатида қарай
бошладим. Унга зарар етмаслиги учун ўзига
билдирмасдан ҳар доим уни кўллаб турардим.

Севимгул сабабли бир нарсани яхши тушуниб
етгандим. Демак, аёллар мен билгандан кўра, анча

кучли эканлар. Севимгул чеккан азоблар бироз олдин менга айтилса «Йўғе, аёл киши бундай кийноқларга чидолмайди», дердим.

Аmmo Севимгул шу нарсаларни бошидан ўтказганди.

Унинг қарашлари аниқ ва тиниқ эди. Биронта тараддуд кўринмасди. Иродасига ҳайрон қолгандим. Бу улкан мувозанат мени ҳайратга соларди.

Унинг бошидан яна нималар ўтганди? Буни билишга жуда қизиқаётган эдим. Аслини олганда у ҳали ҳам азоб чекаётган эди. Ҳаммамиз биргаликда оч қолар, гоҳида ҳаммамизни бирлаштириб калтаклашар эди. Уни қамчи зарбаларидан қутқара олмаётгандим. Бу мени ўлдиранди, афсуски, кўлимдан нима ҳам келардики...

Биласизми, инсоннинг кўз ўнгида қутқармоқчи бўлган инсони қийноққа солинаётган бўлса, бу қийноққа солинган одамдан ҳам кўпроқ қарши тарафдаги одамни жонини оғритади.

Опам оғзи ёпиқ ҳолида машинага чиқарилаётганида «мени қутқар» деган қарашлари юрагимга санчилган ўқ каби ҳамиша кўксимда туради.

Севимгул бу бўлинмада ҳамиша қийноққа солинарди. Эркақлар билан бир хонада туришга ҳали ҳам одатлана олмаганди. Ёзнинг иссиқ кунларида ҳам кўчага кетаётган аёл каби кийиниб, жойига ётарди. Биз эса, хатто ички кийим ҳам киймасдик.

Омина Шенликўгли

Бечора Севимгул ва коммунизмнинг чангалига тушган бечора аёллар! Бу ваҳший зехният қаршисида тирманишар, коммунизм учун қилган ишларидан хайрон қолишарди. Пушаймон бўлишарди бироқ фойдаси йўқ эди.

Севимгул бунни тез-тез тилга олиб турарди:

– Ақлимга сиғмаяпти Каан Бей? Мен қайси ақл билан коммунизмни фашизмдан устун кўйгандим. Шу алданишим жаҳлимни чиқарар, инсонийлик ғуруримни парчаларди.

Севимгулни яхши кўришимнинг сабабларидан яна бири ифбатли ва умидли эканлиги эди. «Албата, бир куни бу жойдан чиқиб кетамиз Каанбей. Шунча қийноқларга бардош ато этган Аллоҳ, бир кун келиб бизни бу ердан ҳам кутқаради. Йиғламайман. Бу ориятимга тўғри келмайди», дерди.

Офарин сенга Севимгул. Қанийди ҳамма муслима аёллар сенга ўхшаган бўлсалар!

– Яна қанақа қийноқларни кўрдинг Севимгул?

– Сўраманг Каанбей. Тахмин ҳам қилолмайсиз.

Хаёлимга биринчи бўлиб номусга тегиш келди. Ишора қилиб сўрадим. Қип-қизариб кетди:

– Йўқ, Каанбей. Дунё шундоқ ҳам золимлар кўлига тушган аёлларнинг номусига тегилишини билади. Мени номусимга тегишмади. Мени бошимдан бошқача нарса ўтди. Эшитган одам «аёл кишига бундай қилинмайди» дейиладиган нарса эди. Ўша куни биринчи марта яшашдан умидимни уздим.

«Яна бир марта бу хаётга келишим мумкин эмас», деган эдим.

Айтиб берарди, лекин яна сокчи келиб колди. Кўзларимга қараб «Бошқа сафар Каанбей», деди.

Бизни вақтимиз кўп эди. Махбуслар айтиб беришарди:

Намоз ўқигани учун қуёш тагида оёқларидан дарахтга осиб қўйилиб, ярим кечагача қолиб кетган мусулмонлар бор экан. Бундан олдинги ўлим водийси бор қамокхонада бунақа муаммолар йўқ эди. Бунинг сабабини энди тушуниб етябман. Баъзи мусулмонлар бўлинмадан ўзидан-ўзи йўқ бўлиб қоларди. Кетганлар қайтиб келмасди. Биз эса «Қийноқда ўлган бўлса керак», деб ўйлардик. Демак, намоз ўқиганлари учун олиб боришар, ўлим водийсидаги хатто жаҳаннамда ҳам бўлмаган ўлим сандиқларига тикиб қўйишарди!

Туғрул амаки биров кўриб қолмаслиги учун ўтириб намоз ўқиши, сокчи келиб қолса «бироз машқ қиляпман» дейиши бекорга эмас экан.

Во ажаб! Ўзимдан ажабланиб кетябман.

Ўша пайтлари намоз ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. Минг афсус...! Демак, Хитой исканжаси мени бутунлай уйғота олмаган экан.

Йигирма йилдан кейин хаётим ўзгара бошлади.

Қийноқ кундалик хаётимизга айланиб кетганди. Шундай бўлса ҳам мен учун асл қийноқ Тургут эди.

Эй Худойим! Уни ҳар кўрганимда ўлгандан баттар бўлардим. Мен бу изтироб ичида қандай яшайман!

Унинг қарашлари хатто тушларимга ҳам кириб чиқар, қарашлари хаёлимда қайта-қайта жонланаверарди. Ҳар куни кечкурун албатта уни тушимда кўрардим.

Кундузи кўзим билан кўрардим, кечалари эса тушимда кўрардим.

Бечора отажоним-а...! Ўғилларингизни аҳволини бир кўрганингизда эди, ўлиш учун ёлворган бўлардингиз.

Бир хаёлим Тургутда, яна бир хаёлим Севимгулда эди. Унинг иродаси мени лол қолдирарди.

Исмат амаки мени ҳар кўрганида ислом динининг асл асослари ҳақида гапирар, кулликнинг маъносини тушунтирар, динимиздан бирор нарса ўргатмай туриб мени кўйиб юбормасди.

Бир куни ўзининг ички оламини айтиб берди:

– Каан биласанми, авваллари динсизлар инсонийлик ва хуррият ҳақида гапиришса, севинардим. Улар ҳам мени яхши кўришади, деб ўйлардим. Лекин, мусулмон инсон бошқани сирдош тутмаслиги керак экан. Ғайридинлар ҳар қанча жимжимадор гапларин айтмасин, барибир улар бизга ёмонликни хоҳлашар экан. Уларнинг қалбида яширган нарсалари шундоқ билиниб тураркан. Тафаккур қилган инсон албатта, буни англаб етади.

Чунки, Яратган уларнинг белгиларини бизга билдириб кўйган.

Эътибор бердингми, Каан? Бу ердаги маълумотга кўра, куйидаги нарса баён қилинмоқда: Демак, улар бизга қарши ичларида биз билмайдиган даражада катта нафрат саклайдилар. Белигаларнинг маъноси нима эканлигини биласанми? «Қайси мавзуда баҳс кетаётган бўлса, бу ўша ҳақида далил», деганидир.

Китобни ўқишда давом этамиз ва бу илоҳий далилнинг асл моҳиятини тушунишга ҳаракат қиламиз. Китобда айтилишича, иймон келтирганлар ғайридинларни ёқтирса ҳам, улар мусулмонларни ёқтирмас экан. Сабаби, мусулмонлар китобнинг барчаси иймон келтирган бўлар экан.

Шу сўзларга қара, Каан! Улар бизни ёқтиришмас экан. Бунинг сабаби нима эмиш? Биз Қуръоннинг барчасига иймон келтирганимиз эмиш. Ҳақиқий, мўмин бўлмаганлар ярим юмалок қилиб иймон келтирганларни, Қуръоннинг барчасига эмас, бир қисмигагина иймон келтирганларни ёқтиришади. Уларни «соф иймон келтирганлар», дейишади. Қуръоннинг барчасига иймон келтирганларни эса «террорист» деб эълон қилишади.

Бу ояти карималар менга бошқача таъсир қилди. Исмаил амаки сўзлашда давом этарди:

Айтганларимни энг бошидан ўрганиб чиқамиз. Яъни, мусулмонлар уларни ёқтирсада, улар

Омина Шенликўгли
мусулмонларни ёқтиришмас экан. Улар
мусулмонларни кўрганларида, иймон келтирдик,
дейишади, ўзлари ёлғиз қолишганида эса,
бармоқларини тишлаб қолишади.

Бу ердаги «бармоқ тишларлар»дан мақсад албатта, бармоқларини тишларлар, деган маънода эмас. Бу ерда уларнинг адоватлари қанчалик катта эканини билдириш учун мажоз ишлатилган. Бу шундай мажозки, ҳақиқатни ҳам ўзида баён қилади. Ҳақиқатдан ҳам «адоватлари сабабли аччиқланган кишилар орасида бармоқларини тишлайдиганлари ҳам бор», деганидир.

Бу сўзлар бизга жуда ҳам ажиб нарсаларни баён қилиб бермоқда, шундай эмасми?

Юқорида, улар сизларни қийин аҳволда қолишингини хоҳлайди, деган гап ўтди. Ҳақиқатдан ҳам мен бунини ҳар доим ҳис қилардим. Динсизлар исломнинг ичида бирон бир хато қилган одамни топишса ёки бирортасини сохтакорлигини билиб қолишадиган бўлса, айбини ошкор қилиш учун бор кучларини сарф қиладилар. Лекин, мусулмонлар қилган яхши ва фойдали ишлар ҳақида бир оғиз ҳам гапирмайдилар. Ҳар доим бизнинг зараримизга ишлайдилар.

Ўзи аслида, мусулмонларга яхшилик етса, уларга ёмон бўлади. Мусулмонларга ёмонлик етса, уларга байрам бўлади. Мусулмон инсон сабрли ва

такводор бўлса, уларнинг макру хийлалари ҳеч нарсага ярамай қолади.

Қулоқ сол Каан, Аллоҳ таоло мусулмонларнинг ўлчовини билдириб қўймоқда. Шу билан бирга «Душманга бўлган адоватингиз, уларга адолатсизлик қилишингизга сабаб бўлмасин», дейилган. Бу жуда ҳам гўзал мезон, тўғрими?

Албатта, тўғри. Аллоҳнинг сўзидан кучлироқ далил бўлиши мумкинми?

Ўзим эшитган, маъносини тушунган ҳар бир сўз қалбимга ором берар эди. Бу туйғуларимни ифода қилиш учун:

– Кам бўлманг, Исмат амаки. Бу сўзларни эшитганим сари қалбим ором олмоқда!

Кулиб жавоб берди:

– Сен ҳозир оятларни «ўргандим» деяпсанми? Йўқ, ўрганмадинг, фақатгина эшитдинг. Мазмунини эшитдинг. Ўрганган бўлсанг, биронта оятни менга тиловат қилиб берчи!

Тиловат қилиб бера олмадим.

– Болам, оддийгина кўшиқни ҳам бир эшитишда ўрганиб бўлмайди. Бироз ҳаракат қилиш лозим. Сенингча оятлар вақт сарф қилишга арзийдиган энг гўзал нарса эмасми?

Исмат амаки бир соатча тафсир дарси берганидан кейин мавзуни ўзгартирди. Сухбатдоши зерикиб қолмаслиги учун ҳар доим шундай қилар, битта мавзуни такрорлайвермасди.

Омина Шенликўгли

Исмат амаки бу камоқхонада тажрибаси кўпимиз эди. Тургутнинг кимлигини билдирмасдан сўрадим:

– Исмат амаки бу камоқхона мудирини қачондан бери танийсиз?

– Беш йил бўлди.

– Сизнингча у қанақа одам?

– Қанақа одамлигини аниқ билмайман. Лекин, зўр кофирлиги аниқ.

– Нега?

– Нега бўларди, улар мана шундай зўр кофир бўлмаса, камоқхонага мудир қилишармиди?

Золим тузумда эгаллаган мақомингни менга айтиб бергин, мен сенга кимлигингни айтиб бераман!

Исмат амаки ҳақ эди.

Бир марта қаердан хаёлимга келиб қолганини ўзим ҳам билмайман Исмат амакининг кўзларига қараб

– Исмат амаки неча ёшдасиз?

– Қирқ ёшдаман, деди.

Вой Худойим! Мендан ёш экан. Мен ўзимни хали ҳам йигирма беш ёшли йигит деб ўйлаётган бўлсам керак. Лекин, Исмат ҳам анча чўкиб кетганди. Тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада... Сабабини сўрадим. Эшитмасликка олди. Қистайвердим:

– Биз ҳамма нарсамизни айтиб беряпмиз. Ёки гапириш жоиз эмасми?

Маҳзун бўлган ҳолида юзимга қаради:

— Баъзи ҳақиқатлар борки, инсон уни айтишни хохламайди. Зеро, мусулмонларга барча жоиз ишларни қилишлари фарз қилинмаган. Жоизларнинг фарзлари, вожиблари, суннатлари, мубоҳлари, мустаҳаблари бор.

Ортиқ қистамадим.

Бир неча соат ўтганидан кейин уни орқа тарафдаги ётоқларнинг бирида кўзлари ишган ҳолида кўриб қолдим.

— Сизга нима бўлди Исмат амаки, йўғе Исмат! Одатланиш жуда ҳам ёмон нарса экан. Шунча пайтдан бери амаки деб хитоб қилинаётган инсонни энди ўз исми билан чақириш қийин бўлар экан. Нега йиғлаяпсан?

Юзимга қараб:

— Сифат мавсуфига тобеъдир. Мавсуфи айтилмаган жойда сифат айтилмайди, деди.

Кейинчалик билдим. Унинг кўз ўнгида оиласидаги барча аёлларнинг номусига тегишиб, ўлдиришган экан!

Эҳ, коммунизм! Сен халқчил эдинг-а, шундайми? Динсизлик — замонавийлик, диндорлик — колоқлик, шунақами?

Тош конидан қайтаётганда яна беш-олти киши ўлди. Тезда ҳаммасини ўша жойга кўмдик. Биронтаси ҳақида расмийлаштириш ишлари олиб борилмади. Ҳеч қаерга номлари ёзилмади. Тўғри охиратга равона бўлдилар.

Мусулмонлар албатта шаҳид кетган эдилар. Лекин, бундай ўлим топиш инсонга алам қиларкан.

Сал қолса унутай дебман. Қамокхонада жуда ҳам ажойиб, ўзгача аёлни учратиб қолдим...

Бир хоним бор эди. Ўттиз беш ёшлар атрофида эди. Оддий жиноят учун қамокхонага тушган экан. Хитойликлар давлатга душманлик қилмаганларга яхшироқ муносабатда бўлишарди. Камроқ жазо беришарди. Бир куни ўша хонимдан қанақа жиноят қилганини сўрадим. Менга ҳаёт ҳикоясини қисқача гапириб берди:

– Биз Ўркан билан янги оила қурган эдик. Бир-биримизни қаттиқ севардик. Бир куни кечқурун уни олиб кетишди. Уни қайтариб ҳам юборишмади ёки биронта хабар ҳам жўнатишмади. Уни беш йил кутдим. Беш йилдан кейин бир режа туздим. Мамлакатимиздаги қамокхоналарга арзимас жиноят қилиб у ерга кирардим. Ҳа, шундай қилдим. Бунини ўн йилдан бери қиляпман. Бугунгача эллик беш марта жиноят қилдим. Эллик бешта қамокхонага кириб чикдим. То ўлгунимча уни қидиришда давом этаман!

Эй динсиз режим, сизга Аллоҳнинг лаънати бўлсин! Қанча бўлсангиз, ҳаммангизга!

Бу дуойибатларни қиларканман, ўзимга озор берардим:

– Эй сохтакор! Мусулмонлар шунча мусибатларга қарамай яшашга интилар экан, ўша

Исканжа

динсиз режимлар қайси сабаб туфайли ҳалокатга
учрашади!?

Бошқа қамоқхонага ўтмоқчи эканлигимни маҳбуслардан бирига ёздириб, ичкарига бериб юбордим. Ҳаяжон билан хабар кутаётгандим. Бир ҳафтадан кейин бир соқчи олдимга келди. «Сўровингга рухсат берилди» деб қўлимга битта қоғоз берди.

Қоғозни очиб қарадим. Тургутнинг ёзуви эди. Ўша лаҳзада менга нима бўлганини билмайман, биронта ҳарфни ёзолмаган мен, Тургутнинг жавобини ўқий бошладим.

«Сўровингиз рад қилинди!»

Қоғоз қўлимда дир-дир титрардим. Унинг ёзувини кўришни ўзиёқ мен учун қийноқ эди. Бу туйғу эса, айтишга тил ожиз бўлган туйғулар орасида эди.

Мени нега юбормади?

Уни кўришга тоқатим йўқлиги учун ўша илтимосномани ёзганимни у жуда ҳам яхши биларди.

Ўша ёзувларга бир неча марта қарадим. Ҳеч қандай кўзёши тинчлантира олмайдиган азоб билан...

Эртаси куни бизни «иш жойимизда кўриб кетиш учун» тош конига келди. Кўз қирим билан унга бир марта қарадим. Қисқа қараш билан бўлса ҳам

Омина Шенликўгли
кўзларимиз тўкнаш келди. У ҳам менга қараб
турарди.

Олдимга қарадимда, бор кучим билан тошларга
ура бошладим.

Менга ҳар сафар бошқача нигоҳ билан қарарди.
Унинг ниятини ҳич тушуна олмасдим.

Йўғон ва ғўр овозини эшитдим:

– Бугунчалик етади, қани, ўликларни кўминглар,
қайтамиз!

Бир ўлик, икки ўлик. Ва беҳисоб ўликлар...

Охирида ўлимга ва ўликларга кўникиб кетдик.
Шу даражадаки, ўликларни устидан бемалол ўтиб
кетаверардик.

Инсон аслида гапирувчи ҳайвон эканлигига
ишонганлар, йўлдошларига итнинг ўлиги билан
одамнинг ўлигига бир хил назар билан қараш
кераклигини сингдириб юборишганди. Модомики,
инсоннинг хусусияти фақатгина гапириш экан, у
ўлганидан кейин бу хусусиятини ҳам йўқотади.
Шунинг учун нега инсон ўлиги билан итнинг ўлиги
бир хил бўлмаслиги керак?

Хитойлик бир мусулмон бор эди. Баъзан мени
жуда ҳам ҳайрон қолдирарди. Бир куни менга шундай
деди:

– Мен мусулмон бўлганимдан кейин уларда
мени ажаблантирган нарса нималигини биласанми?
Динсизлар яъни баъзилар уларни атеист дейишади.
Мен бунга қаршиман. «Атеист» дейилганда одамлар

унинг тўлақонли маъносини тушуниб етмаяптилар. Ҳа, динсизлар дунёнинг бир қисмини бўлса ҳам инсон билан ҳайвоннинг бир хил эканлигига ишонтиришди. Мусулмонлар эса, инсонларни ҳайвондан олий эканлигини тушунтириб бериша олмади.

Бу ўша хитойликнинг фикри эди. Мен унинг фикрига қўшилмасамда, бироқ, мени ўйлантирган томонлари ҳам бўлмади ҳам деёлмайман.

Мен нега бу ерларга келиб, Тургут ҳақида гапириб юрибман?

Бир неча ойлик жиноят қилиб қамоқхонага тушган маҳбуслардан бири озод бўлиб чиқиб кетаётганида соқчига менга бериб қўйиши учун соати билан шиппагини қолдириб кетибди. Соқчи омонатларни менга етказди. Ўша жаллод соқчи менга ўша нарсаларни олиб келиб берганидан ҳануз ҳайратланаман. Чунки, бу одамнинг маҳбусларни саваламаган куни йўқ эди. Маҳкумларнинг нарсани олиб қўйиш у учун оддий нарса эди.

Раҳмат лекин мен соатни нима қиламан?

Хаёлимга бир фикр келди. Бу ҳадяларни соқчига бериб у билан келишиб олдим. Айтдимки:

– Мен сен «Менга қамчи ур» деган жойимда менга қамчи уриш шарти билан бу соат билан шиппакни сенга ҳадя қиламан. Нима учун қамчилаганингни сўраб қолишса «Маони сўқди» дейсан, келишдикми?

Очкўз жуда аблах эди. Рози бўлди.

Кунлар, ҳафталар ўтиб кетди. Ўзимни камчилатадиган фурсатни топа олмадим. Мен Тургутнинг олдида аёвсиз камчиланишни хоҳлардим. Уларнинг ичида юриб, шунака ярамас усулларни билиб олгандим.

Ҳеч фурсатини тополмадим. Тургутни кўрган жойимда соқчини, соқчини кўрган жойимда эса, Тургутни тополмасдим.

Бир куни яна тош конига кетаётган эдик, унга рўбарў келиб қолдим. Бошимни эгдим. Хаёлларимдаги саволларни ундан сўраш учун ўзини ёлғиз учрата олмаётгандим.

Тўсатдан ёнимдаги соқчини сўкишни бошладим.

– Сен ифлоссан! Сен бир итсан!

Бунақа нарсани кутмаган соқчи нима қилишини билмай, шошиб қолди. Тургут йигирма беш, ўттиз метрлар узокрок масофада эди. Менинг гапларимни эшитмасди.

Соқчи камчисини олиб аямасдан савалай бошлади. У ургани сари мен уни ҳақорат қилардим. Шунақанги аямасдан урардики... Ўша ҳолимда ҳам ундан нималарнидир чиқариб олишга ҳаракат қилардим. Шунини тушундимки, бир инсон давлатнинг топшириғи билан қанчалик ғазабланса ҳам, ўзига килинган ҳақорат туфайли ғазабланган инсончалик бўлолмас экан.

Тургутга қарадим. Билдирмай бизга қараб турарди. Зотан, бироз нарироқда бошқалар ҳам калтакланаётган эди. Бу оддий ҳодисага айланиб кетди.

Мен қамчи еганим сари унинг қараб туришидан шунақанги роҳатланардимки, қамчининг оғриғини сезмасдим ҳам.

Кейин «Мени қутқаринг» деб бақира бошладим. Менга қаранг, мен нималар қиляпман. «Мени қутқаринг» деб бор овозим билан бақирардим. Соқчига эса пичирлаб «итдан тарқаган, бор кучинг шуми?» дердим. Бу гапларим уни яна ҳам жаҳлини чиқарарди. Бу сафар юзимга ҳам ура бошлади. Қамчининг энг оғриқлиси юзга урилганидир. Бу сафар чиндан ҳам қаттиқ оғриқ сездим. Ҳақиқатдан бақиршни бошладим.

Тургут севинаётганмиди ёки маҳзун бўлаётганмиди? Маҳзун бўлаётган бўлса, еган қамчиларим беҳуда кетмасди. Лекин, у севинаётган бўлсачи!

Фақатгина шуни билишлик учунгина қамчи ейишга рози бўлгандим. Қонга беланган ҳолда ерда типирчилардим. Бу рол ўйнаб типирчилаш эмасди. Соқчини шу даражада жаҳлини чиқарган эдимки, у мени комага солиб кўяй деди.

Ерда юмалаб ётганимда ҳам Тургутга қараб кўярдим. Ортиқ чидолмай соқчидан келиб сўради:

– Бу фашист нима қилди?

Омина Шенликўгли

– Мени ҳақорат қилди. Шу билан кифояланиб қолмади, сўқинди. Кетиданок илова қилди:

– Фақатгина мени эмас, Маони ҳам ҳақорат қилди. Тургут хаёлига нима келган бўлса, ўшани соқчига буюрди:

– Бу итга берган дарсинг ҳақоратларининг бадали бўлибди. Энди бу итни хонасига олиб бор. Ўша жойда ўлиб кетсин. Шунда ақли киради.

Қўлларимни зўрға кўтариб, кўзларимнинг устидаги қонларни артиб унга қарадим.

Чуқур, жуда чуқур эди қарашлари...

Лекин, бу қарашлари нима маъно билдиришини ҳеч тушуна олмадим.

Кундузи социалист – кечаси капиталист

Янги келганлар орқали коммунизмнинг халқ тарафдаги юзини билиб олардик.

Халқ энди коммунизмга олдингидек қизикмай кўйибди. Нуфузини йўқота бошлабди. Йигирма ёшга тўлай деган коммунизм сўна бошлаганди.

Ғалати. Халқ бизга ҳамроҳ бўлишади дейишарди. Аксинча, чиқарчилар янада ҳам фаоллашиб қолишганди. Уйларида ҳам «Кундузи социализм, кечаси капитализм» шиорин ёйишарди. Эшитган пайтим ҳайрон бўлиб қолдим. Маонинг ўзи ҳам «Биз учун капитализмнинг кўпи эмас, ози зарарлидир» дейишни бошлаганди.

Хар бир тулкининг айланиб келиб топадиган жойи албатта, дўкони эмас. Лекин, куфрнинг бирлашадиган жойи албатта, бир-бирининг карашидир.

Коммунизм инсонларни шунақанги аҳволга келтириб кўйгандики, ёшлар ота-оналари ўлганда йиғламай ҳам кўйишибди. Туйғу ўлганидан кейин йиғи қолармиди!

Халқ маҳкамаларининг ҳам миси чиқибди. Адолатни нималигини билмайдиган халқдан адолатли иш қилишларини сўрашганида «Қайси адолат?», дейишибди.

Ҳа, қайси адолат? Коммунизмда адолатнинг таърифи қандай?

Исломда адолатнинг бир таърифи бор: «Ҳақдорга ҳаққини бериш...». Ислом таълимотининг асосида мана шу бор ва адолатни қонунлардан олдин қалбларга жойлаштиради. Шунга қарамай гоҳида Ислом ҳоким бўлган тузумларда ҳам кичкина адолатсизликлар учраб туради. Булар қонунлардаги адолатни билдирмаслиги ҳам мумкин. Лекин, бу вазиятда қалбларида адолат туйғуси ўрнашган инсонлар бунақанги ноҳақликларни бартараф қилиш йўллари билдилар ва «адолатсизлик»ни ҳукмрон бўлишига йўл қўйишмайди.

Коммунизмдан бошлаб барча башарий тузумлар ва режимлар адолатни фақатгина қонун билан қарор топтиришга ҳаракат қилган. Қалбларга адолат

Омина Шенликўгли
туйғусини жойлаштирмаган. Шунинг учун
коммунизм ва бошқа измлардан камгина инсонгина
ўз ҳаққини талаб қила олган холос.

Ислонда ўз ҳаққини ололмаган оздир. Башарий
тузум ва режимларда эса, ўз ҳаққини ололган оздир.

Бу масалаларниг ҳам хабари келиб турарди.
Халқ «халқ маҳкамалари» га бўлган ишончини ҳам
йўқотиб бўлганди. Бу эса коммунизм яна бир
қанотидан айрилганини билдирарди.

Ўлиб кет коммунизм!

Бизни яшатмадинг, лекин ўзинг ҳам яшай
олмадинг. Сенинг сочларинг меникидан тезроқ
оқарди.

Ишбилармонлардан нафратланган коммунизм,
ишбилармонларсиз асло ривожланиш бўлмаслигини
тушуниб етганди. Шунинг учун ишбилармонларни
зимдан қўллаб-қувватлай бошлаганди.

Коммунизмнинг энг катта хатоси ўз умрини
узайтиришни кўрқув асосига қурганида эди.

Бир файласуфнинг айтгани каби:

«Инсонларнинг яшашдан умидлари бўлса,
кўрққанларидан жим туришлари мумкин». Лекин,
яшашдан умидини узганларни кўрқув асло кўрқита
олмайди. Уларни кўрқитиш йўли билан ҳеч нарсага
мажбурлаб бўлмайди. Кўрқув ўз таъсирини йўқотади.

Балки, мана шу охириги айтган гапларим бугун
амалда эмасдир, лекин, эртага албатта, ҳукмрон
бўлади.

Келаётган хабарларга кўра, ўзини ўзи ўлдириш энг юқори даражада эди. Бир неча кишилар бундан таъсири кучли захар ишлаб чиқариб сотишни ҳам бошлашганди.

«Тафаккур ислоҳотини амалга ошириб, маърифатлилар жамоасини етиштирамиз» деган ваъдаларни берганлар, бир неча маърифатпарварларни аллақачон ўлдириб бўлишганди. Коммунизм келишидан ўттиз йил олдин унинг ғояларига зид китоб ёзган ёзувчи ўттиз йилдан кейин халқнинг кўз ўнгида осиб ўлдирилганди.

Айни пайтда муҳокама қилинаётган мавзу ёшларга уйланишни таъқиқлаш масаласи экан. Энди ёшлар аҳоли сони ортиб кетмаслиги учун қирқ ёшга кирганларида уйланса керак.

Диний таълимга ихтисослашган ҳамма университетларда ўқиш жараёнлари тугатилибди. Барча университетлар бошқа-бошқа йўналишларга ихтисослаштирилибди. Шанхай университетининг ихтисослиги деҳқончилик машиналарини ишлаб чиқаришга ўзгартирилибди. Баъзилари эса, меҳмонхона ва шунга ўхшаш нарсаларга айланттилибди.

Эски миллатпарварлар халқнинг кўз ўнгида ўлдирилаётганмиш. Баъзи миллатпарварлар «иш формаси» дейиладиган мажбурий иш компанияларига юборилаётганмиш. Ташқаридан қараганда иш кампанияси. Лекин, қамоқхонадан

Омина Шенликўгли
умуман фарқи йўқмиш ва у ердаги миллатпарварлар
бирма-бир ўлишаётганмиш...

Ниҳоят, коммунизм бир масалада бир хилликни таъминлай олди. Иш кампаниясидагилар ҳам, исканжа кампаниясидагилар ҳам бир хил шартлар асосида ўлаётганди. Мана шунга коммунизм тенглиги дейилади. Коммунизм бошқача. Унда тенгликнинг хусусиятлари бошқача.

Исломий билимларим ортиб боргани сари масалаларни яна ҳам яхшироқ таҳлил қила бошладим. Мамлакатда иш берувчи ўз ишчисига егани каби ейдиган, кийгани каби киядиган маош берса эди, деб ўйлаб қолдим... Мол дунёсининг қирқдан бир закотини берса эди... Фақирларга ёрдам берса эди... Иш топа олмаганларга ишсизлик маоши таъйинласа эди... Иш берувчи ишчисига биродарлик муомаласини қилганида эди...

Мусулмонлар фалсафа ва мантиқ илмини исломий ўлчовларга кўра ўрганиб чиқсалар эди... Илмий соҳаларда мусулмонлар керакли тадқиқотларни амалга оширганларида эди... Илм-фан соҳасида олдингидек мусулмонларнинг ҳам ўз ўрни бўлса эди...

Инсон руҳиятига етарлича аҳамият берилсайди... Коммунизм балоси келармиди? Асло... Асло келмасди...

Чунки коммунизмнинг маънавийтсизлик асоси билан бир хил бўлган, лекин кўриниши турлича бўлган капитализм бўлмас ва унинг муқобили кидирилмасди...

Эҳ инсонлар!

Ўзлари билмаган, танимаган Исломдан қочиб, ўзлари танимайдиган динсизлик кучоғига нега чошиб кетишмоқда?

Давлат «беш ёмонликка қарши кураш» компаниясини бошлабди. Булар – пора, солиқдан қочиш, давлат мулкини талон-тарож қилиш, шартномаларда сохтакорликка йўл қўйиш ва давлат сирларини ўғирлаш.

Бу моддалар ичида мени кулгимни қистатгани тўртинчи модда бўлди. «Шартномаларда сохтакорликка йўл қўйиш...» Ажабо, дунё тарихида динсиз давлатлардан бошқа шартномаларда сохтакорликка йўл қўйган биронта давлат ёки жамият бормикан?

Сохтакорлик ҳам тўғрилиқни талаб қилиши мени ҳайрон қолдирди! Бу ишлардан хуморимдан чиққунча кулдим.

Бир шарафсизнинг «шарафим устига қасам ичаман» дейиши ҳам, шарафсиз режимнинг шараф ҳақида гапириши ҳам жаҳлимни чиқарарди.

Аёлларнинг кучи

Севимгул ҳақида ўйлардим.

Гап орасида шунақанги чиройли гап айтган эдики, ҳали ҳам сармаст эдим. «Дунё» деди, «Қийноққа солинган аёлларга тажовуз қилинганини шундоқ ҳам билади. Меники бошқача, меники дунёнинг «аёл кишига буни қилмайдилар» дейиладиган жинсдан эди».

Шу жойда нозик ҳазил ҳам бор.

Дунё аслида «Аёл кишига, инсон зотига бундай қилиб бўлмайди» дея тажовуз ҳодисалари ҳақида гапириш керак. Лекин, дунё бу ҳақида гапирмаяпти. Зеро, дунё тажовузкорларнинг «тажовузларига кўникишди» ва тажовузга оддий нарса сифатида қарала бошлади!

Севимгул буларни жуда ҳам чиройли қилиб гапириб берди. Буни шунчаки билиб эмас, қалбининг тубига жойлаштирган маълумотлари асосида айтганди.

Жуда ҳам қизикдим. Бу қанақа қийноқ эдики, дунё «Аёл кишига бундай қилиб бўлмайди», дерди.

Ростан, дунёни ҳайрон қолдирадиган яна
нимадир қолганмиди. Ва дунё ҳайрон қолиш деган
туйғунинг борлигидан хабардорми?

Бу сафар севимгул билан тош конидан
қайтаётганда учрашиб қолдим.

Ёлғиз ўзи тоғ-у тош демасдан йўлларни ёлғиз
ўзи босиб ўтарди. Тез-тез шундай бўлиб турарди.
Гоҳида ярим кечаси шу йўлларда ёлғиз ўзи қолиб
кетаркан. Ўша пайтлари номусимга тегиб кўйишади,
деб қаттиқ кўркқан экан. Аллоҳ таолога ҳамиша
«Жонимни ол, лекин, номусимни кирлатма», деб
ёлворар экан.

Бир аёл шунақа вазиятда тажовузга учраса,
Аллоҳ таолонинг ҳузурида пок ҳисобланади. Лекин,
бу нарсанинг бошқа тарафи ҳам бор. Кўплаб ўзига
тажовуз қилинган аёллар ўша тажовузкорларни
ўлдиришган эди. Жиноят қилган аёллар эса,
Аллоҳнинг ҳузурида гуноҳ иш қилганларининг
бадали сифатида уларни ўлдиришмаганди. Бунга ўз
дунёларидаги туйғулари сабаб бўлганди. Бу туйғу
деган нарса шунақа каттаки, одамга одамни
ўлдиргизади! Ва бу туйғунинг ўз номи бор:

Номус...!

Буни ҳам фақатгина номуслиларгина билади.
Номуссизлар тажовуз сабабли ўлдирилганларида
ўлган номуссизни эмас, ўлдирганни айблайдилар ва
жазолайдилар.

Албатта, ҳақ улар. Ўзларида бўлмаган нарсани бошқаларда борлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Шунинг учун доимо тажовуз қилганлари учун ўлдирилганни ҳимоя қилишга чоғланадилар. Динга қарши...

Улар номус диндорликнинг белгиси эканлигини жуда яхши биладилар. Ундан сўрадим:

– Қани, Севимгул синглим ўша воқеани бир бошидан айтиб берсанг. «Айтаман», деди. Чуқур нафас олганидан кейин айта бошлади:

– Биз жуда ҳам кўп қийноқларни кўрдик Каанбей. Кўрган қийноқларимизни айтишга тил ожиз. Буни ўзингиз ҳам кўрдингиз. Бизни Сибир оролларига ўхшаш жойга олиб бориб ер қаздиришди. Кейин «Киринглар шу жойга, энди шу ерда яшайсизлар», дейишди.

Мадийр исмли бир имом бор эди. Менинг қийноқдаги шеригим эди. Мусулмонлар бизга тупуриб ташлаган ўша дахшатли кундан бери унга жуда ҳам ачиниб кетардим. Ўша иссиқнинг дахшатида «сув, сув» деб инграрди. Инсонийликдан ва марҳаматдан йироқ инқилобчи ёшлар унга сув бераётгандек идишни узатишди. У ҳам сувсизликдан қаҳраган юраги ила сувга қараб эгилди... Қаҳқаҳа отиб кулишиб оғзига тупроқ тўлдиришди. Эй Аллоҳим! Бу қандай ҳам ачинарли аҳвол. Кейин тупроқ тўла оғзини ерга ишқаб теппалай бошлашди. Оғзи бурнидан қонлар отиллиб чиқарди. Эй

Аллоҳим! Биз шунча даҳшатли нарсаларни кўрсак ҳам ҳануз қандай яшаётган эдик!

Худди шунақа кийноқлар бошқа жойларда ҳам кўлланилар экан. Бир қисми ўша ерда ўлди, ўлмаганлар эса, бўлинмаларига қайтиб, ўша жойда ўлмасдан олдин минг бор ўлишди.

Кейин ўша ёшлар менга юзланишди. «Буни бизга беринглар, жазосини биз берайлик», дейишди. Шундоқ ҳам кўп жазо беришганди. Судрашганди, уришганди, оёқларимнинг терисини шилишганди. Лекин, ҳали ҳам кийноққа тўйишмаётганди! Ўша жойда қаттиқ кўркдим. Расмий золимларнинг кўлидан, фахрий хизмат қилган золимларнинг кўлига тушардим. Ва булар ҳар қандай кийноққа солишлари мумкин эди. Камига булар мусулмон эдилар. Бу режимнинг ёлғонларига алданишиб, ўз туғишганларига ҳам зулм қилишарди. Шу пайтгача Аллоҳнинг ўзи ёрдам берди, номусимга тегинишмади. Лекин, буларнинг кўлига тушиб қолсам... Қаттиқ, жуда ҳам қаттиқ кўрқиб кетгандим.

Бир гуруҳ ёшлар соқчига «Уни бизга беринглар, терисини шилиб оламиз», дейишди. Бошқа гуруҳ эса «Уни бизга беринглар, кўзларини ўйиб оламиз», дейишарди. Яна бошқа гуруҳ эса «Сизлар буни бизга беринглар, ишимизни битириб, сизларга уни қайтариб берамиз», дейишарди.

Мен ёш эдим. Бунақа зулмларни фақатгина капиталист давлатларда қилинади, деб ўйлардим. У

Омина Шенликўгли
хам филмлар орқали бизга мажбуран
сингдирилганди. Бу дунёда коммунизмни
хоҳлайдиган инсонлар қанчалар бадбахт! Улар қаттиқ
азоб чекишарди! Уларни қахрамон деб эълон
қилишарди...!

Мен эса филмларда кўрмаган сахналаримни ўз
хаётимда кўраётган ва бу сахналар мен ўйнайдиган
роллар эмасди. Ва мен гўё коммунизм ҳимояси
остида эдим. Коммунизм халқни ҳимоя қиларди(!)
Чиндан ҳам мени ҳимоя қилди: лекин,
саодатдан, бахтдан... Шунинг учун бахт менга асло
яқинлашмади.

Оҳ, Каан оға оҳ! Ҳақиқий кийноққа, ўша
кўрқинчли кечага ўтмасимдан олдин шуларни айтиб
олай:

Аскарлар бизни эркак ва аёлларга ажратмай
туриб буйруқ беришди. «Шу тоғга сув чиқарасизлар»,
дейишди.

Бу қандай бўлади? У тоғга сув чиқаришнинг
асло имкони йўқ-ку! Сув қаердан ва қандай келарди?

– Қани кетдик, тоғга чиқамиз.

Исканжачилар қария мусулмонларнинг устига
чиқиб олиб, бақиришарди:

– Ярамас фашистлар! Қани, дин нима экан,
кўрамиз! Бизни шу тоғнинг тепасига олиб
чиқасизлар!

Қариялар уларни кўтара олмай йиқилиб
тушишарди. Устиларидаги коммунистларни тушириб

Исканжа

юборишадиган бўлса, бир арава калтак ейишарди. Кейин қаҳқаҳа отиб кула бошларди. Гўё ўша қаҳқаҳанинг овози онгимга ўрнашиб қолгандек эди. «Бу ердан чиқмайман» дейишарди ҳануз.

Гаплашиб кетаётиб қарасак сокчи келаётган экан. Бу сафар ҳам ўша даҳшатли воқеъани ўргана олмадим. Не ҳикмати, ўша воқеъани ҳеч ўргана олмаётгандим. Бир аёл бўлиб қанақа азоб чеккан экан-а?

Аёл... Аёл дейилганда хаёлимга уч аёл келади:

«Каан! Қутқар мени болажоним!», деган онамни... Кўзлари билан ёлвориб «Мени қутқар» деган опамни... Ва бошқалар кўрмаслиги учун кўли ўрнига бармоқларини силкитган севгилим Айбаламни... Энди буларнинг орасига тўртинчи аёл ҳам кўшилди: Севимгул...

Севимгул боши очик қиз эди. Исломий ҳукмларнинг ҳатто фарзи айнларини ҳам билмасди. Лекин, жуда ҳам шахсиятли, мағрур ва ниҳоятда қатъиятли қиз эди.

Уни эслаган пайтим хаёлимга шахсият келарди.

Ва «Аёлларнинг кучини нималигини фақатгина исканжачилар биладими?» деб сўрардим. Ва шахсиятли кишилар фақатгина ўзлари тарафидан билиниб, тақдирланади?!

Омина Шенликўгли

Шунақа бўлса розиман. Лекин, бунинг ўзи бирор
ишга ярамайди.

Эсимдан чиқмасидан айтиб кўяй, қотиллар
ўйлашмайди! Лекин, шундай бўлса ҳам бор эдилар.

Интиқом туйғуси

Исмат яна менга куръоний хабарларни айтиб
беришни хоҳлаётганди. Шу билан бирга тош конига
қараб кетаётгандик. Бу қамоқхонада гоҳида тош
конига занжирларсиз бориб келинардик.

Исмат вақтни Қуръон илми билан ўтказишни
хоҳлади.

— Бу сафар сенга мусулмонларнинг
қандайлигига доир бир далил яъни оят ўргатаман. Бу
эса сенга ҳадям бўлсин!

Уни жуда ҳам чарчатиб юборганимни, заҳмат
чекмаслигини айтиб, мен билан нима учун қизиқиб
қолганини сўрадим. Эскидан қолган яраларнинг
махзунлиги ҳамда гўзал асар ҳадя қилаётгандек
жавоб берди:

— Сени яхши кўрганимнинг далилидир. Ҳамма
яхши кўрганига ўзи ёқтирган нарсалар хақида
гапириб беради. Ёмон ишларни қиладиган одам
биродарига ҳам ўша ишларни қилдиради. Бир одам
ичкилик ича туриб шеригига таклиф қилмайдими?
Ичкилик ичадиган одам ўз шеригига ичкилигини
улашади-ю, биз ўз биродаримизга ўзимиз яхши

Исканжа

кўрадиган нарсани илина олмаймизми? Унутма,
Каан! Ҳамма ёқтирганига ўзи яхши кўрадиган
нарсадан икром қилади...! Қани кўрамиз, шу
айтганларимни сўзма-сўз ёдла:

Аллоҳ ўзига ибодат қилиб, солиҳ амаллар
қилган бандаларини олиймақом жаннатларига
киритади. Улар у ерда абадий қолади. Бу гапларни
тафаккур қилишни ўзи савобли амал ҳисобланади.

Она қорнидаги бола бу дунёдаги тушунчаларни
эшитса ҳам тушунмагани каби биз ҳам жаннатга оид
тушунчаларни тўлақонли маънода тушуна олмаймиз.
Фақатгина оналар каби бўла оламиз. Бу эса, биз учун
ўзимиз кўрмаган оламга оид маълумотларни
билмаслигимизни билдиради. Фаросат аҳли бўлган
уламолар эса, бу сўзларин яна ҳам кенгрок
тушунтириб, изоҳлаб берадилар.

Исмат айтган гапларнинг охирги қисми ҳақида
чуқур ўйга толдим. «Бу гапларни тафаккур қилишни
ўзи савобли амал ҳисобланади». Сўрадим:

– Сен айтган амал қилганлардан мақсад нима?

– Аллоҳ таолонинг розилиги учун ибодатларни
мукаммал адё қилиш ва инсонларга ёрдам беришдир.

Орқамизда бир жаллод соқчи гапларимизни
эштаётган экан.

Бирдан қаршимизга чиқди. Нафрат тўла
нигоҳлари билан иккаламизга тикилди. Ва нафрат
тўла овози билан бақирди:

— Ярамаслар! Демак, дин хақида гаплашяпсизлар? Кўзлари чиқиб кетгудек бўлиб чакнар, ғазаби тобора ортиб борарди:

— Сизлар ҳали ҳам динни унутмаганмидингиз? Ҳозир дин қолибдими? Биз сизларни ҳали ҳам одам қила олмадикми?

Кейин айёрона қилиб кулди.

— Зарари йўқ. Бундан кейин одам қиламиз. Қани кўрамиз, тезроқ юринглар. Иккаламизни ҳам орқамиздан қамчиларди. «Бироздан кейин кўрасизлар», дерди. Қамокҳонанинг олдига келганимизда соқчи Пол бизга буйруқ берди:

— Сизлар шу ерда мени кутиб туринглар!

Кўп ўтмай олдида яна олтига соқчи билан келди. Бизни яна ҳақоратли сўзлар билан сўқди. Ёмон ниятли одамнинг қарашлари шунчалик ҳам кўрқинчли бўладими! Одамнинг этини жунжуктириб юборади.

Кўзларини қисиб кўйди, кейин яна сўқинишда давом этди:

— Ҳозир иккалангиз ҳам диндорлик нималигини кўрасиз.

Биз нима қилар экан? Исмат билан бир-биримизга қарадик. Гоҳида кўзлар бир қарашни ўзида жуда ҳам кўп нарсани гаплашиб олар экан! Буларни шу ерларда жуда ҳам яхши ўргандим.

Бизни қамокҳонанинг олдидаги дарахтга оёғимиздан осиб кўйди. Кейин буюрди:

Исканжа

– Бу ерда ярим кечасигача осиглик туришсин. Кечаси бироз дам беринг. Кейин эрталабга яқин яна осинглар! Эртага ўзим керакли ишларни қиламан!

Ярим кечасигача оёғимиздан илинган ҳолда осилиб турдик. Кечаси ўша пайтда қарасам, Тургут келяпти. Ёнида ўн, ўн бештача сокчи бор эди. Уни кўргач бақирришни бошладим:

– Ёрдам, ёрдам беринг онажооон! Қаердасиз онажооон! Келинг, ўғлингизни аҳволини кўринг!

Тургут мени дарахтда осиглик турганимни кўриб, тўхтаб қолди. Ёнидагиларга қайрилиб сўради:

– Бу фашистлар нима қилишибди? Дарҳол жавоб беришди:

– Афандим, маҳбуслар орасида диний ташкилот тузиш режаси бор экан, кўлга тушишибди.

Оёғимдан осиглик ҳолда унинг кўзларига қарадим. Кўзларини мендан олиб қочарди.

Ҳеч нарса демасдан махсус машинасига ўтириб кетди.

Кечаси иккимиз ҳам осилган ҳолимизда гаплашиб турардик. Ундан сўрадим:

– Исмат! Юқорида «Аллоҳ ўзига ибодат қилиб, солиҳ амаллар қилган бандаларини олиймақом жаннатларига киритади» дединг-ку, сенингча мени бирор яхши амалим бормикан? Паст овозда жавоб берди:

– Аллоҳ ҳеч бир дандасининг амалини зое қилмайди.

Бир неча соат оёқларимиздан осилиб турганимиздан кейин чидаб бўлмас ҳолга келдик. Ичимизда нима бўлса, ҳаммаси оғзимизга тикилиб қолгандек туюлаётганди.

Қоронғуда олдимизга икки киши келди. Паст овозда гапиришди:

– Сизларни ҳозир ечиб кўямиз. Эрталаб сўраб қолишса, эрталабгача осилиб турганингизни айтасизлар. Эрталаб келиб сизларни яна осиб кўямиз. Бу икки киши ким эди? Бизга нега бу яхшиликни қилишди? Шуни ҳеч тушуниб етолмасдим. Эрталаб азондаёқ яна осилдик. Исканжачи бир неча соатдан кейин келди. Қўлида битта пакет бор эди. Лекин, нималигини билмасдик. Исматни қаршимга олиб келди. Кейин сўқиниб, унинг сочларидан торди:

– Қани, дўстингнинг онаси ҳақида ҳақоратли гапларни айт! Худди шу пайт Тургутни кўриб қолдим, лекин уни кўрмасликка олдим.

Исканжачи бақриб гапларини такрорлади:

– Қани, бўл! Шу итнинг онаси ҳақида ҳақоратли гапларни айт!

Исмаат жим бўлиб қолганди. Соқси бу сафар исмимни айтиб, яланғоч баданимга қамчи тушуриб, сўқинишни янгилаб олди:

– Қани, бўл! Шу Кааннинг онасини ҳақорат қил! Исмаат йиғлашни бошлади.

– Йўқ! Ўлсам ҳам айтмайман.

Исканжачи атрофимизда айланиб ^{Исканжа} турарди.
Кейин икки кишига бизга кишан солишни буюрди.
Бир тарафдан менга таҳдид қилаётган эди:

– Қара, ўртоғингга яхшилаб қара! Бироздан кейин навбат сенга келади! Кейин Исматга қаради:

– Ҳақорат қил, шунинг онасини! Тургутни бизга қараб турганини билардим. Интиқом ҳисларим ҳаётимдаги энг катта хатони қилдирди. Исматга қараб, бор кучим билан бақирдим:

– Исмат! Онамни бемалол ҳақорат қилишинг мумкин. Чунки онам дунёдаги энг аблаҳ фарзандни дунёга келтирди. У аёл ҳақорат қилинишга лойиқ!

Оғзимдан чиққанини қулоғим эшитмасди. Кўзларимдан ёшлар дув-дув оқарётганида шу гапларни айтдим.

Мени кечиринг онажооон! Бу гапларни жаҳлим чиққани учун айтдим. Итвачча ўғлингиздан интиқом олмоқчи бўлдим.

Бор овозим билан йиғлаган ҳолимда камчиланаётган Исматга бақирдим:

– Ҳақорат қилсангчи! Бўлмаса, теринг шилиниб тушади!

– Йўқ, қилмайман...!

Итдан тарқаган соқчи кулиб туриб давом этди:

– Фақатгина шу эмас.

Қўлидаги пакетдан Куръонни чиқариб, ерга улоқтира туриб бақирди:

Омина Шенликўгли

– Буни теппалаб туриб ҳам динингга, ҳам
Кааннинг онасига ҳақорат қиласан!

– Исмат ерга думалаб бақирарди:

– Йўўқ...! Йўўқ...! Асло бундай қилмайман!

Исматни тепкилаб, дўппослашни бошлашди.

Кейин яна арқонга осиб қамчилашни бошлашди.

Исмат қонга беланиб кетганди. Жўмракдан сув
оққани каби бурнидан қон оқарди.

Секин минғирлади:

– Ўляпман... Етар... Бу золимларга етмасди...

Етмасди...

Бир қарасам Исмат жимгина чайқалиб турарди.
Чунки бу табиат қонуни, ўликларнинг овози
чикмайди.

Бир муддат Исматга қараб турдим. Унинг
осилиб турган жасадида ҳам аслзодалиқ бор эди.
Баланд овозда бақирдим:

– Кўришгунча Исмат. Мукофотингни олишга
борган жойингдагиларга саломимни етказ!

Навбат менга келганида ура бошладилар... Бир
неча соат уришди...

Бир неча кун ўтганидан кейин ўзимга
келганимда кўл-оёғим у ёқда турсин битта
бармоғимни, ҳа бўрттирмаяпман, битта бармоғимни
ҳам кимирлата олмасдим. Вужудимдаги оғриқ бир
неча ҳафтача кетмади...

Ўзимга келганимда хаёлимга келган биринчи
нарсаси Тургут бўлди. Ажабо, мени уришаётганида

менга қараб турганмиди? Буни билишга шунчалик кизиқардимки, билиш учун боримни берардим.

Бир марта кўзларим Севимгулни қидириб қолди. Кўролмадим. Ўзим бошқа бўлимда эканман. Хафа бўлгандим. Ундан тош конида ёки далада учрашиб қолсак дунёнинг «аёл кишига бундай қилинмайди» деган ёки дейишини гумон қилган исканжани билиб олмоқчи эдим.

Кейин хаёлимга Исмат келди. У айтган ўша гапларни тез-тез ичимда такрорладим: «Аллоҳ ўзига ибодат қилиб, солиҳ амаллар қилган бандаларини олиймақом жаннатларига киритади». Кетди... Ҳозир у ерда ажрини олди.

Хаёлотим тасаввур қила олган даражада остидан анҳорлар оқиб турган жаннат «ғурфа»ларини ўйладим. Ҳар биттасининг катталиги дунёчалик кенг бўлса керак. Ёки умуман бошқача шаклдаги жой бўлса керак. Алалоқибат абадий бардавом бўладиган ажрлардан бири...!

Йигирма йилдан бери бу ерда ўзим танишган кўпаб инсонларни йўқотдим.

Мен севдим, улар ўлдирди... бир киши, икки киши, беш киши, ўттиз киши...

Бундан бошқа санай олмайман. Юзлаб инсон кўз ўнгимдан ўтиб кетди... Аллоҳ таоло ўз раҳматига олган бўлсин. Барчалари қийноқларга дош беролмай жон беришганди...!

Яна битта мен узоқдан танийдиган Аҳмадга ўхшайдиган шахс бор эди. Аҳмад ... Ўша ҳақида ҳам айтиб бермоқчиман.

Авваллари ҳамма фақатгина коммунизм ҳақида гапирарди ва коммунизмни хоҳловчилар учун «Хитой коммунизми, Рус коммунизми» деган нарса йўқ эди.

Кейинчалик мана шундай айрим келганидан кейин Аҳмадга ўхшаганларнинг ҳаёти зиндонга айланди.

Аҳмад таниқли ва жасоратли шахс эди. У ҳам ҳамма каби яхши кунлар келишини кутиб яшарди. Яъни у ҳам бошқа ёшлар каби ушалмас орзунинг кетидан қувиб кетарди.

Аҳмад каллали, интилувчан йигитлардан эди... Тинимсиз «ёрқин кунлар келиши учун» ҳаракат қиларди. Топ-тоза эди нияти. Ватан сотиш нима деганингиз, у ватан учун жонини берарди...!

Фақатгина талқин бошқача эди. Ватанни парам парча қилаётганларга алданганди, уларни кутқарувчилар деб биларди. «Баъзи буюклар», дерди Аҳмад «Биз коммунизмдан кўп жабр кўрдик. Коммунизм Россияда қандай бўлса, Хитойда, Туркистонда ҳам шунақа. Алданманг. Улар инсонларни олдин динсиз қиладилар», деса ҳам бизни ишонтиришлари мумкин эмас», дерди Аҳмад.

«Халқнинг паришон ҳолини тўғрилайдиган ягона тизим, бизнингча коммунизм», деб қўшиб қўярди.

Аҳмад шунақа ишонгани учун тушунчаларидан воз кеча олмасди. Коммунизм қанақасига зулм қилиши мумкин?! Аҳмад «Булар ёлғон, булар бўхтон», дерди. Ниҳоят ҳақиқатларни тушуниб етди бироқ анча кеч эди.

Уйғонгандик. Лекин, кўплаб нарсаларни қўлдан бой берганимиздан кейин...

Кошки бироз аввалроқ уйғона олганимизда эди! Нариги дунёда фойда бермайдиган бир калима бор экан: «Кошки...!» Бу дунёда ҳам коммунизмни олиб келиш учун жонларини жабборга бериб ишлаганлар учун «Кошки»нинг маъноси йўқдир.

Айтдик... Минг бора айтдик. «Кошки коммунизмга ишонмасайдик», деб.

Кошки «фашист» деб бегунох инсонларни ўлдирмасайдик! Кошки алданмасайдик...!

Яна юз бора, минг бора «кошки» дедик. Лекин, фойдаси йўқ эди, энди кеч.

Аҳмад Ўрта Осиё давлат университетининг «Тил ва адабиёт» факультетини тамомлаган. Кейинчалик Ўримчида уйғур тили ва адабиётидан дарс берган.

Шарқий Туркистон овози (11 йил, 39-40 сони), Турк дунёси тарих журнали (1993-йил, 83-сони) ва яна кўплаб нашрларда мақолалари эълон қилинди.

Ҳамма алданганларда бўлгани каби унда ҳам инсон ғурури топталиш масаласи қийнаётганди.

Аҳмад жуда ҳам фаол йигит эди. Лекин, бошқа кўплаб ёшлар каби у ҳам имкониятларини нотўғри нарсаларга сарфлаганди. 1963-йилнинг май ойида деҳқончилик журналида муҳаррирлик қилганди. Бу журнал Шарқий Туркистон ёзувчилар иттифоқи томонидан чиқариларди.

1962-йилнинг 29-майида Гулча шаҳри ҳодисаси рўй берди. Ундан олдинроқ эса, коммунизмнинг салбий оқибатлари ҳақида гап чиқа бошлаган эди.

Бу бузук тузум келганидан кейинок бошланганди. Коммунизм келганидан кейин Туркистоннинг ҳам, Хитойнинг ҳам, Россиянинг ҳам юзи кулмади. Албатта, халқнинг юзи демокчиман...

Ичкаридан туриб эшитишимизга кўра, сўнги кунларда бошқача тарғибот бошлашибди. Тортишувларнинг бош мавзуси «Хитой коммунизми яхшироқми ёки Россия коммунизмими?», деган савол айланаётганди. Кимгадир кўра, Хитой коммунизми яхшироқ эди, яна кимларгадир кўра, Россия коммунизми яхшироқ эди.

Биз ҳайрон қолгандик. «Хитой коммунизми, Рус коммунизми», бу нима дегани? Мантиғимиз буни қабул қилолмасди.

Туркистонимизни қутқаришимиз керак эди. Хитойга коммунизм келганидан кейин бизга тинчлик

беришмади. Бошқа имкониятимиз йўқлиги учун бир золимдан қочиб, бошқа золимдан мадад сўрадик.

Ўша ишимизга ҳали ҳам ҳайрон қоламан!

1961-йили Аҳмад элликта ўртоғи билан бир бўлиб, Россияга мактуб юборди. Ўша пайтлари Хитой коммунизми билан Рус коммунизми орасидан сув ҳам сизмасди. Мактубда:

«Сизнинг ўртоқларингиз Хитойга коммунизм келганидан кейин бизга зулм қила бошлашди. Ўлкамизга кўз тикишни бошлашди», дейилган эди.

Бу эллик киши ёзган мактубнинг бир жойи жаҳлимни чиқариб, ғазабимни кўзғарди. Русларга «Сизнинг эски ўртоқларингиз туркларни қийноққа соляпти» дейишиб «Бизни қутқаринглар» деб ёлворишганди.

Хитойликларнинг Гулча шаҳрига хужум қилиши ҳаммани шошириб қўйди. Ваҳоланки, биз бу хужумни кейинроқ шам ёқиб қидиришимизга тўғри келади.

Сталин ўлганидан кейин Мао русларга ҳам ҳукмронлик қилишни истади, лекин, улар буни рад қилишди.

Албатта, оралари ҳам бузилди. Икки давлатнинг ораси бузилганидан кейин иқтисодимиз ҳам остин-устун бўлиб кетди. Фақирлик бошланди.

Бу ерда одамни ҳайратга соладиган нарса Аҳмад ва ўртоқларининг мактуби эди.

Аҳмадни деҳқончилик журналидан бўшатишиб, деҳқончилик ишчисига айлантиришганди. Сургун қилинган ва ҳақоратларга учраганди...

Кейин руслар билан хитойликлар келишиб Туркистонни иккига бўлишди. Ғарбийсини руслар, шарқийсини хитойликлар олишди. Тўғрироғи, руслар Шарқий Туркистонни хитойликларга совға қилишди.

Эҳ, умидлар!

Биз руслардан ёрдам кутиб ўтирибмиз, улар эса, бизни хитойликларнинг кучоғига отиб юборибди.

Бир куни Хитой коммунизми Аҳмадни қўлга олди. Аҳмад ҳайрон бўлиб сўради:

– Айбим нима? Мени нега қўлга олдингиз?

Одатда жавоб беришмайди, лекин, бу сафар жавоб беришди:

– Сени учта айбинг бор:

Ватанпарвар эмассан.

Инқилобга қаршисан.

Ташқи кучлар билан ҳамкорлик қиляпсан. Булар қаердан чиққанди?

Масала кейинроқ ойдинлашди. Руслар Аҳмад ва ўртоқлари ёрдам сўраб ёзган мактублари ҳақида хитойликларга яширинча хабар беришибди. Бу ишда пиёда сифатида ўртоқларидан биридан фойдаланишибди.

Қаллобликнинг кўриниши...

Ислом олимлари «Куфр ягона миллатдир», деб тўғри айтишган экан. Ҳа, ирки ва эътиқоди қандай бўлса бўлсин, куфр ягона миллатдир.

Кейин Аҳмадни қамоқхонага ташлашди. Оёқлари эллик кило темир боғлашарди. Унга ўн беш йиллик маккажухори нонларини беришарди. Уйғурча гапириши таъқиқланганди. Оёқ кўллари чалкаштириб боғланган ва шу ҳолида икки ярим ой қолиб кетганди. Иплар ечиб юборилганидан кейин икки ойгача оёқларининг чигалини ёзолмабди.

Кийимларини ечганидан кейин уни шиша синикларининг устига ётқизишибди. Игнани суқишиб, нерв системасини ўлдиришибди. Кейин хужрага отишибди. Михли хужра... У ерда тортмаган азоби қолмабди. Бир неча йил азоб чекибди...

Айбми? Коммунизмга ишониш... Ишонгани учун душманини дўст билиб ундан ёрдам сўраш.

Шланг билан овқат еган кунлари ҳам бўлибди. Буларнинг ҳаммаси эллик киши бўлиб ёзилган мактубнинг бадали эди.

Хужрада тўлиқ тўққиз йил қолибди. Тўққиз йилдан кейин келишиб «Қамоққа олиндинг», дейишибди.

Аҳмад жаҳл билан ўрнидан сапчиб туриб бақириб юборибди:

– Бу нимаси? Тўққиз йилдан кейин қанақа кўлга олиндиш? Бугунгача нима эдим? Ва мени кўлга

Бу қўлга олинишдан кейин ҳам бир неча йил азоб чекибди.

Аҳмад қамоқхонадан чиққанидан кейин тортган барча зулму ситамларини бутун дунёга жар солиб, етказишга ҳаракат қилди. Чарчамади... Ҳозир ҳам Австралияда ҳар лаҳза коммунизмнинг асл башарасини дунёга етказишга ҳаракат қилмоқда. Коммунизмни ёқлайдиганларга:

– Шошманглар! Сизлар коммунизмни назарий биласизлар, мен эса, ўз кўзим билан кўрганман, унинг ичида яшаганман... Мен сизга айтсам.

Айт Аҳмад биродар, айт.

Баъзи ўринда сўз кумуш бўлса, сукут олтиндир. Баъзи ўринда иккиси ҳам бефойда. Ҳозир эса, айти гапириш пайти. Гапирмаслик жиноят.

Ҳамма Аҳмадлар, гапиринглар. Биз ҳар доим гапирамиз. Коммунизм зулмини тортганлар, тўхтамасдан гапиринглар.

Тортган азобларингизни телевизорларга чиқиб гапириб беринг. Радиоларда гапириб беринг. Тортган азобларингиз асосида филмлар ишлансин.

Нашрларга ёзинг.

У ҳақида эшикма-эшик юриб одамларга айтиб беринг. Нафас олиб чиқараётган, ақли бор ҳаммага айтиб беринг. Зеро, замонавий хаёлпарастлар ҳали ҳам коммунизмни жимжимадор дунё тузуми деб

Исканжа

гапириб юришибди. Биз унинг тузоқ эканлигини
айтиб берайлик.

Айтинг, бунга замонамиз ёшларининг эҳтиёжи
бор.

Ҳа, русларнинг пиёдаси бир турк йигитининг
яширин хабари Аҳмадни ва қирқ тўққиз ўртоғини
хаётини қора қилганди.

Куфр ягона миллатдир, ажралмасдир.

Мусулмон бўлмаса, не қилай туркни?

Шундай туриб қолмас, ботилнинг чархи

Ниҳоят тўхтар бир кун Иншааллох!

Яширинча

«Ох, Тургут ох...

Мени тириклайин ёқиб юбординг. Бу ҳам
етмагандай тез-тез қаршимга чиқяпсан».

Ҳар куни мана шу чидаб бўлмас азобдан
тўлғониб чиқардим.

Лекин, хайриятки уни кўрмай қўйгандим. Бир
ойдан бери тўқнаш келмаяпмиз.

Шуниси яхшироқ.

Ўзимга янги дўст топдим. У имом эмас,
ўқитувчи эди. Аслини олиб қараганда, ўқитувчи ҳам
бир тарафдан имом ҳисобланади.

Эй Аллоҳим, қамоқхонада чириган жуда ҳам кўп
имом ва ўқитувчи бор экан. Ишнинг ғалати тарафи
шуки, ҳақиқатпарварларнинг олдидаги, тузумга

ҳамтовоқ бўлган имомлар билан ўқитувчилар ҳам шу ерга олиб келинганди. Биз оз бўлсада коммунизмга қаршилигимизни билдирдик. Лекин, қани имомлар ва ўқитувчилар?! Мен танийдиган тақволи имомлар ҳам расман бош кўтаришибди! Фақатгина коммунизмга қаршилар эмас, биронта фикрга эга эмаслар ҳам шу ерда эдилар!

Мисол учун, олдимда имомларни қоралайдиган биттаси бор. У одамни жинни қилиб кўяй дейди. Аслида бу одам имомни қораловчи бўлишга ҳам арзимаydi. Ҳа майли... Бу одам мана шунақа. Тузумдан кўрққани учун ҳамтавоқлик қилибди. Кўплаб мусулмонларга зарар берибди.

Ҳамма кўрқиши мумкин. Кўрққан одамни айблаб бўлмайди. Бир одам нимадан кўрқса кўрқсин, кўрқуви сабабли ёмон ишлар қилмайдиган, фақатгина кўрққани учун яширинаётган бўлса, бу энг заиф мусулмон ҳисобланади. Бироқ, кўрққани сабабли яшириниш ўрнига олчоқлик қилса, ана ўша пайт кўрқув иллатга айланади.

Бу имомнинг ёрдамчиси кўрққани учун тузумга ҳамтовоқлик қилибди. Бу етмагандай ўзи танийдиган ҳамма диндорларни сотибди. Шунча иш қилса ҳам, барибир бу тузумга керак бўлмабди.

Энди у ҳам шу ерда. У мен билан яқиндан муносабат ўрнатмоқчи, лекин, мен бунақа нусхаларни ёқтирмайман.

Исканжа

Намозимни қолдирмасдан ўқияпман. Аҳмад қиска сураларни қамоқхонада ўрганиб олганди. Мен ҳам шундай қилдим. Лекин, тўғриси айтсам, имом суратига кириб олган бу сотқиндан сотиб кўяди, деб кўрқардим. Шунинг учун баъзи дарсларни ундан яширинча қилардик.

Шунингдек, бу ерда намозни яшириниб ўқишга хожат йўқ эди. Тургут таълимот бериб «Биз ибодатларига аралашмаймиз», деган эди. Аслида, у итга ҳам ишонмайман.

Юрагим тилка пора эди. Тортган азобларимнинг яраларини сизга айтиб беролмайман. Лекин, Тургут очган яранинг чуқурлиги ва оғриғи ҳеч нарсага ўхшамайди.

Қутқар, Аллоҳим! Ярали кўнгилларга ўзинг шифо бер!

Энди, ярамни яна ҳам чуқурлаштирадиган, яна ҳам каттароқ руҳий тушкунликка тушиш арафасида эдим.

Бўлинмада намоз ўқиётган эдим. Бир отахон эса, орқадаги ўринда ётган экан.

Бирдан Тургутнинг овозини эшитиб қолдим.

– Бу фашист яна намоз ўқиябдими? Кейин ёнидагиларга буйруқ берди.

– Сизлар чиқинглар, бу фашист билан ёлғиз қолмоқчиман. Эшикни ҳам ёпиб қўйинглар.

Ҳамма чиқиб кетди.

Намозда энг камида ўн марта фотиҳанинг ярмигача ўқиб, давомини унутиб кўйганим учун яна бошидан бошладим. Оёқ кўлим титрарди.

Ўша куни инсоний хусусиятларнинг яна бирини кашф этдим. Ҳар битта масаланинг ёки ҳаяжоннинг титроқ шакли бошқача бўларкан. Шундоқкина ёнимга яқинлашди. Энсамга калтагини теккизди, hozир тушириб қолади деб кутябман.

Саждага борганимда ҳам тепиб қолишини кутдим. Лекин, ҳеч нарса қилмасди. Бу сафар орқамга ўтди. Иккинчи ракатда қиёмга турганимда нима қилишимни унутиб кўйдим. Нима қилишимни билмай фақатгина қиёмда турардим.

Ишониш қийин бўлган нарса, лекин ишонинглар дўстлар, мен басмала айтишни ҳам унутиб кўйгандим.

Кейин эслаб намозимни давом эттиришни бошладим. Ҳам йиғлар, ҳам намоз ўқирдим. У ҳали ҳам орқамда турарди.

Кетсангчи, Аллоҳнинг балоси, бор кет олдимдан! Сени кўриш ўрнига Азроилни кўришни маъкул кўраман. Тушунсангчи мени!

Охирги ракатнинг саждасини қилдим. Таҳийят дуосига ўтирдим. Бўлинмадан чиқиб кетди. Тиззаларимда дармон қолмаганди.

Саждага бошимни кўйиб роса йиғладим. Бир неча дақиқа саждада қолиб кетдим.

Мен саждага бошимни кўйиб йиғлаётганимда елкамга кимнингдир кўли текканини сездим.

Бошимни кўтариб қарадим.

Бизнинг бўлинманинг энг ёши катта қарияси. Кўзларимга қараб сўради.

– Нега йиғлаябсан?

– Қанчалар бахтлиман, энг вахшиёна зулмлар татбиқ қилинадиган бу зиндонларда мендан «нега йиғлаябсан?», деб сўрайдиган одам бор. Бу ҳам бир неъмат аслида. Лекин «нега йиғлаябсан?», деган саволни сўралмайдиган кишилар ҳам бор ва бунинг нималигини шунақа аҳволга тушмаганлар билмайди.

Кўзларимни олиб қочиб жавоб бердим.

– Ўзим! Жоним сиқилиб кетди отам, жоним. Жуда ҳам сиқилиб кетди.

Отахон давом этди:

– У мудир сенга ким бўлади? Хуркиб кетдим. Ёлғон гапириш гоҳида исканжадир. Лекин, одам ўзига ўзи исканжа қилиб ёлғон гапиради.

– Ҳеч... ҳеч ким бўлмайди. Кўзларига тикилиб қарадим:

– Ғалати! Мудир сен намоз ўқиётганингда сочларингни ҳидлаб-ҳидлаб йиғлади... Тўғриси айтсам бу ишдан ҳайрон бўлиб қолдим. У нима учун йиғлади? Сенинг сочларингни нега ҳидлади?

Тириклайин ўлиш шуми Аллоҳим! Ёндим...! Ёндим...! Демак, сочларимни ҳидладинг-а Тургут? Жонажон акам, демак, мени соғиндинг? Юзимга

Омина Шенликўгли

қараш учун юзинг бўлмагани учун шундай қилдингми? Пушаймонмисан Тургут? Бу холинг билан мени қандай балоларга гирифтор қилганигни билдингми? Ёқдинг мени Тургут! Қанийди бу гапларни ҳеч эшитмасайдим. Икки хил оловда ёқдинг мени!

Гўё олов ичида эдим. Саждага бошимни кўйиб, бақириб йиғладим. Энди ким эшитса эшитсин, менга фарқи йўқ. Ичимдаги ёнғин билан фарёдим юксалиб кетди:

– Тургутуут...! Жигарингнинг даъвоси яна ўз жигарингда топилади. Кел, дардимга дармон бўл, Тургутииим... Қаттиқ пушаймонмисан? Сен мендан кўпроқ ёнябсанми, Тургут? Сени ҳам ёқишди, мени ҳам...! Пушаймонсан айт жигарим. Ҳаммасига қарамай сени кечириб юбораман. Мени қалбим яралидир, ярали қалблар тезда кечириб юборадилар... Илтимос, айт. Яширинча сочларимни ҳидлаб кетма. «Пушаймон бўлдим», де. Яширмай ҳидла сочларимни. Мен ҳам ҳидлай сенинг сочларингни... Ҳеч бўлмаса шуни раво кўр менга...!

Бир неча соат йиғладим, йиғладим, йиғладим. У туйғуни айтиб бера олмайман.

Яна бир нарсани тушуниб етдимки, одам боласи айтиб бера олмайдиган кўплаб туйғулар бор экан.

Ўзимга келолмасдим... Бир неча соат ўтиб кетганди. Мен соатга ҳам кеча-ю кундузга ҳам парво

қилмасдим. Ақлим бошимда эмасди. Ақлимга ўзинг соҳиб бўл Аллоҳим!

Туриб-туриб хаёлимга келаверарди: Демак, сочларимни ҳидлади...! Эй Аллоҳим!

Бу ғариб банданг энди нима қилсин? Нима қилай, Аллоҳим? Мен ўзимни нима қилай?

Дунёда ундан бошқа бирон кимсам ҳам қолмагандир... Коммунизм ҳаммасини мендан тортиб олганди. Ёлвораман, Аллоҳим! Тургутни менга қайтариб бер! Ҳаммасига қарамай, агар пушаймон бўлса, уни кечириб юбораман. Сен кечирган бандангни мен ҳам кечираман Ё Роббий!

Ажабо, телбалар ҳам менга ўхшармикан?

Ҳеч нарсани кўрмаяпман. Овозларни эшитмаяпман. Очиқмаяпман. Фақатгина сув ичяпман.

Яшаётганимнинг энг катта исботи нафас олиб чиқараётганим эди.

Ажабо, ҳозир одамлар мен ҳақимда қанақа фикрда экан? Ҳеч нарсани билмайман, ҳеч нарсани ўйламаётган эдим. Ўзимни аҳволимни билмасдим. Кимдир мен «Ҳой» деб уйғотиб юборсачи! Ўзимни ўзим уйғота олмаябман, ўзимга келтира олмаябман.

Орадан кунлар бир неча ўтди. Кутилмаганда мени судга чақиришиб қолди.

Мени олишга соқчи келди. Қамокхонанинг бошқарма бўлимига бордик. Кутиб ўтиргандим.

Вой Худойим-ей! Бу суд энди қаердан чикди. Махбусларни назорат қилиш эшиги олдида бошқа махбуслар билан бирга кутаётган эдим.

Соқчилардан бири олдимга келди.

– Сени мудирбей чақиряпти. Тезроқ юр!

Эй Аллоҳим! Бу тортган азобларим нима? Яна музлаб кетдим. Яна титрардим.

Ўрнимдан турдим. Яна ўша нарса бўлди. Қулоқларим ҳеч нарсани эшитмасди. Ичимдаги гўлдираш мени эсимдан оғдириб юборади, деб ўйлардим.

Демак, маънавий исканжа, моддий исканжадан анча таъсирлироқ экан. Биронта исканжа мени бу ахволга тушира олмаганди.

Кейин аста-секин ўзимга келдим.

Исмимни эсладим. Исмим Каан эди. Кейин бошқа нарсаларни эслай бошладим. Ҳа, ўзимда эдим. Лекин, ўзим қаерда эдим, унисини билолмасдим. Бирдан соқчининг овозидан сесканиб кетдим:

– Қани Каан! Нега келинларга ўхшаб ноз қилиб турибсан?

Алббата, ноз қилиш келинларнинг ҳаққидир. У ота-онасининг уйини тарк қилиб ташлаб келган эди. Куёв ҳам бировнинг уйига борса биров ноз қилади.

Зотан, ҳар бир инсонда ноз бор. Нозланиш баъзан эҳтиёждир. Лекин, одамзот севганларига ноз қилади. Хўш, мен кимга ноз қиламан?

Биров тезроқ бўлишга ҳаракат қилсам ҳам, оёқ кўлим бирдан Тургут тарафидан чақирганимни билиб қолди.

Юра бошладим. Мудирнинг хонаси олдида тўхтадик. Соқчи эшикни тақиллатди. «Кир» деган овоздан кейин соқчи менга ўгирилиб:

– Сен шу ерда кутиб тур

Соқчи ичкарига кириб эшикни ёпди. Энди нима бўлади? Аллоҳим, ўзинг менга сабр бер! Соқчи беш дақиқа ўтмасиданок ичкаридан чиқди.

– Ичкарига кир. Мудирга ҳисоб берасан! Эшикни очдим. Оҳиста ичкарига кирдим.

Тургут ўрнида ўтирарди. Мен эшикнинг олдида тахтадек қотиб қолдим. Унга қаролмасдим.

Нега...? Айбдор у! Хўш, менга нима бўляпти?

Аслида, у менинг юзимга қаролмаслики керак. Лекин, нега мен унга қаролмаяпман?

Бу туйғунинг номи нима?

Кейин анча кейинги йилларда ҳам «Ҳали бу туйғунинг номи кўйилмади», дейишди.

Мен унга қарай олмаётган эдим, лекин унинг менга қараб-қарамаганига ҳам кизиқаётгандим.

Шунақанги титрардимки, жағим бир бирига уриларди. Бу сафар йиғламаётгандим, лекин жуда титраётгандим.

Оёқларимнинг учига қараб бир аҳволга келиб қолдим.

Ўзимда жасорат топиб, аста бошимни кўтардим. Бу аҳволим нимаси? Мен ахлоқманми? Йўқ, эмасман. Унақада... унақада қарайман.

Бошимни кўтариб, унга қарадим.

Тургут бошини столнинг устига қўйиб, овозини чиқармай йиғларди. Аввало елкаларини кўрдим. Ҳақиқий маънода қичқириб йиғлаётгани елкаларидан маълум эди.

Во ажаб! Баъзан ўзимни таниёлмай қоламан.

Баъзан эмас, кўпинча ўзимни таниёлмай қоламан. Бугун, хусусан, бугун туйғуларимдан жуда ҳайрон қолдим. Ажабо, нега йиғлаяпман? Мен бу манзарага аниқ йиғлардим, лекин ҳозир йиғлай олмаётгандим.

Тургут тўхтовсиз йиғларди. Ажабо, нима учун йиғлаётган экан? Бир неча дақиқа ўтган бўлса ҳам, бошини кўтариб менга қарамасди. Роса йиғлаганидан кейин бошини кўтарди... Кўзлари қонталаш бўлиб

кетган эди. Кўзларини кўзларимга тикди. Кўзларида бошқача маҳзунлик бор эди.

Ҳозир сўрасаммикан?

– Энди қалайсан, Тургут? Бу курсига ниманинг эвазига ўтирдинг?

Бу гаплар тилимнинг учигача келарди, бироқ, айтолмасдим. Ё пушаймон бўлса... Бу кўзёшлари фақатгина укасини соғингани учун эмас, балки, пушаймон бўлаётган бўлсачи? Унақада унга зулм қилиб қўйган бўлмайманми? У менга шунча хоинлик қилса ҳам мен унга ундай қила олмасдим.

Мен гапирмасимдан олдин у гапирди:

– Мен учун битта яхшилик қиласанми, Каан?

Кўзларига қарадим. Бу яхшилик нима бўлиши мумкин? Мен жавоб бермасимдан давом этди:


– Илтимос Каан, менга битта яхшилик қил. Мени ўлдир Каан! Ортиқ бу қийноқларга чидолмайман. Бу юкни кўтара олмайман.

Паст овозда унга жавоб бердим:

– Қанақа юк? Эсанкираб қолдим.

– Сени юкинг. Сенинг бу ҳолингни кўришга ортиқ чидолмайман, тушунябсанми? Ҳар куни ўлябман. Пушаймонман Каан!

Ҳеч тушуна олмасдим. Тургут ҳозир коммунизмга ҳамтовоқлик қилгани учун пушаймонмиди ёки мени сотиб қўйгани учун пушаймонмиди? Шунни билиш учун сўрадим:



– Нимадан пушаймонсан? Ёмғирдек оқарди кўзёшлари.

– Бунақа савол сўрама Каан! Бу савол мени эзиб юборди. Сен сабабини биласанми?

– Биламан. Шунчалар кўп сабаби борки... жаҳли чиқиб кетди.

– Сабаб сенсан, сен! Сен нега буни тушунмайсан? Менман лекин қайси хусусиятимга кўра менман?

– Гапни чўзма! Пушаймонлигининг сабаби нима? Коммунизмга теримни шилдарганинг учунми? Коммунизмни бунга арзимаслигини билганинг учунми? Ёки йигирма йилдан бери менга бераётган азобларинг сабаблими?

Юзимга тикка қаради, кейин баланд овозда бақирди:

– Сенинг қийналаётганингни кўриш мени ўлдирыбди. Сен келганигда қандай азобланганимни тушунтириб беролмайман. Ўлиб тирилдим Каан. Сенинг ўрнингга ўша қийноқларга мени солишларини хоҳлардим...

Воҳ ажаб! Мени эс-хушим жойидами? Тургутни ҳали ҳам тушуна олмасдим. Бу Тургут нима деябди. Қилган сотқинликларидан пушаймонмиди ёки коммунист бўлганиданми?

Унинг ичида нималар бўлиб ўтаётганини билиш учун унга қарадим. Қанчадан қанча зулмларга имзо отилган бу курсида Тургутнинг ўтирганини кўриш

ҳам тақдиримда бор экан. Бутун вужудим билан титрашим ҳануз тинмаганди.

– Сен нима деябсан Тургут, шуни тушунолмаяпман. Пушаймонлигингни номини кўяйлик. Нимадан пушаймонсан?

– Сенга қилганларимдан.

– Коммунизмга хизмат қилганингдан ҳам пушаймонмисан?

Қаттиқ бақирди:

– Ҳозир буни тиқиштира! Бақирини навбати менда эди:

– Уни тиқиштирмасдан бундан кейин бир нафас ҳам олмайман. Уни тиқиштира деганинг нимаси? Шунақаси ҳам бўладими?

– Гапни чўзма Каан, мени ўлдир, деяпман!

Ўша ҳолимда юзига қараб турардим. Тишларимни гичирлатиб сўрадим:

– Мен одам бўлай деб, буйруқ билан одам ўлдиришни бутунлай ташладим. Ўлишни шунчалик хоҳлаётган бўлсанг, буйруқ билан одам ўлдиришни хизматкорларинг жуда яхши қойиллатишади. Сен бу ишни уларга ҳавола қил.

Кўзларидаги ёшни артиб бошқа нарсани таклиф қилди:

– Сени бу ердан қочириб юбораман. Шундай қилишимга рухсат бер. Бу таклиф менга ўқдек санчилганди.

— Асло ва асло сенинг ёрдаминг билан қочмайман! Сени ёрдаминг билан қочиб тош виждонингни хотиржам қилмайман. Онаминг, отамнинг, опамнинг, жиянимнинг қонини оққизган қора виждонни хотиржам қилолмайман. Ўлсам ҳам бундай қилмайман. Қайтиб мени бу олий мақомингга(!) чақирма. Сени кўрсам ақлдан озиб қолай дейман.

— Сенга қилган ишларимдан жуда пушаймонман. Каан, сени соғинибман.

Яна йиғлашни бошлади:

— Сендан бошқа соғинадиган одамим ҳам қолмабди, қолдирмабман.

— Яхши, буларнинг барига коммунизм сабабчи эмасми? Менга очиқчасига жавоб бер. Луғатга қараб ўтирадиган аҳволда эмасман.

Яна ўша жавобни берди:

— Уни тикиштирама.

Ақлбовар қилмас бир ҳис мени қамраб олганди. Унинг олдига тўғри бориб бақирдим:

— Қонимни сўрган тузумни қанақасига тикиштирамай? Бу қанақа таклиф бўлди? Бундан кейин ҳар нафасимда шуни ўйлайман...

У ҳам ўрнидан туриб мен тарафга кела бошлади. Юмшаб қолганди:

— Қизишма, Каан! Сени бир марта бағримга босмоқчиман. Ҳеч бўлмаса, шунга имкон бер. Сени қаттиқ соғиндим.

Турган жойимда музлаб қолдим:

– Саволимга жавоб бер. Ундан кейин ўйлаб кўрамиз.

– Қайсарлигингча қолибсан Каан!

– Йўқ, бу қайсарлик эмас. Бу шахсиятимнинг тимсолидир. Пушаймонмисан, дедим?

Бу саволимга жавоб бермасдан мавзуни ўзгартирди

– Мени ёлворишга мажбур қилма. Яна ўша таклифимни такрорлайман. Сени бу ердан кочириб юбормоқчиман, Каан. Қоч, қутул. Бу кийноқлар сенинг ҳаққинг эмас. Сенга яхшилик қилмоқчиман. Мени тушун, шунга рухсат бер. Жаҳлим чиқиб кетди:

– Менга қайси сифатда ёрдам берасан. Оддий бир инсон сифатидами ёки бир коммунист сифатидами? Олдин шу нарса аниқ бўлсин деяпман, лекин сен бунга жавоб бермаяпсан.

Ерга қараб қолди. Кейин бошини секин кўтариб менга қаради. Яна паст овозда жавоб берди:

– Мен инқилобчиман Каан. Буни биласан. Коммунизмни кўллаб-қувватлайман...

Устимдан иссиқ сув тўкиб юборгандек бўлди. Кўзларига нафрат билан қарадим. Бақириб-бақириб жавоб бердим:

– Кўптак! Мен билан ҳали ҳам коммунист бўлиб гаплашяпсанми? Ҳали ҳам коммунист бўлганингни билганимда эди, сен билан гаплашармидим? Таклифингга келадиган бўлсак, яна ўша жавобимни

Омина Шенликүгли
бераман. Мен ориятимни йўқотганим йўқ. Сендан
ёрдам олмайман. Асло бундай қилмайман. Сен мени
йигирма йилдан бери шу жойларда чиритяпсан.
Онамни, отамни, ҳамма нарсамни кўлимдан олдинг.
Мен керак бўлса ўламан, лекин сендан келадиган
ёрдамга кўз қиримни ҳам ташлайман. Сенинг
виждонингни хотиржам қилмайман!

Кейин овоз оҳангини ўзгартириб давом этди:

– Кўппаклик қилма. Ғайратимни сўндирма. Мен
сендан бошқа ёрдам сўрамайман, тушуняпсанми?
Менга берадиган энг катта ҳадянг кўзимга
кўринмаслигингдир. Сени кўришга тоқатим йўқ,
тушуняпсанми!

Мени боши эгик ҳолда, кўзларида ёш билан
тинглади. Эшикка қараб кетаётган эдим гапириб
қолди:

– Каан! Сен асло итларни кучоқламаганмисан?
Илтимос, мени ит ўрнига кўйиб, бир марта кучоқла.
Ишон, бунга жуда муҳтожман.

Ортимга қайтиб унга жавоб бердим:

– Ҳаётим бўйи сендек пасткаш итга дуч
келмадим.

Бўлинмага қайтиб кетаётиб ўзимдан ўзим
фахрланиб кетдим. «Баракалла Каан! Сен чиндан ҳам
иззатли инсонсан. Қийин бўлса ҳам ўша итдан

Исканжа

ёрдамини қабул қилмадим. Ўзимни пастга урмадим»,
деб ўзимдан гурурланиб кетдим.

Бўлинмага келганимда бир аҳволда эдим.

Бу ердан чиқиш умидим асло йўқ эди.

Инсонлар кўп ўйлаб, озроқ умид қилишни
ўрганишлари лозим.

Эҳ, коммунизм! У умидларимизни ҳам
кишанлаб ташлаган экан!

Бир қарсаклик ҳуррият

Биз инқилобчи бўлган пайтимиз бир ҳикоямиз
бор эди. Шунинг учун «Павловнинг ити» деган
гапини кўп ишлатардик. Бизга «Павловнинг ити»
деган ҳикоя қуйидагича айтиб берилганди:

Павлов исмли бир капиталист бўлган экан.
Итини роса ишлатаркан. Унга тўйгунича овқат
бермас экан. Лекин, ҳамма жойда уни ишлатаркан.
Павловнинг бир одати бор экан. Қип-қизил
гўштларни итга кўрсатиб, унинг сўлагини оқкизиб,
унга гўштни бермас экан. Ит гўштга қараб
югурганича қолиб кетаркан, бироқ, бундан сабоқ
олмай, Павловга итоат қилишда давом этавераркан.
Физёлог Павлов итини ўзгача услубда
тарбияланганди, бизга ҳам шундай нотўғри билим
берилганди. Ўз манфаатлари учун қасддан ёлғон
гапиришарди. Бунга ўхшаш кўплаб ёлғонларга
алдангандик.

Омина Шөнликүгли
Капиталистларни «Павлов»нинг, уларга
алданганларни эса «Павловнинг ити» ўрнига кўярдик.

Ҳозир шу ҳикояни эслаб, ҳеч нарса
ўзгармаганига амин бўлдим. Капитализмда ҳам,
коммунизмда ҳам кўплаб «Павловнинг ити» бор экан!

Тургут ўша итлардан бири эди.

Судга олиб кетишаётганида ҳам йўлда доим
шуни ўйладим. Ярамас хоин хаёлимни тўзғитиб
ташлабди, нима қилсам ҳам судяларнинг олдида
гапира олмадим. Ўзимни кўлга ололмадим.

Сўрашди:

– Айбинг нима?

– Билмайман. Ўша саволлар, ўша жавоблар.

– Қанақасига билмайсан.

– Мен тушунмайдиган ҳамма нарса. Қандай
хоҳласангиз, шундай тушунинг. Қийнанг, осинг,
сўйинг лекин мендан ҳеч нарса сўраманг. Нима бўлса
ҳам менга ишонмайсиз. Унақада сўраб нима қиласиз?

Қайтишда Тургутга дуч келиб қолдим. Унга
нисбатан эски туйғуларим йўқ бўлиб кетганди. Менга
ачиниш тўла кўзлари билан қараб турарди. Ёнимга
келиб, ёлғизлигидан фойдаланиб қулоғимга
пичирлади:

– Сен энг яхши кофир эдинг. Сифатингни асло
бузмабсан. Яна бир марта қаршимга чиқсанг, сени
уларга ўзим топшираман, хабаринг бўлсин.

Кўзларимга ғалати қараб турарди ит!
Шубҳалана бошладим. Бу итнинг тили бошқа,

кўзлари бошқа гапираётган эди Исканжа
назаримда.
Инсоннинг қарашларини яхши биламан. Тил
қалбдаги нарсанинг тескарисини айтиши мумкин,
лекин, кўзлар бу борада қалбга яхши боғлангандир.
Ёки бу ит шу қарашлари билан рол ўйнабдими?
Аллоҳ балоингни берсин Тургут. Бир фикрдан олиб
иккинчи фикрга суқарди.

Бўлинмага келаётиб Севимгулни кўрдим.
Саломлашиб ўтиб кетдим. Кейин бўлинмага олиб
келишди.

Намоз ўқиб бўлгач ўрнимга ётганимда сохта
имом олдимга келди.

– Оға, қалайсиз? Суд қандай бўлди?

– Бир хил.

– Нима бўлди?

– Ўша бир хил нарсалар.

– Оға, сиз мен билан гаплашмоқчимасмисиз?

– Ҳа, шунақа. У олдимдан кетди.

Сизга у ҳақида олдин айтиб бергандим. Ўзим
яхши кўрадиган ўқитувчи олдимга келди.

«Ўзим яхши кўрадиган» дейишга дедим. Лекин,
мен хосиятсизманми? Кимни яхши кўрсам, ўша
ўлябди. Кечириб қўясиз мен ёқтирмайдиганлар ҳам
бу ерда ўлябди. Зеро, ислом ақийдасига кўра, ҳеч бир
нарсада хосиятсизлик йўқ. Одамга яхши келмаган
нарсани хосиятсиз қилган инсонлар ва маконлар бор.
Лекин, яхши келмаслик билан хосиятсизлик бошқа-
бошқа нарсалардир.

Омина Шенликўгли

Мен ҳам баъзида чиройли гапириб юбораман!
Аслида, мендан жуда яхши хатиб чиқади. Гап
орамизда қолсин.

Ўқитувчи сўради:

– Судинг қандай ўтди?

– Барбод ўтди хўжам. Инсонни айблаганнинг
адолатига ишонмаганингиздан кейин ҳимояланишга
ҳам эҳтиёж сезмас экансиз. Сўзни исроф қилганингиз
қолади.

– Натижа нима бўлди?

– Яна шу ердამиз. Ҳеч нарса дейишмади. Жазо
муддатим қанчалигини ҳам, қанча қолганлигини ҳам
айтишмади. Аҳволимни сўраманг хўжам. Шунақа
аҳволга тушиб қолдимки, ўлсам бундан яхшироқ
бўлармиди, деб ўйлаб қолдим. Судяларга шунақа
гапирдимки, кўрганингизда мени олқишлаб
кўярдингиз.

Кечирасиз, хато гапирдим, олқишлай олмасди.

Бунақа суд маҳкамаси бўлиш ё бўлмаслигини
ўйлаб кўрганимдан кейин бунинг мумкин эмаслигини
кўрдим. Ҳа, инсон коммунизмда ўзи ёқтирган
нарсани олқишлашга ҳам ҳаққи йўқ. Олқишланган
нарсани коммунизм қабул қилмайди...

Бир олқишлик хуррият...! Бир олқишлик
хуррият...! Коммунизмда уни асло қидирманг...

Кейинчалик билишимча, шартлашган
бутпарастлар ҳам булардан куйида эмас экан. Лекин,
бутпарастлар ҳали ҳам Павловнинг итига таклид

қилишда давом этишаётган экан. Ҳамма ^{Исканжа} динсизлар шундай қилишаётган экан...

Ўқитувчи билан роса гаплашдим. Орада имомсифат олдимга яна бир марта келди.

– Менга айтиб бермадинг. Лекин, ўқитувчига ҳаммасини айтиб бердинг. Бу айб эмасми, Каан?

– Нега айб бўлсин? Мен ҳамма билан бир хил шаклда гаплашишга мажбурманми? Устига устик атрофда сотқинлар изғиб юрган бўлса.

– Сен менга ишонмайсан, буни биламан.

– Мусулмонни золимга сотган мусулмон эмас. Унақа одамлар билан гаплашсам аллергиям кўзиб кетади. Нима қилай, бу кўлимда эмас? Қаллобларни ёқтирмайман.

Юзимга ғалати қилиб қараб қўйгач:

– Сенинг эътиқодингга кўра, қаллоблар тавба қилишмайдими? Дарҳол юзимни унга буриб қарадим. Бу жуда ҳам ажойиб савол эди. Лекин, бунинг жавобини билмасдим. Ҳалигача билмайман.

Бир куни кутилмаганда қаттиқ касал бўлиб қолдим. Шунақанги ҳолдан тойган эдимки, минг қамчи уришса ҳам ўрнимдан қимирлай олмасдим. Бир неча кун шу ҳолимда ётиб қолдим. Тинмай терлаб, олов каби ёнардим. Шу билан бирга титрардим. Буни ўзим ҳам билмасдим.

Ўзимга келганимда эсладим. Тушимда онам олдимга келиб «Жигарпорам, сенинг касаллигингга мен чидолмайман», деб менга сув ичираётган эди.

Ҳайрат! Отамни ҳам, опамни ҳам кўрдим.
Ҳаммалари тепамда тўпланиб туришарди.

Бир марта Тургутни ҳам кўрдим. У ҳам эшикнинг орқасида бир кўзи кўринадиган даражада бошини чиқариб менга қараб турарди. Кўзларида ўша маҳзунлик ва тўла ёш бор эди. Аллоҳнинг балоси Тургут. Ҳатто, тушимда ҳам мени тинч кўймасди.

Гўзал онажоним. Асло қаримабди. Опам ҳам. Отам эса, анча чўкиб қолибди.

Катта акамни эса, ҳатто тушларимда ҳам кўрмасдим. Ундан каттиқ нафратланганим учун ҳаттоки, тушларимга ҳам кирмасди.

Оҳ, онажоним қаердалигингни билолсам эди! Ўлмасимдан олдин сизни кўролсам эди! Касал бўлганимда сизни ҳар доимгидан ҳам кўпроқ қидирябман онажоним! Кап-катта одам бўлсам ҳам ичимдаги болакай ўша соғинчни туймоқда. Билганимда эди ҳеч бўлмаса мазорингизга борган бўлардим. Ҳеч бўлмаса ўша мазорингни тополсам эди.

Эҳ, коммунизм! Демак, бизни биргина қабрни қидирадиган аҳволга туширдинг-а! Ҳали ҳам сен тараққиётчи, Аллоҳ таоло юборган низом эса, қоқлик, шунақами!

Сени кимлигингни кўра била туриб уйғонмаганларга, эйвоҳлар бўлсин!

Динсизлик туманларида ўзларига йўл қидирган динсизларнинг ялтоқларига, эйвоҳлар бўлсин!

Кейинчалик билишимча, Тургут касаллигимда олдимга келиб, менга қараб-қараб қайтиб кетибди.

Ит, мени хафа қилишда давом этяпти. Лекин, унга алданмайман.

Бир марта ёнимда ўтиб кетаётиб пичирлади:

– Қайсарлик қилма Каан. Сени бу ердан қочириб юборай. Ўзича гуноҳини ювмоқчи, ифлос. Заррача виждони қолган бўлса, ўшани хотиржам қилмоқчи. Лекин, мен иззат нафсини биладиган одам бўлганим учун ўзимни хорликка ташламайман.

Лекин, ичимни кемираётган курт ҳам йўк эмасди. Мен Тургутга нисбатан ҳаддан ортиқ бераҳмлиқ қилиб қўяяпманми, деб ўйлаб қолдим. Мен нима қилай, бу ўзимнинг қўлимда эмас.

Мен бир нарсага ишонаман. Менинг фикримча, номуси ва шарафи билан ўлганлар тобутларида ҳам виқор билан турадилар. Агар мен бу ерларда ўлиб қоладиган бўлсам, мени тобутга ҳам солмасликлари аниқ. Майли, ўлим тобутсиз бўлса ҳам ўлимдир.

Эҳ, коммунизм!

Хуррият, адолат, инсон ҳуқуқлари, тараққиёт каби жимжимадор сўзлар билан келиб бизни тобутга ҳам зор қолдирди!

Янги келган махбуслардан яна янги хабарлар олдим.

Жозибасини йўқотган коммунизм халқни ўз тарафига оғдириб олиш учун ғалати ишларни бошлабди. Ишбилармонларга банкдан пул берилмаётган, ишчиларнинг ҳам паймонаси тўлиб бораётган экан. Кейин коммунистлар уюшмага келиб «Қаранглар, биз сизларнинг ҳақларингизни қандай оламиз» дейишиб банкга таълимот беришаркан. Банка иш берувчига шундан кейин пул берар, хўжайин ҳам ишчиларининг ҳаққини тўлар экан. Ўйинни билмаган бечора ишчилар эса, капиталист хўжайин сабабли коммунизм келганига ишонишар экан.

Ҳамма нарсада иғво кучаяётганди.

Ўзимга ёқиб тушган иккита нарсани шу жойда айтиб қўймасам бўлмайди.

Инқилобчи коммунистлар олдинлари Аллоҳдан кўркишга эскичилик, дейишарди. Энди эса, Аллоҳдан бошқа ҳаммадан кўрқадиган бўлишибди. Ҳаммага «жосус» кўзи билан қарайдиган бўлишибди.

Завқланганимдан дунёларга сиғмасдим.

Шунингдек, коммунизм сиртмоғи остида қолганлар хаёл ҳам суриша олмаётган экан. Зеро, хаёл хуррият бўлган жойда сурилади. Хуррият йўқ бўлса, хаёл ҳам сурилмас, улар бузилиб кетар экан.

Исканжа

Бузилишга мажбур бўлар экан. Чунки, хаёллар тарқатиб юборилар экан.

Оҳ бўлсин сизларга!

Мени хаёлларимга етишишдан маҳрум қилдингиз. Лекин, ўзингиз ҳам хаёл қуришдан маҳрум бўлдингиз.

Бундан завқ олинмайдими?

Мени ҳайратга солган яна бир нарсани ўргандим. Узоқларда отаси ёки онаси ўлиб қолганлар жаноза учун рухсат сўраганида коммунист партия қотиби «Ўликларингизга хафа бўлишга сарфлаган кучингизни халққа хизмат қилишга айлантинг. Ўлганларни унутинглар», дейишар экан.

Коммунист динсизлари инсонларнинг тиригига кўрсатмаган эҳтиромни ўликларига ҳам кўрсатмас экан.

Динни унутган коммунист тузумларда диндан узоқ бўлганлар жаноза ва дуолар билан эмас олқишлар билан кузатиларди. Коммунизмда эса, баъзан олқиш бор, баъзан эса йўқ. Зотан, динсизлар ўликларини олқишлар билан кузатиб қўядилар. Ўлик учун олқиш билан олқишсизлик орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Иккиси ҳам ўликларга бир хил масофада туради. Коммунизм эса, тирикларга қайси масофада турганини аниқ айтмаяпти.

Натижада, биттасида масофа аниқ, лекин бу аниқликдан халқ фойдалана олмаяпти. Наригисида

Омина Шенликўгли
эса, ноаниқ ва бунисида ҳам халқ фойдалана
олмаяпти.

Айниқса, ўрта поғонадаги халқ учун иккала
тузум аслида эгизак тузумдир.

Тургут менга ёпишиб олганди. Яна бир марта
фурсатини топиб, мавзуни очди. Бу сафар ёлворарди:

– Сени қочириб юборишимга рухсат бер. Ортик
чидолмайман. Адоват тўла кўзларим билан унга
қарадим:

– Онамни, отамни, опамни жиянларимни ва
мени фидо қилиб сотиб олган ўша мақоминг ва
фикрингдан қайтмагунингча, сени ёрдаминг билан
қочиш у ёқда турсин, сувсизликдан ўлишимни
билсам ҳам кўлингдан бир томчи ҳам сув ичмайман.
Қайтиб менга бу таклифингни гапирма! Биласан,
ҳаётимда сенга қўл кўтармаганман. Яна шунақа
қиладиган бўлсанг, одатимни ўзгартираман, билиб
қўй!

Тўхтаб қолди.

– Ростан ҳам шундай қиласанми?

– Таклифингни яна бир марта айтгин, кўрасан!

Атайлаб, ўша ондаёқ таклифини қайтарди.

– Такрорладим. Кел, энди ур мени.

Эшитмаганликка олиб юришни бошладим.
Биламан, у ҳозир ўзини уришимни хоҳлаётганди. Шу

Исканжа

йўл билан ўзига лойиқ жазони олганига ўзини
ишонтириб, виждонини роҳатлантирмоқчи эди.

Унга ўша роҳатни бермадим.

Баъзи айбдорларга уриб кўйишнинг ўзи ҳам бир
неъмат экан. Ўша пайт буни тушуниб етдим. Сўзимда
туриб, унга кўл кўтармадим.

Мен ҳам шу қамоқхонага тушиб руҳшуносга
айланиб қолдим. Одамларнинг рухий ҳолатларини
бир зумда билиб оляпман.

Ёки менга шундай туюляптими?

Тургут мени қамоқхонадан қочириш учун нима
қилган бўлса, ҳаммаси бекор кетди.

Яна бир йил қолдим ўша жойда.

Бир куни ҳеч кутилмаган пайтда мени идорага
чақириб қолишди. Бу сафар мени чақирган мудир
ёрдамчиси эди. Бордим... Мудир ёрдамчиси билан
машина моккисидек гаплашдим:

– Каан сенмисан?

– Ҳа, менман.

– Неча йилдан бери ётибсан?

– Йигирма бир.

– Ташқарини соғиндингми?

– Ҳеч ўйлаб кўрмадим.

– Сабаб?

Омина Шенликўгли

– Ташқарига чиқиш умидимни йўқотганим ва ташқарида мени кутадиган ҳеч кимим бўлмагани учун.

– Ҳозир сени ташқарига чиқарсак, нима қиласан?

– Олдин нима учун чиқарилганимни сўрайман.

– Сен учун буни нима фарқи бор?

– Мен учун фарқи бор.

– Сен бироз кеккайганроқмисан?

– Йўқ! Ўз фикримга эгаман, бори шу.

– Бироз сурбетга ўхшайсан.

– Бу судда бўйини эгмаганим учун сизга шундай туюлаётган бўлса керак.

– Сен мендан кўрқмайсанми?

– Йўқ! Йигирма бир йил давомида кўрган қийноқларим кўрқувни ҳис қиладиган хужайраларимни ўлдириб бўлган.

– Сени ҳали ҳам ақлингни йиғиштириб олмаганга ўхшайсан?

– Сиз ақлни таҳлил қила олмайсиз.

– Тушунмадим.

– Тушунсангиз нима қиласиз?

– Сизга ноҳақлик қилмайман. Ўзингизга лойиқ бўлган ҳамма насани айтаман.

Мудир ёрдамчиси ўрнидан турди. Бақриб давом этди:

– Ўта безбет экансан. Лекин, шундай бўлса ҳам бугун сени кечиряпман. Чунки, маҳкамадан сени озод

Исканжа

килиш бўйича буйруқ келди. Қани, тезроқ тайёрлан ва бу ердан чикиб кет.

Ҳайрат! Йигирма йилдан кейин курилган маҳкама, мени йигирма бир йилдан кейин озодликка чиқараётган эди. Ажабо, бунга ишонсаммикан? Ёки бунинг ортида бошқача ўйин бормиди?

Қўрқаётгандек кўринганимга аҳамият берманг. Менга энди ҳеч нарсанинг қизиғи йўқ.

Хитой исканжасидан кўра, кечирасиз, динсизлик исканжасидан кўра даҳшатлироқ исканжа бормидики, мен ундан кўрқсам. Нима бўлса ҳам мен барча кийноқларни ўз кўзим билан кўргандим. Менга «Тайёрлан» деди. Ҳайрат!

Мен тайёргарлик кўрадиган бирор нарсам бормиди? Чамадонимга солиб кетадиган битта кўйлагим ҳам йўқ. Гўё чамадоним бордек гапиряпти. Мудир ёрдамчисига карадим.

— Сизга нима дейишимни хоҳлайсиз? Ҳайрон бўлиб қолди:

— Ҳарқалай хушхабар айтдик. Кўзларига карадим.

— Хушхабарингизнинг биронта бадали бўлиши керакми?

— Шунақа қилишинг керакмасми? Кўзларига қараб давом этдим:

— Сизга билдирилган хушхабарнинг айтишингизнинг бадали борлигига ишонганингиз каби сизга айтилган исканжани амалга

Омина Шенликўгли
оширишингизнинг бир бадали борлигини ва бир куни
ўша бадал қаршингизга чиқишини ҳеч ўйлаб
кўрмадингизми? Ҳайрон қолган ҳолида юзимга
қаради. Қаллоблар ҳам қаллобни ёқтирмайдилар.
Дуруст одамни ёқтириб, уни ҳурмат қиладилар.

Дуруст одамни қаллобларча ўлдирсалар ҳам...!

Сўрадим:

– Яхши-ку, лекин, менинг янги кийимим йўқ. Бу
кийимларни ечсам кейин нима кияман?

Мудир ёрдамчиси юзимга қараб жуда ҳам
хотиржам ҳолда савол сўради:

– Янги кийимларингни нима қилдинг? Ўйлаб
қолдим.

Энг охири қачон янги кийим кийган эдим.
Йигирма бир йилдан бери янги кийим кўрмаган эдим.

Эсладим.

Қишлоқда машинанинг орқасига мени боғлаб
судрашган куни устимда оқ шимим бор эди. Ва ўша
кундан кейин асло янги кийимни кўрмадим.

Мени устимдан кулманг, лекин, инсон янги
кийимни ҳам соғинар экан. Мен буни жуда ҳам оғир
шароитда ўргандим. Инша-Аллоҳ, сиз мен кўрган
кунларни асло кўрмайсиз. Зеро, буни тушунишнинг
бадали жуда ҳам оғирдир. Ҳеч бир мусулмоннинг,

хаттоки, християннинг, християни кўйинг, ҳеч бир динсиз бадални бу шаклда ўташини хоҳламайман.

Мудир ёрдамчисининг овозидан сесканиб кетдим:

– Энди нима қиламиз? Пулинг борми?

Эҳ! Менга нима бўлябди? Ҳар бир калимадан ниманидир эслаяпман... Пулми? Ростан, пул деган нарса бор эди. У қанақа нарса эди? Унинг нималигини, нимага ишлатилишини унутиб кўйгандим.

Балки, ишонмасиз, лекин, шунча вақтдан бери (21 йил) пул хаёлимга асло келмабди.

– Менда пул нима қилсин, дедим. Тушунди.

Ҳайрат! Бу қамоқхонада кимдир маҳбуснинг эҳтиёжлари ҳақида ўйлаётганди.

Ҳаво ҳам совуқ эди! Мен ҳам ўйлашни бошладим.

Кейин мудир ёрдамчиси бошини қашиб, гўё ҳозир эслагандек менга ўгирилиб қаради:

– Ростан ҳам сен учун бошдан оёқ кийим тайёрлаб кўйганмиз. Қандай ишонай? Тўғрироғи, нега ишонай?

– Сизлар менга кийим тайёрлаб кўйдингларми?

– Ҳа. Нега ҳайрон бўласан? Кўзларига сўроқ назари билан тик қараб сўрадим:

– Сизнингча, ҳайрон бўлишим мумкин эмасми?

Қизариб кетди дейишимни кутманг. Улар қизаришни билмайдилар. Фақатгина қизартиришни биладилар...

Ҳайратланишимга қарамай қабул қилдим:

– Яхши. Сизлар маҳбусларга кийим бераётган бўлсангиз, коммунизмдан ҳеч бўлмаса, шу кийимни ола қолай. Лекин, ундан оладиганим ҳали кўп.

Янги кийимларни кийдим. Энди эшикдан чиқаман деганимда Тургут келиб қолди. Мудир ёрдамчиси Тургутни кўрсатиб тилёғламалик қилди:

– Қара, айна пайтида келди. Уни илондан асраб қолганинг учун бу кийимларни жаноб мудиримиз Тургутбейнинг шахсан ўзлари тайёрладилар. Унга раҳмат айт.

Бирданига бошим айланиб кетди.

– Нимааа! Менга бу кийимларни жаноб мудирингизнинг шахсан ўзи тайёрладими?

Мудир ёрдамчиси кулимсираб жавоб берди:

– Ҳа. Уни илондан қутқариб қолганингнинг мукофоти экан.

Тургутга қарадим. У ҳам менга қараб турганди. Кўзимиз кўзимизга тушди. Бир неча сония бир-биримизга қараб қолдик.

Демак, илон воқеъасини ўйлаб топибди. Тургутга қараб, бақириб ташладим:

– Раҳмат сизга Мудирбей. Мен яхшилик қилган инсонларимдан яхшилигим эвазига ҳеч нарса олмайман.

Исканжа

Кейин кийимни ечиб бир четга отиб юбордим. Фақатгина ички кийимим билан қолдим. Уни ҳам бир неча кун қамоқхонада ётиб чиққан бир маҳбус берган эди. Пижаманинг усти йўқ эди. Лекин, таги янги эди. Ҳайрон бўлиб қолишди. Устимда ҳеч нарса йўқ ҳолимда қамоқхона эшигидан ташқарига чиқдим.

Ҳамма тараф муз каби эди. Бир соатча юрдим. Бироздан кейин олдимга бир машина тўхтаб, аҳволимни сўради, айтиб бердим.

Кейин у мени уйига олиб бориб, устимга кийим беришини айтди. Қабул қилмадим. Чунки, кўркиб кетгандим. Бу ҳам ўшалардан бири бўлиши мумкин эди. Ҳалиги одам аҳволимга жуда ачинди. Палтосининг тагидаги кўйлагини чиқариб, менга берди. Демак «Коммунизм ўлдира олмаган пок виждонли хитойликлар ҳам бор экан», деб ўйлаб қолдим.

Шоҳ кўчада кетиб борардим. Инсонларга қарардим, лекин, ҳеч ким менга қарамасди.

Аслида, инсонларга қараб уларни яхши кўра олмаётган эдим. Ҳаммалари гўё кибрли бўлиб кетгандек туюларди.

Гўё ер билан осмон ўрнини алмаштирганди. Энди нима қиламан, қаерга бораман? На бир уйим, на бир ёрим бор эди.

Эҳ, коммунизм! Демак «халқ, халқ» деб мени ҳеч кимсиз қолдирдинг, шунақами!

Оғир қадам ташлаб кетиб борардим. Кун ҳам қорайиб қолай деганди.

Бир боғни олдига келдим. Кейинчалик билишимча бу боғ Ўримчининг марказида экан. «Шу ерда тонг орттираман», деб ўйлаб турган эдим бир овоздан сесканиб кетдим.

– Каан!

Қайрилиб қарадим. Бу Тургут эди. Қошларимни чимириб сўрадим:

– Мендан нима хоҳлайсан? Йиғлаган ҳолида менга яқинлашиб келарди.

– Сендан сени хоҳлаяпман Каан. Менга қайтишингни, мени авф қилишингни хоҳлайман. Қилган ишларимдан итдек пушаймонман.

– Итлар пушаймон бўлишни билишмайди. Нимадан пушаймонсан?

Қилганларингами ёки ишонганларингами? Мен сендан шунинг жавобини сўрагандим. Сени кечиришим учун қилмишларингни ўзигагина пушаймон бўлишингни ўзи етмайди. Ҳақиқий инсон бўлганингни билишим учун ишонганларингдан ҳам пушаймон бўлганингни айтишинг керак.

Кўзларимга инсоннинг ичини эзиб юборадиган ўша қарашлари билан боқди.

– Мен сен айтган нарсаларга бундан ўн беш йил олдин пушаймон бўлганман Каан. Лекин, яшашим учун пушаймонлигимни яширишим керак эди. Пушаймонлигимни билдиришга фурсат йўқ эди...

– Энди бу фурсатни қандай топдинг?

Соғинч тўла кўзлари билан кўзларимга тикилди.

– Бир иложини қилиб шифокордан хужжат олдим. Яқинда ўша лаънати жойдан кетаман. Энди уйимга кетамиз. Бундан кейин мени ҳеч ким кузатмайди. Бир йўлини қилиб бу ерлардан узоқларга, жуда узоқларга қочиб кетамиз. Мени кечира олсанг ҳаммоллик қилиб бўлса ҳам сени боқаман. Мени кечиришинг учун ҳамма нарса қилишга тайёрман. Илтимос, мени тушун. Сен алданиш нима эканлигини жуда яхши биласан. «Сени кечирдим» де, сени тўйгунимча кучоклаб, бағримга босайин Каан! Мен ўн беш йилдан бери сендан баттар қийноқдаман. Мени мен бўлмасдан тушуна олмайсан.

Кўзлари, ҳа, кўзлари рост гапираётган эди. Ичидан пушаймон эди. Энди тили ҳам тўғри сўзлаётган эди. Тўғрисини айтганда, мен ҳам уни соғиниб кетгандим. Зотан, бу ҳаётда ундан бошқа ҳеч кимим қолмаганди.

Мен ҳам йиғлай бошладим.

– Мен сени соғинмадимми Тургут? Ҳар доим кўз ўнгимда эдинг шуни биласанми? Сен менинг сочларимни яширинча ҳидладинг. Лекин, мен уни ҳам қила олмадим. Модомики, пушаймон экансан, сени кучокламаслигим учун биронта сабаб йўқ.

Йиғлашиб бир-биримизни маҳкам кучокладик.

– Кечир мени Кааним, кечир! Улкан сеҳргарга алдандим. Йиғлаганимиз учун ҳеч нарса гаплаша

олмаётган эдик. Гўё кимдир келиб бизни ажратиб юбормасин дея бир-биримизни маҳкам кучоқлаб олган эдик.

Шартлар йўқ бўлса, бахт ҳам йўқдир. Энди, бахтли бўлишимиз учун шартлардан бири амалга ошганди.

Бироздан кейин кўз ёшларини артиб пичирлади:
– Биласанми, Каан, бир неча йиллардан бери шу кунни хаёл қилардим. Энди ўлсам ҳам ғам емайман.

Шундан кейин тинмасдан коммунизмнинг асл башарасини дунёга айтиб бердик. Коммунизмга, Туркистонга ёки алданганликга оид қаерда бирор китоб кўрсангиз, билингки, у китобнинг номи қандай бўлишидан қатъи назар уни мен ёзганман. У менинг яширин исмимдир. Ёки уни ёзган бошқа мендирман.

Ёдимдан чиқмасидан айтиб қўймоқчиман. Севимгулни қайтиб умуман кўрмадим. Уни асло унута олмадим. Бутун дунё билмайдиган ўша исканжа нима эканлигини ҳам била олмадим.

Кейин Тургут билан бирга Хитойдан қочиб кетдик. Қўлни қўлга бериб, овозимни борича бутун дунёга овозимизни эшиттирдик.

Бу сафар таҳаллус исмдан фойдаландик. Лекин, туйғуларимиз сохта эмас ҳақиқий эди. Тажрибаларимиз кўп эди.

Бизга кўл узатганлар бўлдими, буни ўзингиздан ^{Исканжа} сўранг. Коммунизм бизнинг қонимизни ичаётганида сиз биз учун нима қилдингиз? Ирқчилик бутун дунёни тутиб кетди. Биз уларнинг иркидан эмасмиз, «Биз туркмиз», деб бизга эгалик қила олмадилар. Улар ким? Сиз уларни танийсиз.

Ҳа! Турклар эгалик қилдими? Бир қисмигина. Қолганлари эшитмадилар ҳам.

Ўша эшитмаганларнинг баъзилари хатоларини тушуниб етиб, фақатгина шеър ёзишмоқда.

Туркистон

Қалбингга ўроқ-болта сопланган кун,
Тоғу тошларнинг қалби бўлди хун
Кўп нарса ўзгармади ўша кундан бугун
Ҳануз англолмаган бор сенга не бўлди?
Сенга сендан бошқа ким йиғлади, куйди?
Сўрадикми биримиз қон қусганида?
Хитой исканжаси неча юрак доғлади,
Биздан кимдир бормиди, ажабо орқангда...?

Ҳей дунё! Шеърлар, шиорлар етмайди! Уйғон ва овозимизга кулоқ ос!

Шарқий Туркистоннинг, Ғарбий Туркистоннинг
эзилган, йўқ қилинган бир халқнинг ва одамларнинг
хайқириқларига кулоқ сол!

Омина Шенликўгли

Динсизликнинг икки боласи бўлмиш коммунизм ва капитализмни билдик ва уларни яшаб кўрдик. Айниқса, коммунизмни жуда яхши биламиз. Сиз эшитдингиз, лекин биз уни яшадик!

Биз уни шунчалик яхши биламизки, ҳатто, Ленин билан Маркс ҳам коммунизмнинг ниҳоясини бизчалик яқиндан билмайди.

Тамом

Kitob uchun @pushtirangbaxt ga
Minnatdorchilik bildiraman!!!

Tayyorladi: @Aprel_14

[T.me/quvnoq_ru](https://t.me/quvnoq_ru)